

R 496  
1970/2

**ГУЛЖЕСТОН**  
2(38)1970

Экз.  
№/





# ЛЕНИНЧИЛАР

Тарихнинг энг шонли саналаридан бири яқинлашиб келмоқда. Асримизнинг отаси ва буюк фарзанди — Ленин туғилган куннинг юз йиллиги олдидан «Ленинчилар» деган оддий сўзимизнинг маъносини яна бир қайта мулоҳаза қилиб кўргимиз келади.

20-аср шиддатли зиддиятларга тўла. У улур революция бўронлари билан, мухораба ёнғинлари билан келди. Инсон заковатининг мислиси кашфиётлари билан даҳшатли зулмат кучлари ёнмаён яшамоқда.

Аммо асрининг беомон довулларига қарамай, инсон ва прогресс ҳамон олға босади. Уни ўз йўлини ва манзилни яхши билган доворак кишилар — ленинчилар, коммунистлар бошқариб боради.

Коммунистлар — замонанинг ҳақиқий қаҳрамонларидир. Улар ўз юракларида халқларнинг энг ёрқин орзуларини, энг эзгу интишларини жамуллашган этгандирлар.

Коммунист — маълум эътиқод кишисигина эмас. У — тинч ахлоқ намунаси ҳамдир. Халқ манфаати йўлида фидокорлик — коммунист руҳининг оддий ҳолати, бу унинг учун ҳаёт мазмуни. Аммо бу фидокорлик бир замонлар ушалмас идеал йўлида ҳалок бўлган рицарларнинг фидойилигидан тамоман фарқ қилади. Коммунистларнинг коллектив қаҳрамонлигида эскича фидойиликнинг ёлғиз фожияси, фанатик маҳкумлиги йўқ. Коммунистларнинг фидокорлиги ёрқин ишонч, онгли мақсад ва илҳомбахш гуманизмга асосланган. Халқ бахти учун курашда коллектив ва шахсий масъулият, революцион онг — коммунистлар авлодларининг шонли анъанасидир.

Коммунистлар учун ҳар қандай худбинлик, ваъдабозлик ва сибсатбозлик ётдир. Улар амал ва аниқ билим кишилари, ҳақиқат улар учун ҳар нарсадан қиммат. Шу билан бирга, коммунистларга юксак туйғулар, кучли эҳтирослар ҳам бегона эмас. Ақл-идрок ва эҳтиросия қалб туйғуларининг уйғунлиги, ҳаётга жўшқин муҳаббат, тақомилга интилишларининг чексизлиги, соддалик, ҳаққонийлик ва довораклик — коммунистларнинг халқлар орасидаги обрўсини тобора мустаҳкамламоқда.

Дунёда кўп донишмандлар анча-мунча ахлоқ системаларини ишлаб чиқдилар. Инсон камолоти, фаровонлик, бахт-саодат ҳақида кўп ширин орзу қилган, бу йўлда дам баланларвоз режалар кўрган, дам ўтмишга кетиб қолган, гоҳ инсон руҳига, гоҳ илоҳий руҳга умид қўйган файласуфлар кўп ўтган. Уларнинг фалсафаларида ширин орзулар мўл-кўл эдию, нажот йўли кўринмас эди. Коммунистлар эса айтдиларки, иллатларнинг илдизи инсон табиятида эмас, ижтимоий ҳаёт шароитида. Ижтимоий ҳаётда тақомил йўлини топмай туриб, инсон бахтга оришолмайди. Гўзал орзулардан амалий курашга, оламни қайта куришга ўтиш керак.

Асримизнинг мард кишилари — коммунистлар буюк инсон. Ленин бошчилигида ана шу ишга астойдил киришиб, тарихий ғалаба қозондилар. инсоният бахтининг ижодкорлари деган ном олдилар.

Асримиз бир эпопея бўлса, унинг бош қаҳрамонлари — коммунистлар, ленинчилардир!

## МЕНИНГ ОТАМ

Хар гал,  
Янги таниш ордирганимда  
Сўрайдилар: Аждодларинг ким?  
Тунни қувиб, ҳар тонг оттирганимда  
Сўроққа тутаман ўзимни ўзим.  
Мен фарзандман —  
Отам, Одам ўғли.  
Авлодлари олиб ўтган яхши ном.  
Милатги душманга ҳамиша ўқли,  
Дўст келса,  
қўйганлар дастурхонга ном.  
Ер ишлаб,  
Терганлар ердан ризқ-рўз,  
Боғ барпо этганлар, шаҳарлар бунёд...  
Одам ерни кўрган очганида кўз,  
Нега ахир ерни этмасин обод?!  
Ер деган,

Она Ер, Шу бир парча Ер,

Одам деб атаган  
Одамнинг отин.  
Одам ҳам тупроққа бахш этган меҳр,  
Ердан деб билган у ўзин ҳаётин.  
Одам одам бўлиб,  
Икки оёқда  
Ерга таянганча қўйarkan одим.  
Осмонда, денгизда...  
Бўлса қаёқда  
Шу ерни дейди у,  
Атар ер отин.  
Таяниб ўрганган одам туғилиб,  
Отага таянган,  
Худого ҳам гоҳ-гоҳ...  
Турмушдан нолиса ҳаётдан бўғилиб,  
Худомас, Отаси бўлган панох!  
Панох топиб келдим, дейлар ўзбеклар,  
Дўст дийдорин қўриб очарлар кучоқ.  
Оталар! Фарзандин оталар тиклар!  
Ота бор,  
Отасиз қолмайди ўчоқ.  
Ўзини қўйса ҳам минг бир гаровга,  
Фарзанд келажакни ёрқин қилади.  
Кўксини тутуди сувга, оловга,  
Емонинг, яхшнинг фарқин қилади.  
Бўйига баробар буй чўзса ҳам у  
Фарзандим,  
зуредим дейди, эркалар.

Бу шундоқ...  
Бўлган бу,  
бўлади мангу,  
Бу ҳисда баробар аёл-эркаклар!  
Менинг отам шундай...  
Ота бўлдим ўзим.  
Учга фарзандимнинг бошин силайман.  
Бир кун кўрмай қолсам,  
тақорлаб сўзин,

Узоқдан меҳримни сочиб сийлайман!  
Менинг отам шундай!  
Бизга қолсин учун  
Дунёни ясатар, Ерни безатиб.  
Ўз отам,

сезаман фарзандлик бурчим,  
Ожизман айтишга ганин тузатиб!  
Отам, отажоним, барҳайт, боқий,  
Ҳар куни кунимга яраб турибсиз,  
Дамлар дарё экан,  
Ўтмоқда оқиб,  
Ишимга,

тинчимга қараб турибсиз,  
Раҳмат сизга,  
Тилаклар мўл-мўл,  
Одам забт этмоқда арзу самони.  
Одам ўз еридек ойни этар қабул,  
Қабул этганидай  
Сиз кашф этган

янги Дунёни!  
Сиз олиб берган бу янги Оламни  
Фарзандимиз,  
сақлаймиз,  
борича умр.  
Ер юзин поклаймиз,  
қувиб аламни,  
Бўлади биз каби

Одам,  
Одам хур!  
Отам отин атаб яшайман мангу.  
Оталар танитар оламга элин.  
Одамга ўзини бахш этмоқда у,  
Менинг  
отажоним —

ЛЕНИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон  
Компартияси  
Марказий  
Комитетининг  
журнали

№2 (38). 1970

Февраль

1925 йилдан  
чина  
бошлаган

# Энг жанубий

Н. М. МУРОДОВ,

Ўзбекистон КП Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

**Ж**аҳон пролетариатининг буюк йўлбошчиси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг гениал асосчиси Владимир Ильич Лениннинг қутлуғ 100 йиллик юбилейи оstonасида турибмиз. Севякли доҳиймиз юбилейини коммунистик қурилишининг ҳамма жабҳаларида жаҳоншумул-тарихий ютуқлар билан кутиб олаётган эканмиз, буларнинг барчасини Ленин ғояларининг порлоқ тантанаси деб биламиз.

Ильичнинг ҳаётбахш таълимоти бепойоб совет диёрининг, жумладан унинг жанубий ўлкаси — Сурхондарёнинг ҳар бир шаҳар ва районида, қишлоқ ва посёлкасида, саноати ва қишлоқ хўжалигида, ҳар бир сурхондарёликнинг моддий ва маънавий ҳаётида ўз ёрқин ифодасини топди. Сурхон воҳаси партия ва ҳукуматнинг доно раҳбарлиги ва катта мадади натижасида солиқ Бухоро хонлигининг қолоқ, афғор вилоятидан экономикаси ва маданияти тараққий этган, янги ҳаёт барқ уриб яшнаган обод ўлкага айланди.

Бугун область байроғини ҳукуматимизнинг олий мукофоти — Ленин ордени безаб турибди. Совет ҳокимиятининг эдик йиллиги муносабати билан, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ҳамда ВЦСПС областини эсдалик байроғи билан тақдирладилар. Пешқадам хўжалиқларимиздан бири — «Ҳазорбоғ» совхози ҳам Ленин ордени билан мукофотланди.

Булар Сурхондарё меҳнаткашларининг Совет ҳокимияти даврида эришган улкан ютуқларига, коммунистик қурилишдаги фидокорона меҳнатларига берилган юксак баҳодир.

Боботоғ, Бойсув ва Туркон тоғлари, Аму ва Сурхон соҳиллари узра Октябрь кўши нур сочмасдан илгари бу ерларда саноат ва ишчи деган сўзлар тилимизда ҳам йўқ эди. Кенг воҳада биттагина пахта заводи бор эди, холос. Ҳозир областда 58 саноат корхонаси ишлаб турибди. Бизда кўмирдан нефтача, газдан темир-бетонгача бор. Дашнобод аюри, Боботоғ пистаси, Девон шакарқамиши, Сурхон сури республикамиздагина эмас, ҳатто Иттифоқимизда машҳур.

Областимиз саноатида асосий ўринни кўмир ва нефть ишлаб чиқариш эгаллайди. КПСС XXIII съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги пленумлари қарорига амалий иш билан жавоб бераётган кўмир ва нефть конлари ишчилари янги ютуқларини қўлга киритмоқдалар. Беш йилликнинг ўтган уч йилида «қора олтин» қазиб олиш 28,5 процент кўнайди. Қўмирчиларимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносаб совғалар билан кутиб олиш учун смена ва бригадаларини муносабани авж олдириб юбордилар. Ҳар бир ишчи зиммасига оширилган мажбурият олиб, ленинча вахтада ишламоқда. Улар биргина брикет фабрикасига ҳар кун 480—500 тоннадан кўмир жуъатиб турибдилар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ленин ордени Х. Турсунов, Ленин ордени П. Хурсандов бошлиқ проҳодчилар бригадаси, М. Муродасилов ва К. Раҳмонов бошлиқ забойчилар бригадаси, олма сими йўлининг бош инженер К. Ҳамдамов, брикет фабрикасининг смена мастери В. Фозилов, электровоз машинисти С. Дўстбоев сингари азаматлар фидокорона меҳнат намунасини кўрсатмоқдалар.

Сўнгги йилларда Сурхондарё нефти мамлакат аҳамиятини қозона бошди. Лалмикор, Какайди конларидан эшелон-эшелон ёқилғи юклаймоқда. Геологик ва геофизик маълумотларга қараганда, областимиз яқин келажакда республикамиз асосий нефть базаларидан бири бўлиб қолади.

Эндликда областимиз кенг қурилиш майдонига айланиб қолди. Лой томли, пахта девэрди эски уйлар тобора камайиб боряп-

ти. Ҳозир қардош Тожикистон чегарасидан туркман ерларига таш нуқталаргача, Аму қирғоғидан Боботоғ этакларигача барча аҳоли пунктларида замонавий типдаги уйлар қад кўтармоқда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиб олиш мумкин: 1964 йилда барча қурилиш ишлари учун 63,7 миллион сўм ажратилган бўлса, 1968 йилда бу кўрсаткич 112,6 миллион сўмни ташкил қилди. Утган йили капитал жамғарма ҳажми 123 миллион сўмга етди. Бу олтинчи тўртинчи йилдагидан икки баравар кўп эди.

Янги очилган қўриқ ерларда юзлаб маданий-маиший ва ишлаб чиқариш бинолари қурилди. Шу кунларда «Комсомолобод», «Советобод», «Янгиобод» посёлкаларини қўрган киши шаҳардан фарқ қилолмайди. Бу ерлар яқин-яқингача яйдоқ чўл эди. Ҳозир қўшқават бинолар саф тортиб турибди. Шеробод чўлида ташкил этилган Ленин номли, Охунбобоев номли ва Абдулла Набиев номли совхозларнинг марказий усадбалари битяпти. Ҳар бир аҳоли пункти план асосида қурилмоқда. Йўллар, ариқ ва зовур четларига манзарали ва мевали дарахт ўтказилмоқда.

Шу йили январда Сурхондарё области (дастлаб округ) ташкил топганига 45 йил тўлди. Бу навқирон ёшдир. Воҳа шу ўтган йиллар ичида республиканинг серҳосил, йирик пахтакор областларидан бирига айланди. Қирқ беш йил муқаддам областнинг ер майдонидан 63 минг гектарга суғориш учун ярақдан деб топилган эди. Ҳозир эса, 173 минг 335 гектар суғориладиган ерда қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилиб, мул-кўл ҳосил олинапти. Пахтазорларимизнинг ўзи 116 минг гектар.

Сурхондарё миришқозлари сўнгги бир неча йил ичида область пахтачилигини янада ўстириш, минглаб гектар қўриқ ерларини серҳосил далаларга айлантириш, у ерларга оби ҳаёт элтиш йўлида талай ишлар қилдилар. Бу йилларда бағрига 800 миллион куб-метр сувни сиздирга оладиган Жанубий Сурхон сув омбори қуриб битказилди. Шеробод машина канали, насос станциясининг биринчи навбати ишга туширилди. Қўриқ ерда 2 та совхоз — Ленин номли ва Охунбобоев номли хўжалиқлар ташкил қилинди.

Жарқўрғон, Термиз, Гагарин районлари хўжалиқларини сув билан таъминлайдиган Занг канали қайта реконструкция қилинди. Илгари бу канал сувни Сурхон дарёсидан эки оддий усул — тўғон воситаси билан бўғиб олинар эди. Тўғон эса, тез-тез ишдан чиқиб тураётган, тузатиш учун ҳар гал кўп меҳнат ва катта маблағ сарф бўларди. Жарқўрғон гидроузелининг қурилиши бундай кўнгилсиз ҳодисаларга чек қўйди, каналда сув бир зайдда оқиб турадиган бўлди.

Бешқўтон массивида механизмлар моторининг гуверни тинмайди. Қўриқ ер баҳодирлари кун сайин чўлининг ичкарасига кириб бораётдилар, кун сайин гектарларга гектар қўшилаётди. Биргина 1968 йилда чўл бағрида 8 минг 468 гектар ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди; шундан 4,8 минг гектариде пахта етиштириляётди. Чўл жасорат майдонига айланди. У ерда меҳнати билан элга танилган, обрў-эътибор қозонган ўилаб пахта усталари етишиб чикди. Чўлуқвар мотшор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратов карвонбошилиқ қилапти.

Ўртоқ Қудратов Шўрчи районида ҳовли-жойини қолдириб, қалб даввати билан яйдоқ чўлга келган эди. Дастлаб вақтинчалик қурилган шийнонда турди. Шу ерда яшаб, чўлга ҳамла қилди. Биринчи йили 86 гектар ер ўзлаштирилди. Ўзи шудгор қилди, ўзи эгат очиб чигит қадади. Туллари уйқусиз ўтказиб, ўзани меҳр зиёси билан парваршилади. Биринчи йили ҳар гектар ердан 20 центнердан «оқ олтин» кўтарди.

Ажойиб инсон Шоймардон Қудратовнинг 1969 йилги марра-

си янада юксак бўлди. У пахта йиғим-терими қизғин тус олган бир пайда республикамиз матбуоти орқали барча механик-ҳайдовчиларга «Пахтакор, жасорат кўрсати!» деган шнор билан мууроаат қилди.

Унинг бу чақириғи аини муддао бўлди. Областимиз хўжаликларига 2 мингга яқин «зангори кема» юқори унум билан пахта тернига киришти. Шоймардон фақат областдагина эмас, шунингдек бутун республикада ҳам карвонбошилиқ қилиб, бошқаларга намуна кўрсатиб турди. Унинг ўзи В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига ажойиб шахсий меҳнат совғаси ҳозирлади. «Ўзбекистон» зангори кемаси бункеридан 600 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тўкиб, Иттифоқ рекордини қўйди.

Бизда бундай марди-майдонлар анча. Мана улардан бир нечаси: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Отамурод Худойназаров, Тоғай Абсаматов, Назиртош Тўраев, Светлана Продан, Роҳиля Абдурахмонова, Хайит Шоймардонов, Абсалом Тангиров, Абдусаттор Қурбонов, Алмурад Еқубов ва бошқалар. Бу азаматлар ҳам ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, 300—400 тоннадан пахта йиғдилар.

Намуна кўрсатиб ишлаётган ўнлаб, юзлаб пахтакорларнинг жонбозлиги натижасида Гагарин райони дастлабки йиллик областда пахта тайёрлаш планини биринчи бўлиб бажарди. «Янгиобод», «Комсомолобод» совхозлари янада юқори ҳосилли ва бадавлат хўжаликлар бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитети март (1965 йил), май (1966 йил), октябрь (1968 йил) Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, областимиз қишлоқ меҳнаткашлари ўтган йили 343405 тоннадан ортиқ «оқ олтин»ни давлат омборига тоширдилар. Бу муваффақиятга қишлоқ хўжалигининг юксак механизациялаштириши, кўп мийлатли воҳа пахтакорларининг бир ёқадан бош чиқариб қилган меҳнатлари тўғайли эришилди.

Сурхондарё ингичка толали пахта етиштиришда республиканинг асосий базаси ҳисобланади. Термиз, Жарқўрғон, Шеробод районлари пахтакорлари уни кўндан бунён экиб келадилар.

Чорвачилик областимиз хўжалигида йирик тармоқ ҳисобланади. Етти хўжалик чорвачилик бўйича махус ихтисослаштирилган, колхоз ва совхозларимиз чорвачиликни ривожлантиришда зоотехника-ветеринария ютуқларини дадил қўллаёттирлар. Айниқса Гагарин номили наслчилик совхозида ибратли ишлар қилинмоқда. Бу хўжалик чорвадорлари кейинги йилларда жаҳонга машҳур Сурхон сурунининг бир неча навини яратдилар. Моллар туғини ошириш, махсуддорлигини кўпайтиришда янги тажрибаларни қўллаёттирлар. Ҳар юз бош совлиқдан 180—185 тадан кўзи олаётган Бойсун районидagi «Сайроб» совхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Шамаев, Шўрчи районидagi «Ўзбекистон» совхозининг илгор чўпони Раҳмон Бобохонов чорвадорларимиз фахридир.


Областининг иқтисодий қудрати юксалган сари воҳа меҳнат аҳлининг моддий ва маданий турмуши ўсиб бормоқда. Эндиликда барча хонадонларимиз Ильич чироғи нуридан чароғон. Ҳар бир хўжалик радиоприёмник ва репродукторларга эга. Телевизор, хоҳлишник, кир ювиш машинаси ва бошқа замонавий рўзгор буюмлари хонадонларга тобора кўп кириб бормоқда.

Революцияга қадар бу ердан саводли кишини топиш амри-маҳол бўлган. Термизда биргина қуйи босқич мактаб бўлиб, унда ҳам асосан подшо ҳарбий хизматчиларининг болалари таълим олган экан. Ерлик аҳоли тамоман саводсиз эди. Совет ҳокимияти даврида қисқа муддатда Сурхондарё ёписига саводхонлар воҳасига айланди. У энди ўзининг олимга, инженеру врачига, аспиранту студентига эга.


Ўтган йили 435 умумий таълим мактабларида 179 минг 199 ўқувчи таълим-тарбия олди. Улар билан 4 минг 350 ўқитувчи машғул бўлди. Область меҳнаткашларининг фарзандлари тўққизта махус ўрта ўқув юртида қурувчи, врач, педагог, механизатор, гидротехник сингари ўнлаб касобларни эгалламоқдалар. Мингдан ортиқ йиғит-қизларимиз областдаги етти та ҳунар-техника мактабларида ўқиёттир. Областдаги ўрта мактабларни битирган юзлаб фарзандларимиз мамлакат олий ўқув юртларида таълим олмақда. Биргина Ойбек номидаги Термиз педагогика институтига 1300 студент педагогик илмини эгаллаёттир.

Бизда область музыкали драма, 3 халқ, 1 қўғирчоқ театрлари, 132 ҳаваскорлик тўғарақлари, 235 кутубхона, ҳар бир хўжаликда клуб ва кинотеатр ишлаб турибди. Бу маданият ўчоқларида ажойиб талантлар етишиб чиқаёттир.


КПСС XXIII съезди ва партия Программаси қарор ва ғояларини тезроқ рўёбга чиқармоқ учун курашаётган Сурхондарё меҳнаткашлари бу тарихий зафарларга, туб иқтисодий ва социал ўзгаришларга Ленин асос солган Коммунистик партиянинг доно раҳнамолиги натижасида эришти. Областимиз меҳнат аҳли бу муваффақиятларни улуг рус оғамиз бошчилигидаги ҳамма халқларимизнинг интернационал дўстлиги, қардошларча ҳамкорлиги, мустаҳкам бирлиги тўғайли қўлга киритди. Эришган ва тагин қўллаб қўлга киритажак муваффақиятларимиз, янгидан-янги ғалабаларимизнинг бу тош-метин негизини, бахтиёр ҳаётийиз, битмас-туганмас қувончимиз, порлоқ истиқболимизнинг бу асл манбани ҳаминша мустаҳкамлайверамиз. Улуғ Ленин бизга шунини ваъсият қилган. Коммунистик партия шундай таълим бермоқда.



Бугунги Термиз. В. И. Ленин номидаги мактаб.



Янги озиқ-овқат магазини.



Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларга ёдгорлик. «Орленок» болалар магазини.





# ЛЕНИН

## ВА

## МИЛЛИЙ

## ТИЛЛАР

КИМКИ МИЛЛАТЛАРНИНГ ВА ТИЛЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИНИ ЭЪТИРОФ ЭТМАСА ВА ҲИМОЯ ҚИЛМАСА, ҲАР ҚАНДАЙ МИЛЛИЙ ЗУЛМГА ЕКИ ТЕНГ ҲУҚУҚСИЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШМАСА, УНДАЙ КИШИ МАРКСИСТ ЭМАС, УНДАЙ КИШИ ҲАТТО ДЕМОКРАТ ҲАМ ЭМАС, БУ ШУБҲА-СИЗ.

В. И. Ленин. «Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар». Асарлар. 20-том. 13-бет.

Инсоннинг энг улуғ ва асрий орзулари орасида маърифатга интилиш, ўқимоқ, ёзмоқ орзуси энг мўътабар ва қадимий ҳақиқатдир. Аммо бу ҳақиқат узоқ ўтмишдагина эмас, ҳатто бизнинг асрийлиг бошида ҳам ушалмас, ўқусуқ бир армон эди. Рақамларга мурожаат қилайлик: 1914 йили ҳозирги Ўзбекистон территориясида атғи 160 мактаб бўлган. Уларда 17 минг бола ўқир эди. Ҳозир республикада 7 мингдан зиёд мактаб бор, уларда 2 миллион 800 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олмақда.

Чор амалдорлари маҳаллий халқларни жаҳолатда, илм-маърифатдан беҳабар тутиб туриш, уларнинг маданияти, адабиёти, санъати, тилини қамситиш, таҳқирлаш сийосатига амал қилар эди. Чор ҳукумати маориф министрлигининг журнали 1867 йили шундай ёзган: «...агар сиз уларнинг (маҳаллий ва маълум халқларнинг — В. Э.) тили учун ёзув белгиласангиз, грамматик қондаларини оз-моз ишлаб уни мактабга киритсангиз, бу билан сиз ўша элатни тан олган ва оёққа тургазан бўласиз». 1910 йили «Сарт тили этимологияси» китобини чоп этган Н. Остроумов ўзбек тили бўйича бирорта тузувкор грамматика, дарслик ёки қўлланма йўқлигини, ўзбеклар орасида ўз она тили ҳақида илмий иш қилаётган бирор тилшуносни учрата олмаганини ёзади. Бу китобга бутун бошли бир халқ — ўзбек тилининг грамматик хусусиятлари бор-йўғи 10 варақ қозоқда баён қилинган. Ҳолоки, ўзбек тилининг фонетика, морфология ва лексикасининг ўзи 1957 йили «Ҳозирги замон ўзбек тили» номи 530 бетли асарда, 1966 йили эса «Ҳозирги ўзбек адабий тили» деган 900 саҳифалик китобда гоят ихчам тавсиф этилди.

Тарихда бундан тўққиз юз йил олдин ҳозирги босма билан 1400 бетлик асар ёзган Махмуд Қошғарийдек тилшуносимиз, беш аср аввал эса ўз она тилининг боғбони ва қалқони Алишер Навоийдек дингист-шoirимиз Утган бўлса-да, асриймиш бошида ўз тили, ўзбек тилини илмий асосда ўрганадиган миллий кадр-

ларга эга эмасдик. Эндилкида ўзбек тили социалистик миллат тилига, СССРдаги энг бой тиллардан бирига айланди. Ҳозир ўзбек адабий тилини республикамизнинг ўзида 150 дан ортиқ тилшунос ўрганаёпти.

Ўзбек тили эндилкида матбуот тили, радио ва телевидение тили, саҳна ҳамда экран тилидир.

Буларнинг барчаси учун биз Лениндан мишадоримиз. Агар асриймиш бошида Ленин Россиядаги барча миллатлар ва тилларнинг тенг ҳуқуқлилиги ширини олдинга сурмаганда бу муваффақиятлар тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Большевиклар партияси буржуазиянинг шовинистик ва миллатчилик сийосатига қарши, барча миллат тилларининг тенг ҳуқуқлилиги, она тилларнинг эркин ривожланишидек доно сийосатини олдинга сурди. Бу сийосатнинг назарий асослари ҳамда амалий чоралари Лениннинг «Программизда миллий масала» (1903), «Россияда сўз эркинлиги» (1912), «Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар» (1913), «Ишчилар сийфи ва миллий масала» (1913), «Миллий масала юзасидан тезислар» (1913), «Маданий-миллий автономия тўғрисида» (1913), «Мажбурий давлат тили керакми?» (1914) каби асарларида дохона баён қилиб берилган.

Совет ҳокимияти мамлакатимиздаги барча миллий тилларнинг тенг ва эркин ривожланиши учун кенг шароит яратиб берди. СССРда 130 га яқин миллат яшайди. Уларнинг тиллари, аҳоли сонидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлидир. Рус тилида — 125 миллион киши, украин тилида — 37 миллион киши, белорус тилида — 7,8 миллион киши, ўзбек тилида эса 6 миллион киши гапашади. Шунга қарамаздан мамлакатимиздаги 600 киши гапашадиган гунбёз, 200 киши гапашадиган гинух, ёки 400 киши гапашадиган илқашани, минг киши гапашадиган арчин ҳамда будух тиллари рус, белорус, ўзбек тиллари билан баравар, тенг ҳуқуқлидир.

Инқилобга узоқ шимол ва Шарқда, шимоллий Кавказ ҳамда Доғистонда, шунингдек, Помир тоғларида яшовчи қўлгина элат тиллари мутлақо номаълум ва ўрганилмаган эди. Эндилкида уларнинг қўллари ўз она тилида ўқимоқда. Илгари ўз миллий алфавитига эга бўлмаган эллиқдан ортиқ этник группанинг ҳозир миллий ёзуви бор. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Буларнинг бари Коммунистик партияимиз амалга ошираётган ленинча миллий сийосатнинг улуғвор тантанасидир.

Э. БЕГМАТОВ,  
филология фанлари кандидати.

Б унёдкор қўллар... Жамки мўъжизалар шу нозик-мулойим, илиқ-иссиқ, пайдор-қабарик қўлларда бунёд бўлади. Шунинг учун ҳам ажаб эмаски, бузиб-ёрмоқ учун кўтарилган қўл муқаррар синади.

Камалак ўқидек тик кўчаларини мовий Ҳисор этакларига ёйган кўмирчилар шаҳри — навирон Шарғунда қачон бўлмади, ҳаёлимга нуқул шу ўйлар келади. Ахир у ҳаёт асаридан тамом холи яйдоқликда энди бош кўтарайтганида мамлакатимиз бошига фашизмнинг қонли қўли қора қўланда ташлаб турарди. Янги шаҳар она юрт иродаси билан жангчига айланган бунёдкор инсоннинг биллагига дармон бўлмоқ учун қад кўтармоқда эди.

1942 йилнинг совуқ келган баҳори. Узоқ фарб томонда, бу ердан олис жойларда кучли ва маккор ёв билан ҳаёт-мамот жанги борар, минг ва миллионлаб ҳалок бўлганлар қони-у сон-саноқсиз ёндирилган шаҳар-қишлоқлар гулханидан ярилган аччиқ дуд-қурум беповён дала-адрларни қоплаб ётарди. Азиз Ватанимиз пойтахти қонажон Москва учун бўлган жанг ёвуз душманинг энгилмаслиги тўғрисидаги афсонани чиппака чиқарди. Бу галаба кишиларимиз қалбида умид чирогини ёқди, ўз давлати нуқдрати ва энгилмаслигига ишончини мустақамлади. Лекин совет куралининг турган душман белини узил-кесил сиңдирган шонли галабалари ҳамон олдинда — Сталинград остоналари ва Орёл далаларидаги жанглар ҳали олдинда эди.

Бироқ кўмир ҳозирок керак, мактабларини ва уй-хонадонларини, цехларини, боғча ва касалхоналарини иситмоқ учун жуда зарур эди. У шундоқ ёнгинада, Ҳисор этаклари остида ётарди. Партия ҳалқини ёр баридан шу тафт-ҳароратни олиб, одамларга ҳади қилишга қақирди. Шу даъват билан бутун Сарюсиё аҳли бир кишидек оёққа қалқди. Ҳисор хазинасига элтидиган йўл қурилиши — умумхаўқ ҳашари бошланди. Тез орада мутахассислар келиб, кон бойлигини аниқлашга, республиканинг янги когечаркаси лойиҳасини яратишга киришдилар.

Уруш тугаши биланоқ катта қурилиш авж олиб кетди: тоғ этакларида янги шаҳар бинолари қад кўтарса, ёр қатламда дастлабки шотильялар отишаверди. Бу зарбдор комсомол қурилиши эди.

Юқори ҳароратли Шарғун кўмирининг дастлабки тонналари 1958 йил ўртасида олинган бўлса, ўша йил охиридаёқ янги ўзбек когечаркаси мамлакатга олтинчи минг тоннадан кўпроқ «қора олтин» етказиб берди. Лекин ўша чоқларда бу ноёб ёқилги автоматиналарда ташилганидан жуда қимматга тушар, тоннасига давлат 24 сўмдан сарфларди. Шунинг учун ҳам каттадан-кичик ҳамма шарғуликлар ўз корхоналари маҳсулот таннахарини пайсатириш пайига тушдилар. Бу ялин интилиш қандай самара берганини олдиндан айтиб қўя қолайлик: ҳозир кўмирнинг тоннаси ўн тўрт сўмдан ошмайпти. «Қора олтин» ташинишдек асосий юмуш олисдан-олис сафта тизилган пўлат миноралару, уларга тортилган сим йўллар зиммасига юкланди. Қўл кучи билан бўладиган қарийб ҳамма ишларни машина-механизмлар ўтайдиган бўлди.

Кўмир — Шарғуннинг катта бойлигидир. Лекин унинг қиналам олтидан ҳам зиёд асосий бойлиги — одамлар. Ўтмиши ким-сиз кечган дашти-биебоғга ҳаёт нафасини келтирган, уни Сурхон водийсининг ўзгал манзилга айлантирган шу одамлар, ахир. Шу азмкор, серсаховат, камтарин одамлар ҳақида жуда-жуда сўзлагинг келади киши...

Парда Хурсандов деган бир кичи танишим бор. Қадди ўртадан юқори, қотмадан келган, бугдой ранг чўзиқроқ юзига йирик

Проходкачилар коммунистик меҳнат бригадаси — (чапдан) Г. Зарипов, Ф. Шергазин, М. Рафиқов, А. Автухович (бригада бошлиғи), Б. Жўрақулов, Н. Вашурин.

Г. Графиня фотоси.

# ШАРҒУН ҲАРОРАТИ



қора кўзлари жуда ўтиришган бу киши аввало ниҳоятда қамсуқумлиги билан мафтун қилади сизни. Чинор қишлоғини кесиб ўтгучи Шаргун ариғи ёқасига тушган унинг кенг ҳовлисида кўп марта бўлганман. Бу ўзига тўқ, бадавлат бир хонадон. Болалар кўпчилигидан ундан хушчақчақлик аримайди. Парда аканинг ўзи кекса кончи. Бу ерга қирқ учинчи йилдаёқ келган, шаҳарчани ҳам, конни ҳам ўзи қурганлардан. Ҳозир у социалистик мусобақада анча йилдан буён нуқул биринчиликини олиб келётган проходчилар бригадасига бошлиқ. Юқори унум билан меҳнат қилгани, кўмир саноатида узоқ йиллар бенуқсон ишлагани учун Хурсандов Ленин ордени билан мукофотланган.

Кекса кончилардан яна бири, Парда аканинг муносиб тендоши Ҳайдар Турсуновдир. У ҳам қирқ учинчи йили келган, шаҳарчани ўз кўли билан қурганлардан. Шу сабабдан Республикада хизмат кўрсатган бинокор фахрий унвонига ҳам мушарраф бўлди. Ҳозир Ҳайдар ака портлатиш иши бўйича мутахассис. Бу жасорат, эпчиллик, аниқ мўлжал ва зўр маҳорат талаб этадиган ҳунар худди шу доворак Турсунов учун яратилгандек. Унинг портлатиш устаси унвонини олганлиги ҳам аини шундан-да!

Ғайрат Иброҳимовнинг конда ишлаётганга ўн йил бўлибди. Институтни тамомлагач, бу ерга келиб, кончилик касбининг унинг алифбесидан бошлади, аввал проходчи бўлиб ишлади. Кейин хизмат вазифаси юқорилайверди. Энди, кимсан, бутун бошлиқ бир кон аҳлига раҳбар.

Яхши танишларимдан яна бири ҳозир кон бошқармасининг бош инженери Арнольд Борисович Фоминов, ўн уч йил аввал шу ерда қурувчи бўлиб ишлаганди. Кон ишта тушгач, смена бошлиқлигига кўтарилди. Кейин участка бошлиғи, бутун кон бошлиғи ҳам бўлди. У озгина юрак санчиғи дардини «ортдирган». Бу фалакат аини бош инженер иш боши бўлаётган пайтда қилиқ кўрсатади, дейди Арнольд Борисович.

— Бош инженер иш боши бўлмаса ҳам бўлаверадиган пайт бўладими?— деб сўраб қоламан.

Бўлмайди чоғи...


Тажрибакор проходчи ва забойчилардан Андрей Автухович, Қаҳҳор Раҳмонов ва Мамед Муродасиловнинг доврўғи областимиздан бошқа ёқларга ҳам ёйилган. Уларнинг бригадалари Шаргун кончиларининг пешқадами.

Брикет фабрикаси кончиларининг фахридир.

— Ташвиши ҳам,— деди бир кун кон бошқармаси бошлиғи Эргаш Юсупов.

Рост, ташвиши ҳам. Чунки фабрика қурилиши кўпларни, жумладан Юсуповнинг ўзини ҳам кўп эсанкиратди. Аввало опайдин бўлиб турган ҳақиқатни, яъни юқори ҳароратли Шаргун кўмири жуда рўзгорбону, лекин увоқ бўлганидан ёқнига нуқулай, шунинг учун уни брикет (тувала) қилиш зарурлигини узоқ вақт, сабот билан исбот қилиш зарур бўлди. Фабрика ҳозир яхши ишлаяпти, хўжалигимиз учун, биринчи галда рўзгоримиз учун аиниқса зарур ҳамда рентабел бир корхона сифатида яшайпти. Номасўул хатти-ҳаракат ва лоқайд фикр-мулоҳазаси билан унинг туғилмасдан оқ барҳам топишига зомин бўлаётганлардан киши бир ранжиб қўяди, холос.

Шаргун аҳли ҳозир ўн мингга яқинлаб борапти. Кончилар, машинистлар, қурувчилар, уларнинг оила, бола-чақалари бутун бир шаҳар бўлиб яшайпти. Муҳташам шаҳар клуби ва кутубхонаси тунда электр нуридан доим чароғон. Кончиларнинг «Огонёк» деган ресторани ҳам бор. Шаргунликлар қарийб ҳамма бўш дамларини ўз посёлкаларида ўтказадилар. Бу жойлар ёз пайтида аиниқса сўлим бўлади. Ешлар ишдан бўш вақтларида шинамгина комсомол кўли, истироҳат боғи яратишди. Умуман шаргунликларнинг ғайрат ва ҳиммати билан бу ерда кўп ишлар бияпти. Кончилар ўтган йили ёзда 600 томошанига мўлжалланган кенг экранли кинотеатр қуриб беришди. Спорт ҳаваскорларининг ўз стадиони бор. Ша-




Осма йўл манзараси ва портлатувчи мастер, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутаты Ҳайдар Турсунов.

Электровоз машинисти Петр Полянов.

Брикет фабрикаси.

Г. Графинн ва В. Лейзерович фотолари.



ҳарча касалхонасининг ходимлари беморларни турли минерал сувлар билан даволаш учун ўзлари профилакторий қуриб олишди. Шафобахш лой билан сув қўшни Тожикистондан келтирилади, зарур бўлганда илитиб ишлатилади.

Кончилар ўтган йил ёзидан планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлашяпти. Хўжалик юртининг янги принципларини ҳар бир кончи ва бутун коллектив батафсил билиб олмоғи учун партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари кўп иш қилди. Бу иш тез орада дуруст самара берди. Виргина мисол келтирмаман. Маълумки, ўтган йил баҳори пахтакор учунгина эмас, кончи учун ҳам ниҳоятда оғир келди. Ушанда ҳаддан зиёд ёгингарчилик конни сув бостириб юборган, икки ҳафта мобайнида ўн икки минг тонна ўрнига бир килограмм ҳам кўмир қазилмаган эди. Лекин шунга қарамай, йил жуда қувончли яқунланди. Кончилар план топшириқларини ошириб бажариб, кўп фойда кўрдилар, давлат дотациясидан воз кечдилар. Бу янги ишлаш шарофати эди.

Янги ишлаш кончиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг аввалги форма ва усулларини ўзгартиришни талаб қилди. Энди бу ерда Шахтёрлар кўни муносабати билан эълон қилинадиган ташаккурни ҳам қуруқ рўйхат-бўйруқ билан эълон қилиш одати барҳам топди. Байрам бўйруғига фақат энг муносиб номларгина тушадиган бўлди. Шаргунда кончи кадрларни муқим тутиш масаласи оқилона ҳал этиладиган бўлиб қолди. Уй-жой биринчи галда астойдил меҳнат қилиб, жамоат ҳаётида қайнаган кончиларга берилади. Кези келганда ўзим шохид бўлган бир воқеани айтиб берай. Жонини кўп ҳам койтмайдиган бир кончи (номини айтмай қўяюлай) ўғли учун пўтёвка устида кон комитетининг раиси Владимир Пухаевский билан айтишиб қолди:

— Хўш, ёмон ишлаётган мен эканман, бунга ўғлимнинг нима даҳли бор, ахир?

— Нима даҳли борлигини унга ўзинг тушунтириб қўясан,— дер эди Пухаевский,— лекин ўз фарзандинга ишқмаслигини айтишга тилинг борармикан...

Игитча пўтёвкасиз қолмади, албатта, лекин боғи аччиқ дуқма ота учун бир сабоқ бўлган эди. Уша кончининг номи энди илгор кишилар рўйхатидан сира тушмаётган экан.

Шаргун кўмири ортилган темир йўл вагонлари Ашхабод ва Нукусга, Қарши ва Душанбага, областимиз ва республикамизнинг ҳамма томонларига ҳар кун жўнатилиб турибди. Брикетнинг ўзидан йилга юз минглаб тонна жўнатиляпти. Ёишт хумдонларию коммунал хўжаликларнинг дошқозонлари учун табиий ҳолида юборилаётган «қора олтин» оқими бу ҳисобда йўқ.

Серқуёш Ўзбекистонимизда ҳар бир гўшанинг кишини ўзига ром этадиган, бошқа жойларда бўлганингизда аиниқса сонгитирадиган, қўсатадиган бир жозибаси бор. Бу сув тўфайли эмасмикан, деб ўйлайдилар. Дарвоқе, шу зилол сувдан бир ҳовуч ичган ошнаю-ошиқ бўлади-қўяди шу юртга. Шаргун суви бу қадар ҳосиятли бўлмаса-да, унинг мусалфо ҳавосидан бир бор сиқирган одам бу бўстонни яна қўмасаб келиши турган гап. Ишонмасангиз, буни тоғ инженери Виктор Александрович Михалченковдан сўранг, албатта тасдиқ жавобини оласиз. Шаргунда бир бўлганидан қарийб ўн йил ўтса-да, бари бир яна қайтиб келди. У, қизиқсиниб сўраганларга: — Алоҳида жозибаси бор Шаргуннинг,— деб қўяди.

Балки шундай, алоҳида жозибаси ҳам бордир. Бу жозоба унинг одамлари қалбида бўлса керак. Бу шаҳарчани тепароқдан туриб тунда бир бор томоша қилинг-а. Шода-шода мовий ионлар ва олтин тусли электр чироқлар; ан маржон тақиб олган афсонавий гўзални кўргандек бўласиз.

Озод АВЛИҚУЛОВ.



## 23 февраль— Совет Армияси куни

Сахро! Иўқ, бу — шунчаки қум тўзони ўйнайдиган сахро эмас. Бу ерда ҳарбий тайёргарлик ва маҳорат синалади. Албатта, чўл-биёбонда хизмат ўташ осон эмас. Лекин бўлинманинг оддий солдати Александр Никулин ҳамisha тетик ва мардона. (1-сурат).

Қисм чўлда жанг бошлаш ва нишонга зарба беришга шайланмоқда. Бундай ҳужумкорликни взвод агитатори В. Бутаков хизмат қилаётган қисмда ҳам кўриш мумкин. Уларнинг зарби хато кетмайди. (2-сурат).


Мана, наводкчи Одилбек Исроилов (3-сурат) буйруқни тоқатсизланиб кутмоқда. Ҳадемай команда бўлади. Миномётчилар нишонни белгилайди, сўнгра ўт очилади. Ҳавода портлаш акс садо-си янграйди.

Яна тревога берилди. Жангчилар қиёфаси яна жиддий. Қоронғида ҳеч нима кўзга чалинмайди. Лекин жангчилар танк бўлинмасида. (4-сурат).

...Қор босган дала. Танклар тегишли жойга вақтида етиб боради. Жанг бошланади.

Ҳа, байрам арафаси шундай қизғин ўтади, ракетачилар ҳарбий маҳоратни жанговар машқларда синаб кўрадилар.

А. АСАНОВ фотолари.



# ШЕРОБОДЛИКЛАР



## Одамларга балли

**Ш**ерободга Қудратовни йўқлаб боришимиздан хабардор бўлган ҳамроҳимиз Менгзие янги гап топиб келди: «Шоймардон ўз совхозда эмас экан, уч кун бўлибди — Янгиободда эмиш». Мен билан Тошкентдан борган фотограф безовта бўлиб сурайд:

— Қайси жой у Янгиобод?

— Совхоз. Қудратовга қўшни.

— Йўлдан қолмайлик бўлмаса. Куннинг чарақлаб тургани ганимат-да менга, — дерди фотограф. Кузовга чиқиб ўтирдик, мотори ўт

олиб турган машина шартта қўзғалди. Сал ўтмай Шеробод бошланди. Одамлар оғзига тушиб кетган дашти азми қоқ ажратиб бораверишининг ҳам бир кайфи бўлар экан, ҳаммамиз жиниб қолдик. Шабада дашт яллиғини бетимизга ўқтин-ўқтин келтириб уради. «Куз оёқлаб қолган шу топдаки шундоқ бўлса, ёзининг саратонида ўт кетар эканда бу ёқларга», деб қўяман ўз-ўзимга.

Нўлининг иккала тарафидан бепоеи пахтазорлар бошланиб кетади. Хў ўша сўл ёғимиздаги тизма тоғ этакларида тугамаса бу пахта далалари, ўнг томонимиз ва рўпарамиздан уларнинг кети ҳали-вери кўринадиган эмасди. Шу зайдла анча йўл босдик. Кейин йўл икки чақиримча юқорилаб борди-ю, тегнага кўтарилишимиз билан қаршимизда ажойиб манзара пайдо бўлди. Обод бир посёлка энди бу томонга пастлаб борадиган йўлининг давомини қамраб ётар эди. Яшил тусини қузак нафасига олдириб қўйиб, малла тўнини елкасига ташлаб олган бир тўда мирза терак шаҳарча ўртасидан биз томон боқиб туради.

— Янгиободга келдик, — дейди Менгзие. Машинамиз томларида радио ва телеантенналар фоз қотган аксари бир, гоҳо қўшқаватли гиштин иморатлар ёнидан елиб ўтиб, ўша терактлар остида тўхтади. Тушган еримиз серқатнов, гажик гузар эди. Қаршида шинамгина чойхона. Олди ҳовуз. Ҳамма дала дала бўлганидан чойхўрлар сирак. Витринаси чиройли универмаг, озиқ-овқат магазини, яна аллақандай дўконлар уч-тўртта кекса-ю гўдак харидор ҳисобга олинмаса, хувиллаб ётибди. Еруз деразалари кўчага қараган нариги оқ иморат совхоз касалхонаси экан, унинг ҳам очиқ кўча эшигидан ҳеч ким кириб-чиқайтгани йўқ. Фақат анави янги мактаб ҳовлисида ёш болалар чуғури келиб турибди.

— Далага чиқаман деб, шаҳарга кириб қолганингиздан ажабланаётгандирсиз, — дейди Менгзие жим қолганимни кўриб. Чандан ҳам кўзин унингдан нарсаларни бу ерлар ҳақида эшитган ва ўйлаганларинга сира ўхшатомай гаранг эдим.

Менгзие жуссаси миқтидан келган, юзи офтобда обдон пишган ўрта ёшлардаги дуварак бир одамни бошлаб келади. Бизни қарши олгани чиқиб, чойхонада кутиб ўтирган экан. «Янгиобод» совхозини сакказинчи бўлим бошлиғи Шоим Муродов шу эди. «Шоймардон сизнинг бўлимингиздами?» «Ҳа», «Бошланг бизни ўша ёққа!» «Хўл, кетдик».

Менгзие журналист. Лекин гапирса ёзганидан ўн чандон ўхшатиб гапирар экан. Унинг айтишича, бу ерлар илгари ҳатто номсиз, ёзда тўшини кунга, қишда тафтини елга бериб ётар, қамшизор, ботқоқ бор жойда бору, йўғида у ҳам йўқ экан. Лекин ўрганган кўнгиллари ўртанса қўймайдиган бир хил акалар оҳуни, ўрдакми отгани бу ёқларни тусмоглаб бўлса ҳам топиб келаверган эканлар.

— Овчиларни ёқтирмайсизми дейманов?

— Ҳаммасини эмас. Лекин бир хилларини кўрган кўзим йўқ. — У қуюқ қошларини уйиб, хаёлга толди-да, кейин бир антиқа воқеани айтиб берди.

Ўтган илги қаттиқ қиш бу тарафларни ҳам заптига олган экан. Жамоа қора моли, қўй-эчкиси-ку қиш бўйи қўра, оғил исаб чиқибди. Лекин тоғдан тўрт оёқли маҳдўқлар-чи. Жами иллик,

пана жой қидириб водийга тушибди. Тўқай, қўлларни қирғовул, ўрдак чунонам босибдики, бунақасини кексалар ҳам илгари на кўрган, на эшитган экан. Эрта тушган совуқ, қалин қор иссиқ юртларга учиб кетинга қўймай, қанотини қайирибди-да шўрликларнинг. Қўрадаги чорвасининг озининг базўр элаб турган одамларга тўқайдаги жониворларнинг қисмати эди тамоғи уйқу бермай қўйибди. Хуллас, то қиш оёқлаб, совуқнинг дами кесилгунча уларга ем элтиб туришибди. Қоп-қанор дейсизми, тележка дейсизми, ҳатто тракторлар ҳам ишга солинибди.

— Молга жон қайғуси, қассобга — эт, дегандек, ўша кезлари боғи «бир хил акалар»нинг роса куну тугади. Парранда мой-гўштига нақ кекирдақларига ботадилар.

— Вой, ноинсофлар-э!

— Ноинсофлик ҳам гапми! — дейди Менгзие ҳажжонидан қўзи олаганиб. — Туппа-тузук одам, лекин ўзи овчи бир ошнам билан нега юз кўрмас бўлиб қолганимни айтиб берай, — дея сўзлай кетади:

— Тоғдан ўшанда оҳулар ҳам тушган экан. Ййдоқ далада тўдасидан адашган оҳу боласи тунда аччиқ изғириндан қочиб, бир қўрғонча ёнига келади. Тумшўқ ва туюёчалари билан эшикни очиб, ичкари киради-ю, қаршидаги уйда ёниб турган чироқни кўриб, қотиб қолади. Бўри деб ўйлайди, чамаси. Бу овчининг ҳовлиси эди. Кўча эшиги тиқирлаши биланоқ кийиниб, милтиқни ўқлайверган экан у ҳам. Чиқади-ю эшик остонасида яққол бўлиб турган маҳдўққа тўғрилаб текнини босади. Дахшатли овоздан ҳушга келган оҳу сапчиб далага қочади. Лекин ўттиз-қирқ қадам нари бормаё, иккинчи ўқдан қулайди. Овчи ўлжасини кўтариб, кириб кетади. Эрта билан ишга кетаётиб қараса, эшик ёнидан оҳу қулаган жойгача қорға қон сачраб борганимиш. Биринчи ўқданоқ жароҳатланган экан-да.

Оҳу йиқилган жойга ўша тунда бошқа бир оҳу келган. Унинг хийла йирик туюёқ илзари ўша ерда топтаниб турган-у, кейин яна қайтиб кетган эди.

— Онаси бўлса керак, — дедим.

— Балки, — дейди Менгзие маъюсланиб. Кейин тагин қизшади. — Лекин анави шоввозни айтмайсизми! Қорда қони тирқираб бораётган мурғак жонга наҳотки шафқат қилмаса! Наҳот излаб келса-ю, сен... Эй, номард! Ўша одам билан ҳали-ҳали гап-лашмайман.

У астойдил ачиниб, куйиниб гапирарди. Қалбида тугён урган хислар бизга ҳам асар қилганидан бир муддат сукут ичида бордик. Кейин уни юпатган бўлдим:

— Кўп хафа бўлаверманг. Баъзи «овчи»лар шунанга бўлади.

— Одамларга балки, — дейди чехраси бир оз ёриша тушган Менгзие. — Кейин билсак, ўша қиш тоғдан тушган жониворлар посёлкалардаги кўп хонадонларнинг оромини бузган экан. Лекин наҳот истаб кирган ҳамма жойда шафқат кўрган. Шеробод халқининг феъли шунанга ўзи. Чўл шароити, оғир меҳнати одамларни тагин ҳам иноқ қилиб, меҳрини жўш урдирар экан, сизга айтсам.

Менгзиенинг ҳиқоиси билан бўлиб яна бир талай йўл босиб қўйдик. Мен қайси тарафга бораётганимизни унутиб, мўлжалдан адашган эдим. Йўлда уч-тўрт учраган катта-катта коллектор-зовурлардан тушиб, чиқиб ўтиб келаётганимизни биламан, холос. Шаҳарда стулда ўтиравериб, пайларим анча бўшашиб қолганини шунда сездим.

— Хў анави тепаликдан ўтсак, Қудратов аканинг машинаси кўринади, — деди олдимизда ҳамон издам олдимлаётган Муродов. Тепалик деб у фуққа қўзилиб кетган бошайбат коллектор туپроғини кўрсатар эди. «Бу гал росмана давон ошар эканмиз-да», дейман ичимда.

Коллектордан қазиб олинган туپроқ унинг икки четига осмон баравар уйиб кетаверилган экан, биттасининг устига чиққаннимизда қаршимизда пайдо бўлган иккинчиси нариги тарафни ҳали шундоқ-қина тўсиб ётарди. Нақ дарёдек ваҳожатга тубидан атиги бир тутам жилга эринибгина оқаётганини кўриб:

— Бу қанақаси, Шоим ака, сувзиб ўтар эканмиз-да, деб турсак бор-йўқ суви шуми? — дейман.

— Сув эмас, еримизнинг шўри бу. Оз-оздан бўлса ҳам ариб тургани яхши.

Яна болги оёқ мапқиға киришамиз. Тез чоқиллаб тушиб, сенки эмаллаб чиқиб. Не ҳасратда тегнага чиқиб қарасам, фотографимиз белини уқалаб турибди. Унинг зил-замбил сураткашлик ашқол-дашқолини ҳайтовур бу сафарги «машқ» олдидан Менгзие кўтариб олган экан.

Шоим ака тушмагур «ҳаммасидан ҳам шу сураткашлигини иши кечикмасин», дебди-ю одам юрса бўладиган бошқа айланма йўллар

қолиб, бизни шундоқ тикка бошлаб келаверибди-да. Бунн кейин билмаиз-у.

Ниҳоят кўзлаган манзилимизга етган эдик. Эллик-олтмиш гектар чоғлик пахтазорни агрофандан қад кўтарган халигидақа тупроқ тоғларни ҳовучлаб ётарди.

— Тупроқ ерга ётқизиб юборилса бўлмайди, далаининг ҳам хусни очилармиди? — сўрайман Шоим акадан.

— Унда ердан ажраб қоламиз-ку, ака. Сиз тупроқ деганининг нақ шўрининг ўзи-я!

— Бўлмаса шунча тупроқ уйлиб ётаверадими?

— Йўқ, — дейди Шоим ака, — мутахассислар бунинг ҳам чорасини ўйлаб юришибди. Жўйинга қараб, ёппқ дренажларга ўтаверилар эмиш.

## Фидокорлик

Шоймардон Қудратов ҳайдаётган «Ўзбекистон» терим машинаси бир чакиримча нарида далаининг у бошини қўзлаганича варилаб борарди. Эгат тугагач тўхтади, шовқини босилиб, тепасига қадалган қизил байроқчаси ҳам ҳилпирашдан тинди. У руддан тунди. Ўша ерда далага қўндалган бўлиб турган оқ «Волга»нинг юқонидан тезда бир нарсани олиб, терим машинасининг аллақасерига уинаб кетди.

— Ҳорманг, Шоймардон! — у овоз келган томонга қараб, ишдан бошини кўтарди-да:

— Ҳорганимиз йўқ ҳали, — деганича келиб кўришди. Қўлим унинг кенг, берч панжасида йўқ бўлиб кетганидан, «қўл кўрчи капалак тутганчалик ҳам қонмадиё», деб қўйди ичимда. Илгари кўрганимдан ўзини анча олдирибди, қорайибди. Айниқса бетининг ёноқ сукалари бўртиб қолди.

— Этингизни олдириб қўйибсиз-ку, — дейман.

— Рудда семирпб бўлармиди. Ундан тушмаганимга ҳам ой бўлаёзибди, — дея сал қиснроқ қўзлари билан ёқими жилмаяди. Бунн кўрган суратқашимиз чехрасидан нақ офтоб чиқиб кетади. Кейин билсам, у Шоймардонни кўриши билан, «юзи сураттоб эмас-ку, энди нима қиламан», деб турган экан. Жилмайишини кўриб, тоза севинибди. Ўзи ҳам Шоймардоннинг қўлига бир пилёла кўк чой тутқазиб қўйиб, айни ўша жилмайишини суратга олди-да, азамат. Анча бўйдор, қотма бўлса-да, турган-битгани пай бу одамдан очиқ самимият ёғилиб турардики, бундан мен ҳам бенабис қолмаганим. Очгини айтсам, у билан танишшини ният қилганимдан бери «феълн қанақайкин, қахрамонлик шухрати айнитиб қўй-мадимкин, шундоқ бўлса, ўзим жиззак одамман, суҳбатимиз қандай бўларкин? Ўзим ҳам сиқилиб, уни ҳам қийнаб қўядиган шн бўлмаса қосқийди...» каби ўйлар қўнғилининг бир четини хира қилиб келарди. Халғин жилмайиш, яна икки-уч илпқ-иссиқ лўдиза бўлдию, шу чўчмак андиша кўтарилди кетди. Яқинда республика мабутоб саҳифасидан туриб «Пахтакор, жасорат кўрсати!» дея барча қалбларга ўт ёққан, иши ҳаммининг ёдидаю, номи доим тилида бўлиб қолган номдор қахрамонни, камусўқум, хушфёъл, ҳазиллаш бир тенгдошимни кўриб турар эдим.

— Бола-чақани ҳам роса соғинадирсиз, ёки келин келиб тубридиларми? — ҳазиллашман мен.

— Э, йўл бўлсин. «Советобод»да эканимизда ҳам болалар билан дала бошида қана тикиб ётар эдик. Ўн тўртинчи октябрдаги шамол шуни ҳам кўп кўриб, уларни уйга киритиб қўйганимча бу ёққа келаверганман. Бункердан сира пахта агарди бўлмади-да шамолнинг зўридан.

Шу орада мўйловдор, ёқимтойғина бир одам «йўлдан чўллаб келгандирсизлар», деб тарвузга таклиф қилди. Бу киши бўлиб бошгани Муродовнинг акаси, Шоймардон пахта тараётган шу бригадининг бригадир Сулаймон ака экан. Унинг кароматига тасаню айтиб, ўқ ариқ пуштаганга паллалаб қўйилган тарвузларга ёпишдик. Бу тарвузмасан тарвузлардан яна аллақанчаси ариқ ичида дурқун қўзлардек дўмболоқ ошиб ётарди.

Тарвуздан сўнг шерикларимни Бойсун сафарига кузатиб қўйдиму, Шоймардон зангори машинасини миниб, пахтазор оралаб кетгач, дала бошида ўша Сулаймон ака билан қолдим. Унинг бригадаси нуқул ипақ пахта экар экан. Ўтган йили плаганди Ингирма икки центнер ўрнига гектаридан ўттиз-икки центнердан берибди. Бу йил ҳам мўлжаллари шундан кам эмасмиш. Шоймардоннинг кўмагиндан у аиниқса миннатдор эди. Ўтган йили ҳам шу пайтда Сулаймон ака бригадасида бир ҳафтада юз етмиш тонна пахта териб берган экан. Ундан ҳам кўп териб берар экану, Шўрчидаги қишлоғига қунора, ҳатто қунда қатнаб турибди-да. Онаси оғир ётган экан.

— Кейин бир иш билан Топкентга бориб келдию, шу-шу келмай кетган эди, — деди Сулаймон ака.

— Сабаби?

— Онаси узилган экан. Шўрчига бир талай бўлиб бордик. Дафинга тумонат одам йнгилди. Нақ «Волга» машинасининг ўзидан юзтача.

Сулаймон аканинг бир иш билан «Топкентга бориб келдию», дейиши билан ўтган йили шу маҳалда Шўрчида район партия комитетининг биринчи секретари Эшнйёз Рустамов ҳузурнда бўлганим ёдимга тушди. Секретарь ўшанда Шоймардон шўрчиликларнинг ҳам фахри эканлигидан гапириб, сўз орасида у билан бирга Марказком пленумига жўнаётганини қўшиб қўйган эди. Демак, ўша «бир иш» пленум бўлган.

Шоймардонни галати бир воқеа муносабати билан тағин тилга олган эдик. Ўша кезлари Эшнйёз ака райкомга тушган бир ариза устид сўзлаб берганди. У бир ёшгина жувондан экан. Вошида бийондек эри, уч боласи бағрида, уй ичи билан тинган бир хотин. Нимадан шикоят қилиб, нимани сўраб эмиш денг-а? Қизлик вақти-

да хуштор бўлиб юрган, кейин бошқага уйланиб, бирталай болачақа орттирган бир киши аллақасердан унинг суратини топиб, аллақидан катталатиб олибдию, унингни тўрига илпб қўйибди. Қиладиган бошқа зарур ишн йўқ экан шекилли, нуқул ўша суратга тикилармиш. Бора-бора эл озгига тушадиган бўлибди бу гап. «Шу миш-миш эримнинг қўлоғига етмасдан чорасини кўрсангиз», дермиш халғин жувон аризасида. Чорасига секретарининг боши қотиб турган экан.

— Шоймардоннинг бригадасига қўшиб бериш ўша йигитни, тарбия топиб, ҳовури ҳам босилиб қолади, — деганим эсимда. Шунда Эшнйёз ака аввал бир оз ўйлаиб, кейин ҳазилимдан ўзича чин маъно чиқарганди чоғи:

— Шоймардоннинг эмас, Жаҳонгирнинг бригадасига қўшиб берамиз, — деган эди. — Шоймардон энди Шерободда. Жаҳонгир Гафоров унинг энг яхши шогирди. Районимиз қўригидан эллик гектар ер очиб, ўттиз беш центнердан ҳосил олди...

Бўлган гап шу эди. Ошиқ йигитнинг иши кейин нима бўлганидан хабарим йўқ.

Гап билан бўлиб вақт пешин бўлганини сезмабмиз, Сулаймон аканиқидан тушликка қовурма шўрпа келганда билдик бунн. Бригадир ариқнинг баландроқ пуштасига чиқди-да, далаининг у бошида энди биз томонга бурилайётган терим машинасига қараб қўзлари билан «овқатга!» ишорасини берди. Руддаги Шоймардондан «ҳозир» ишорасини олгач, дастурхон ёзар экан:

— Буғунгиси билан тўрт юз тоннага етиб қолади Қудратов аканинг пахтаси, — деб қўйди.

— Ўз совхозидан қанча териб келган экан?

— Уч юз қирқ. Бригадаси планини сентябрдаёқ икки ҳисса қилиб тўлдирган. Айтган беш юз эллигига энди шу ерда етмоқчи.

— Бир қунда энг қўли қанча таради?

— Бир қун эмас, бир туну-қунда Ингирма бешдан оширади.

— Йўқ-чи, дам олиш...

— Икки соат.

— Йўқ ҳисоб денг?

— Ўша Ингирма бешнинг ўн беши айни тунда терилади-да, — дейди мени тамом ҳайратда қўйиб Сулаймон ака ва қулади. Шоймардон тўлган бункерни яқинимиздаги сайхонликка бўшатди. Фли маҳмуддек бу машина бункери кўтарилганда икки қават иморатдан ҳам баланд бўлиб кетар экан. Ичидан дувенинг пахтаси тушди.

Шоймардон ювниб келиб, дастурхонга ўтирганида радиода пахта сводкаси берилётган эди. У ён дафтаришни чиқариб, янги рақамлари эскилари ённга тиркайверди. Самарқанд области нечунди айтилмай ўтган эди, дарров лўқма ташлади:

— Қироат билан ўқийман деб, гоҳо адашиб ҳам қўйди бу Жобиров. Сирдарё билан Самарқанд сводкада ҳозир ёнма-ён-да, қўзи қамашиб кетди.

— Сизники қамашмасиди, уйқуни роса уриб юрганмишсиз-ку? — дейман. Бундан Сулаймон ака қотиб-қотиб қулади.


— Уйқудан гапирмайсиз, — дейди жилмайиб Шоймардон нои ушатар экан. Уйқу устидаги гап бўлиб у Қримда бўлганини сўзлаб беради. Ўз шогирди, ҳозир «Комсомолобод» совхозининг комплекс механизацияланган бригадаси бошлиғи Социалистик Меҳнат Қахрамони Отамурад Худойназаров билан Ливадияда шу қиш дам олишган экан.

Шоймардон санаторийга борибди-ю, уйқудан бошқасини билмабди, хоҳламабди. Эрталабки чойдан кейин ҳам ухлармиш, тушликдан сўнг ҳам ухлармиш, кечаси-ку мурдадек қотармиш. Докторлар уни ақалли шифо ванна олиб турниша базўр қўндиришибди.

— Ваннанинг суви сув эмас, бир олов экан-да, — дейди Шоймардон. — Ичига киритиш билан жаз етиб баданимга тармашади. Белимдаги бод анча ёзилгандай бўлди ўшанда. Ҳаммасидан ҳам уйқунн қочгарганини айтмайсизми. Отамурад ёлғиз зерикаёзган экан, сўнгги икки ҳафтани ҳайтовур одамларга ўхшаб ўтказдик.

Суҳбатимиз яна шу куннинг мавзуга қайтади. — Нега ҳозир ухламаясиз, яна бирор санаторийга йиғиб қўйялсизми?

(Давоми 25-бетда)



Шеробод чўлини ўлаштириш харитаси.

# Сурхон куйлари



Низомжон ПАРДА



Теша САЙДАЛИЕВ



Хуррам МАҚСАДҚУЛОВ

## Йўллarda

Тирикликни бердинг, табнат,  
Муъжизангга минг қатла шукур.  
Кўзларимни элтар беҳад  
Кенглик, уфқ, ранглар тушмагур.  
Муъжизангга минг қатла шукур.

Қирлар зумрад, қирлар бепоён,  
Гуллар тўлғонади атласдай.  
Ўлжасини қувиб беомон,  
Човут солар чағалай пастда.  
Гуллар тўлғанади атласдай.

Кунлар қуёш бўлди ҳамроҳим,  
Шаббодалар мен билан юрди.  
Димоғимга пушти паноҳим —  
Ернинг хушбўй исин уфурди.  
Шаббодалар мен билан юрди.

Тунлар кўкда ёнса юлдузлар,  
Юлдузини нақш этдинг кўзимга.  
Тиллоланиб ой кўринса гар,  
Ой шуъласини сепдинг юзимга,  
Юлдузини нақш этдинг кўзимга.

\* \* \*

Ажаб жилвалари бор табнатнинг.  
Ёмғир. Ёмғирдан сўнг оқшом салқини.

Денгиз ёқасидан келмайди кетгинг,  
Денгизда шафақнинг қирмиз ёлқини.

Денгиз чайқалади, денгиз хайқиради,  
Бархандай-бархандай тўлқинлар тўлқинлар

Тўлқин чарх уради, тўлқин барқ уради,  
Гоҳ ложувард тусда, гоҳ оқ тусда.

Нақ расмин солишга ундайди гоҳи,  
Марғилон шохисин эслайсан шуида.

Ё денгиздан нусха кўчирган шохи,  
Ё денгиз ундан?..

## Барҳаётлик

Тўполон сой бўйида  
Мангу яшаш кўйида  
Қуёшга қўлни чўзиб  
Ўсиб бир арча.

Бўронлар енголмади,  
Курашдан у толмади.  
Одамлар ном бердилар:  
«Баҳодир арча».

Бир кун тоғ-тоғ кўпириб,  
Қирғоқларни ўпириб,  
Беаёв селлар келди,  
Юз берди кулфат.

Арчани кўрдим шунда,  
Пўртанавор тўлиқинида  
Лапанглаб оқиб кетди  
Қуёшга улфат.

Тўполон сой бўйида  
Мангу яшаш кўйида  
Ўсган эди, кўкрагин  
Қояга тираб.

Йўқ бўлса-да гавдаси,  
Қолдирган бир новдаси  
Қояни ёриб чиқди,  
Яшнаб, гуркираб.

Она ер — дармоним деб,  
Яшамоқ — армоним деб,  
Энг юксак қоя узра  
Ўсар бир арча.

Бўронлар енголмағай,  
Курашдан у толмағай  
Одамлар уни дерлар:  
«Баҳодир арча».



## Дарё

Жисми тупроқ билан бўлиб омухта,  
Хар босган изида яралар бўстон.  
Умри собит экан, армони йўқдай  
Куйлар,  
Куйларида — ер ишқи дoston.  
Оқар,  
Оқар, аммо  
Хар қатра сувин  
Қадри қанчалигин билмайди ўзи  
Инсонга саодат,  
Тупроққа ҳуси  
Бахш этиб шовуллар кеча-кундузи.  
Ажабмас миллион йил оққан бўлса у.  
Аммо ҳамон ёшдир,  
Хамон навқирон.  
Навқирон қалбидан аримас гўлув,  
Куйлар,  
Куйларида — ер ишқи дoston.



Аҳмад ЭРГАШЕВ

## Қатра

Қанча қирғинларга гувоҳ бу тупроқ,  
Қат-қат ажинлари ҳасратдан нишон.  
Дўстим, ёмғирли кун теланга бир боқ,  
Камалак — ботирлар тўккан қутлуг қон.  
Шарқираб оқувчи буюк дарёлар  
Қайғу ва севинчдан тўкилган кўз ёш,  
Чўққилар — жон берган эрларга ҳайкал,  
Шаҳидлар юраги — кўкдаги қуёш...

## Ильич мактублари



Назрулла  
СУФИЕВ

Лениннинг хатларин кўп ўқиганман,  
Бу хатлар қалбимда ёқди зўр машъал.  
Улардан Лениннинг қалбини ўққанман,  
Дано сўзларини ёдлаб ҳар маҳал.  
Табаррук номани ўқийман такрор,  
Меҳру оқибатдан ашарар олам.  
Энг буюк муҳаббат этилар изҳор,  
Энг буюк ҳислардан титрайди қалам.  
О, унинг хатларин!..  
Йўқ, бу хат эмас,  
Яралмиш замоннинг тақдирномаси.  
Келажақ ақлига берилган илк дарс...  
Ҳаммаси,  
Ҳаммаси,  
Ҳаммаси!  
Россия — почтальон,  
Биродарларга —  
Севиқли ўғлининг хатини ташир.  
— Россия, илиниб қолма дорларга,  
Миршаб келаётир, халтангни яшир.

Россия қўлини силтар мардона,  
Қўзида жам айлаб шер журъатини.  
— Улимдан қўрқибди, ҳой, қайси она!  
Тезроқ бер боламнинг соғинч хатини.  
Россия — почтальон,  
Россия — чопар,  
Россия — ҳижронда,  
Она ўксиган.  
Россия тўймайди!..  
У хатни ўвар,  
Эъозлаб минг босар уни кўксига.  
Бу Ленин мактуби. Зулматлар аро —  
Қўтб юлдузидай таратар анё,  
Кўксин талқон булут кўп мотамсаро.  
Ильич қўшидан кўк меҳрингё,  
Таратар гулларнинг муаттар бўйин,  
Ҳаётбахш илҳомга бериб руҳ, сайқал.  
Ильич номаларин ўқиган қўйи  
Бахтимдан устозга яралар ҳайқал.  
Қоғозлар қораяр, тонг юзи оппоқ,  
Қўшнинг қалбиди илк муҳабвати,  
Хонамга нур кирди.  
Нур ила шу чоқ —  
Кўзимга суртилди Ильичнинг хати!

## Нақ ҳаётга очик деразам



Янгибой  
ШОЙМАРДОНОВ

Очик деразадан очик қалб билан  
Серқатнов кўчага тикиламан жим.  
Тириклик, мавжудот — ҳаёт жилосин  
Ютоқиб сипқарар ўтли нигоҳим.  
Шошилич қадамлар, вазмин одимлар,  
Меҳнат қучоғига оқин одамлар.  
Дарёдай тўлқинли, тоғдай бардошли,  
Менинг юрагимга яқин одамлар.  
Хув, ишчи эғнида қора коржома,  
Биламан заводга,  
Юриши чақдон.  
Хиёбонда чолни ҳаёлчан кўрдим,  
Балки ёшлигини сўроқлаб чиққан.  
Қувноқ қизалоққа келди ҳанасим,  
Қўлидаги шарни тинмайди сира.  
Жудаям ўжарин?  
Қийнар бувисини.  
Лекин гоят гўзал бундай манзара.  
О, очик деразам...  
Орзумдай ёруғ —  
Ҳаёт қучоғига чорлайди: «ҳей, чиқ!»  
Фолбиндан фарқи йўқ баъзи одамнинг  
Фақат деразадан кўрса оламин.



Мамад  
РАҲМОНОВ

Яна қуёш кетар уфқда сузиб,  
Нурдан уфқнинг этаги қирмиз,  
Беором қупдузини узатиб қўйиб,  
Бедор кечасини қаршилар Термиз.  
Вокзал эшигиди шамдайин қотиб,  
Хужжат текширади мундирлик солдат.  
Юртдош, бу — қўнглинга кетмасин ботиб,  
Сен унинг бурчини туншунги фақат.  
Вақт оғиб боради... пиякка қочиб,  
Юлдуз қўзларини ишқалар осмон.  
«Афрон шамоли»дан зўрга қўз очиб,  
Бу маҳал сарҳадда туради посбон.  
Қамшизор шовуллар тунда шўху шан,  
Туннинг эртақлари узун, кўп узун...  
Проектор аса нури қўл билан  
Пайпаслаб туради осмоннинг юзин.

## Термиз

Ҳайитбой  
АЗИМОВ

## «Баҳор» ансамблига

Ўзбек элини ифтихори, шони, эй «Баҳор»,  
Латофатли, назокатли, эй кўзи хумор.  
Олқишлайди совет халқи, ҳатто ҳинд,  
Париж, Лондон... шайдо бўлган минг араб,  
Ҳар бирингиз юлдуз десади, ойдир минг нозик таъб.  
Мукаррам,  
Рақсингиздан нур эмади яйраб бу олам.  
Сафингизда жавлон урар Тамара, Раъно,  
Дилорому Санам, Ойдин — қанчалар барпо,  
Бахтиёрнинг шўх созиға сеҳр берган — сиз,  
Қаҳрамоннинг қуй, сасига меҳр берган — сиз,  
Ошиқ аҳли кўрар сизда ёри зебонин,  
Дилбар қизлар ўрганани нозу ҳаёни.  
Рақсингизда маҳбубларининг севги қисмати,  
Лайли, Ширин, Зухроларнинг ажиб ҳислати.  
Дилқушосиз, дилрабосиз, дилдор,  
Малоҳатда борми сиздек гўзал, сарвиноз?  
Ўзбек элини ифтихори, шони, эй «Баҳор»,  
Латофатли, назокатли, эй кўзи хумор!



Шафоат  
РАҲМАТУЛЛАЕВ



БИЛАМАН  
Шодон онларимда биламан мудом  
Кимлардир қайларда чекшини ғам.  
Биламан ғам юки қайим эзган дам,  
Шодмондир қайларда қанчалар одам.

## НЕЧУН

Машиналар шошар, одамлар шошар,  
Виллари кетиб ҳа, вақтлари кетиб.  
Йулларда юз берар гоҳ фожиналар,  
Ўтиш онларида йўлларини кесиб.  
Гоҳ хонамида ойна ёнида  
Кетган вақтга унча қуймаймиз нечун?  
Кўчаларини кесиб ўтиш онда  
Минут кўзимизга кўринар бир кун.

## СИЗ КИМУ, МЕН КИМ

Сиртигга қараб сиз чиқарманг ҳукм,  
Вилмасдан дилда ниллар ҳоким;  
Даврада вақт деган бир донинманд бор,  
У ҳали айтади сиз киму, мен ким.

## БОЛА БИЛМАЙДИ

Ғам-андуҳ даштини бола билмайди,  
Эҳтирос шаштини бола билмайди,  
Катталар қўмсайди боладинини,  
Болалик гаштини бола билмайди.

# БОЙСУН ЛАВХАЛАРИ

М. САФАРОВ

## 1. ОБИДАЛАР

**Т**арих музейларимизда бўлган бўлсангиз, улардан аксариятнинг ибтидоий жамоа бўлими залларига қўйилган ўн уч ёшлар чамасидаги бола ҳайкалига қўзингиз тушгандир. Унинг ташқи қиёфаси, айниқса бўртган жағлари ҳозирги болаларникидан анча фарқ қилади. Инсониятнинг гўдаклиги—неандертал одам шу. Агар ҳаёт бўлганда ҳозир қарийб қирқ минг ёшга кирадиган бу инсон аждодининг бойсуни эканини ҳамма билармикан!

Катта йўллардан чеккада, Бойсун тоғлари бағрида Мачай деган бир қишлоқ бор. Синчков олимларимиз шу қишлоқ ёнбошидан жаҳонга «Тешик тош» деб машҳур бўлган бир ёр толган эдилар. У инсоннинг илк манзили бўлиб чиқди. Музейда кўргангиз бола бош сугяи шу ердан кавлаб олинди. Эндиликда бу бойсуник зот замондошлари кўзи билан давримиз кишиларига ҳайратомуз боқиб турибди. Уни кўрганмишда қадим аждодларимиз ҳаётининг оғир манзараси кўз ўнгимиздан бир-бир ўтади.

Катта Ўзбек тракти Сайроб қишлоғини иккига ажратиб ўтган. Бу йўлдан сон-саноксиз машина тинимсиз қатнайди. Қишлоқнинг соя-салқин жойлари ҳамisha гавжум. Ошхона ва чойхоналарда тамадди қилиб олган йўловчи баҳри-дилини очадиган томошагоҳлар ҳам топилади бу ерда.

Таблаб мўъжизаси — Бобочинorni айтмайсизми! Унинг бужур танасига осылган тахтачага дарахт давлат томонидан табиат обидаси сифатида муҳофаза қилиниши ёниб қўйилган. Унинг баҳайбат кавалига одам бўйи келадиган туйнукдан кирилади. Залку деб бўлмас, лекин ичида ростмана бир хонада тургандек ҳис қиласиз ўзингизни. Туйнук чеглари бир текис бурмаланган. Дарахт — саккиз юз ёшда. Революциядан аввал мурувватли бир мулла шу қишлоқли ялангоёқ, усти юпун болаларни тўплаб шу кавакда ўқитган, сабоқ берган. Талабалар қанчалик саводхон бўлиб чиққани номаълум. Лекин шу чинор каваги каби сиқик ҳаёт хотираси улар қалбида бир умр ўтмас из қолдиргани шубҳасиз.

Чинор кейин ҳам одамларга хизмат қилди. Йигирманчи йилда қавак қишлоқ Совети идораси эди, кейин аллақайси ҳарбий қисмининг кутубхонаси, ундан кейин эса, магазин ҳам бўлиб турди.

Янги ҳаёт узил-кесил тантана қилди. Мактаб ҳам, қишлоқ Советининг идораси ҳам, кутубхона ва магазин ҳам кенг, ёруғ биноларга кўчиб ўтди. Лекин одамлар Бобочинorni унутиб қўйганлари йўқ, уни тарихий обида ўрнида ардоқлайдилар. Ҳозир у кексаларга хос салобат, вазминлик билан одамларнинг янги турмушига назар ташлаб туради.

Яна бир оромгоҳ — қоятошлар тагидан сизиб чиққан булоқдир. Унга тангадек ҳам

соя тушмайди. Бу ердан одамлар шарпаси аримайди. Улар зилол сувда яйраган ҳадиҳисобсиз балиқларни ҳузур билан томоша қилишади. Жониворларга нон ушоқлари ва бошқа ризқ улашган бўлишади. Ана ўшанда тиниқ сув бир зум алғов-далғов бўлиб кетади. Балиқлар ўз улушларини талашиб-тортишиб олишгач, яна бамайлихотир сайр қилишади. Улар одамларга ўрганиб қолишган. Беозор ва шўх ҳаракатлари билан одамлар қалбида севинч уйғотадилар.

Бир замонлар содда одамлар бу балиқларни заҳарли деб юришган. Кейин уларни муқаддас деб аташган. Бироқ балиқлар бўлоқдек шаффоф, эркин табиат обидаси бўлиб қолди. Бойсун аҳли ҳар иккала табиат обидасини иссиқ жондек асраб келяпти.

Бойсунда яна бир ёдгорлик бор. У қишлоқнинг шимолий чеккасида қоя устида қад кўтарган ёш йигит ҳайкалидир. Унинг қабри ҳам шу ерда. Ном билан аталган мактаб ўқувчиларининг бахтиёр хандаси унинг кулоғи остида янграгани-янграган. Ҳаёт билан мангу ёнма-ён, елкама-елка яшамоқда у.

Кутлуг айёмларда бу ерга узоқ-яқиндан ёшлар, кексалар тўпланишади. Саодатимиз тонгида курашиб кўрбон бўлганлар хотирасини эслашади. Шу ерда пионерликка, комсомолга қабул маросимлари ўтказилади. Ветеранлар бирма-бир минбарга чиқишади. Ана, бир нуруний кекса сўзлаяпти. У ҳаяжонда. Қўллари титрайди. Бу бежиз эмас. Абдулла Набиев жасадини Бўри тахти дарасидан шу қўллар Бойсунга элтган, навқирон тандаги жўшқин қон ҳароратини сўнги бор шу қўллар ҳис этган эди. Шу қўллар Абдулла ораусини рўёбга чиқариш

учун не-не ишлар қилмади. Кексаларимиз ҳам бир дунё. Улар бизнинг довругимиз, фахримиз. Улар биз учун табаррук ва азиз.

Тарихий обидалар, бегубор ва мангу табиат дурдоналари доим ортиб, бойиб туради. Бу уйғуналиксиз Бойсуннинг бугуни ва келажagini тасаввур этиш қийин.

## 2. РИЗҚ-РЎЗ


Бойсун райони тузилганига қирқ йилдан ошибди. Ўша пайтлардаги юз чоғлиқ қишлоқ энди икки баравар кўпайган. Район аҳолиси қирқ ярим минг. Саккиз минги марказда яшайди. Уч йил аввал қайта ташкил этилиб, областда ягона ихтисослаштирилган чорвадор ва галлакор район бўлиб қолди.

Майдони 710 минг гектар. Шундан икки минг гектари сугорилади. Қолгани яйлов. Бундан ташқари бойсуниклар водийнинг Истара ва Бандихон чўлларидаги саккиз минг гектар ерда деҳқончилик қилишади.

Маҳаллий аҳоли галлачилик, чорвачилик ва боғдорчилик билан азалдан шуғулланиб келади. Унинг тиркичилик манбаи, рязқи-рўзи ҳам шундан. Бу борада ўз анъанаси, таомли, меҳнати билан шухрат қозонган.

Галла хусусида гапиршдан аввал бир аёлнинг хайрли ишга ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Бу воқеага ўттиз йиллардан ошган...

Мачай қишлоғи ерларнда бугдой августга бориб етилади. Куллардан бир кун бугдой ўриб юрган келинчак Муслиманингни урта бўлиқ бошоқли бугдой тупига кўзи тушади. Ҳайдари бугдойга сира ўхшамасди. Дони йирик, оқ. Бошоқлар дугоналар орасида баҳса сабаб бўлди. Муслима бошоқларни



Саккиз юз яшар Бобочинори.

кафтида эзиб, қийиқ учига тугиб қўйди. Куз келгач, томорқанинг бир чеккасига себди. Келгуси йил ёз охирида бугдой пишди. Ҳосилини янчди, шамолда шопирда ва кадига солиб өзини лойлаб қўйди.

Куз келгач, кадидаги бугдойини бир танобдан кўпроқ ерга себди. Ёзда ҳосилини ўриб олди. Уша йили бугдой роса бўлиб берди. Бир қоп бугдойини тегирмонда тортириб келтирди. Муслиманинг ўзи супра ёзиб, тандир қизитиб, бугдой унидан нон ёпти. Нон тотли, мағизли, оппоқ ва тўйимли бўлди. Бу сирли бошоқ доврғи аста ёйила берди. Бугдой билан ҳукумат қизик-қиб қолди. Уни турли шаҳарларда синчиқлаб текширишди. Мутахассислар ноёб нав эканлигини эътироф этти. Бугдойни кўпайтириш чоралари белгиланди. Муслима билан ҳамкорликда ишлаш учун махсус агроном биркитилди.

Республика ҳукуматининг қарори билан 1937 йили янги нав бугдойга «Муслимка» номи берилди. Муслима Бегимованинг сердиқат, кўп йиллик хизматлари муносиб тақдирланди. Дон устаси деган шарафлиқ унвон орттирди. Кейин «Хурмат белгиси» ва «Меҳнат Қизил Байроқ» орденлари, кўлаб нодир буюмлар билан мукофотланди.


«Муслимка» йиллар синовида ўтди. Илгари у республикаимиз районларида экилар эди. Ҳозир Тожикистон ва Қозғоғистоннинг қатор районларида ҳам муваффақият билан етиштирилмоқда.

### 3. КОМБАЙНЛАР ҚАРВОНИ

Шу йил майда хизмат вақидан яна Бойсунда бўлдим. Ушанда меҳмонхона ортдаги боғдан ва йироқ сойдан туни билан булбул сайроғи келиб турди. Воҳа аҳли булбул ноласини тинглашга ҳамниша ҳам муяссар бўлавермайди. Уша туни бедор ўтказдим. Деразамининг очиқ дарчасидан тоғ шабадаси кириб турарди. Кундузги хотиралар ва тунги туйғулардан бахтиёр, тетик эдим. Кейин бирдан қишлоқ кўчаларини мотор овози босиб кетди. Ташқарига чиқдим. Кўчадан тун кўксига чироқларини найзадек қадаб комбайнлар қарвони ўтиб борарди. Моторлар сурони орасидан кишиларнинг бақириб-чақиргани, қаҳ-қаҳлаб кулагани зўра эшитиларди. Сурон тонгача чўзилди. Баҳайбат машиналар энди одамлар ғимирлаб қолган тонгги кўчаларда яна ҳам салобатли кўринарди. Нонвойхона рўпарасига келиб тўхтаган комбайндан аллақим ўзини таппа ташлайди. Зум ўтмай бир белбоғ иссиқ нонни ҳамроҳига узатади. Комбайн вағиллаб қўзғалади.

Бу тиним билмас одамлар ташвишини райкомда эшитдим. Бандихон ва Истара ғаллазорларида ўримга зўр тайёргарлик борарди. Бутун актив, ҳамма мутахассислар, совхоз ишчилари чўлда. Худди ўша ерда улкан ва ҳал қилувчи жангга ҳозирлик бораётгандек эди.

Комбайнлар қарвонининг саси ўша кунин, эртаси ҳам тинмади. Улар юз олтминч қақиримли энг оғир тоғ йўлларини босиб ўтиб чўлга яқинлаб борарди. Бутун район аҳли ўрмини тез ва соз ўтказиш ўйи билан



Бойсун тоғлари.

Г. Графкин фотолари.

яшаётгани ҳар қадамда сезилиб туради. Орадан кўп ўтмай ўрим илгорларга, шу куннинг қаҳрамонлари номи район бўйлаб таралади.

Йулнинг бошида бугдойга ўроқ тушди. Чўлда юздан ортиқ комбайн кечани кеча, кундузни-кундуз билмай, еру кўни ларзага солиб бир варақайда ишлади. Урим тўрт ҳафтада тутди. Бироқ бу комбайнларнинг ярим юмуши эди, холос.

Бойсунда шундайки, чўлдаги массивларда ўрим тутаб борган сари тоғлик участкалардаги арпа-бугдой пайдар-пай етилиб бораверарди. Энди комбайнлар ўша ёққа, тоғнинг водийга қараган учта дарасидан гарби-шимол томонга ҳужум бошлайдилар. Тоғлардаги бугдойзорларни забт этиш бутун ёз давом этади. Водийнинг сайхонликларида бошланган иш ёз охириларига бориб денгиз сатҳидан қарийб уч минг метр балинд бугдойзорларда ниҳоятга етади.

Бу йил бойсунликларнинг омади келди. Ғалла етиштириш ва давлатга сотиш планини ҳар қачонгидан ҳам ошириб бажардилар.

Бойсун тоғлари районнинг қарийб 157 минг қўй-эчкини, 12,5 минг қорамоли, 20 минг паррандаси, ўн минглаб чўққаси, минглаб туя ва йилқилари учун бебаҳо ўлоқ, баҳаво манзилдир. Бутун воҳа шуҳрати бўлган ҳисори қўйлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Шамаев ва унинг издошлари — юзлаб дондгор чорвадор район доврғига доврғу қўшапти.

### 4. ҚИШЛОҚ КЎРКИ

Бойсун чор-атрофдан тоғлар билан ўралган. Бебош ёғин, асов шамоллардан яширинган қишлоқ ям-яшил либосини кишининг тарқ этмайди. Бойсун кўҳна қишлоқлардан бўлгани учун қадимий анъаналар, удумлاردан ҳам холи эмас. Кўчалари тоғлик жойларга хос тор, эгри-бугри. Баҳор пайтлари сеლობ сувлар дағал тош тўшалган кўчалардан оқиб ўтади. Ҳовлилар бир-бири билан туташиб кетган. Дарахлар девор оша кўчага шох ташлаб ўсган. Деярли ҳар бир ҳовлида ҳовуз бор. Узағирисиз қолган қадимий уйлар, иморатлар, ҳовлиларнинг ўзинга хос жозибаси бор. Шу жиҳати билан ўзига хос, кўзга яқин кўринади Бойсун.

Бойсунликларнинг кўпи ҳунарманд. Марказда маҳаллий саноат комбинати бор. Бу ерда ҳам энг яхши анъаналар давом этаётганига гувоҳ бўласиз. Комбинат цехларида миллий кийим-кечак, сопол идиш-товоқ ва бошқа буюмлар, асбоб-анжомлар тайёрла-

нади. Цехларнинг ўзини бир музей деса бўлади. Қадимги тўқимачилик дастгоҳлари, ип йнгирув чархлари, тўқиш усулларига қараб, кўз олгингиз келмайди.

Қадимий қишлоқ қиёфаси ўзгариб борапти. Шимолда ва марказда кўпқаватли гиштин бинолар қад кўтарлапти. Лекин улар ҳали асим дарахлар орасидан тезда кўзга чалинавермайди. Қишлоқ тўғрисида тасаввур орттирини истаган кини албатта шимолда Чорчинорга боради. Бу ердан бутун Бойсун кафдгагидек намён бўлади. Шовуллаб ётган улкан ўрмонга ўхшаб кетади.

Бойсунга баҳор кеч келади, куз эрта тушади. Ёш-яланг саратонда ҳам равоч сўришади. Ёз кунлари осмон деярли ҳамниша очиқ. Баъзи кунлари оппоқ парқу булултар сузиб юради. Онда-сонда ёмғир шивалаб қўйди. Ушанда қишлоқ табииати тиринлик, равшанлик касб этади. Чор атрофдаги бинафшаранг тоғлар тизмаси булултар орасидан эрқираб кўринади.

Кузда Бойсунда одам сийраклашади. Улар водийдаги районларга пахта терими ҳашарига чиқиб кетишади. Сув сепилган кўчаларни кузги ҳазон гилаларга қоплайди. Тоғлардан салқин шамол эсиб, қовжирган гиёҳ, дарахлар ҳидини келтиради.


### 5. АРМОН

Бойсун тоғлари ёввойи ҳайвонлар, ноёб қўшлар маконидир. Бу тоғли ўлка кишиларни ҳар бир дара, сой, булоқ ҳақида бирон бир ривоят айтиб бераволади. Саҳий табият қўчоғида кюротбоя жойлар кўп.

Тоғ жамоли қайта-қайта қўлга қалам олинига ундайди. Унинг ўхшаши йўқ манзаралари, тўрт фаслда қирқ товланадиган ҳусн-малоҳати айниқса шоиртабиат одамни тинч қўймайди, сирли мисралар оқимини орттираверарди.

Ҳў ҳар гал тоғ билан висол чоғида у бизга гўзал бир ғазал сўзлайди, унинг энг дилбар байтини келгуси висол дамлари учун асраб қолади. Шундан бўлса керакки, у билан суҳбатдан сўнг қалба аллақандай армон қолганини ҳис этамиз. Бунда ҳақиқат бор. Шу туйғу бизни такрор-такрор тоғнинг нотаниш сўқмоқлари сари чорлайди. Уларда ҳали пайқаб улгурмаган, ҳис этаолмаган нафосатни кўришга интиламиз ва ҳар гал бир-бирга ўхшамас буюқлар, жилвалар кашф этамиз. Бир қарра вужудимизга, борлигимизга ҳамроҳ бўлган бахтиёр туйғулардан бошимиз кўнка етгандек бўлади.

Бойсун ва унинг фусункор тоғлари ана шундай туйғулар уйғотади.



Ундагиси — Чорчинор.



# ЖАСУР ЙИГИТ ОРАМИЗДА!



Азиз журналхонлар, едингизда бўлса, ўтган йили «Гулистон»нинг 10-сонида «Кимсан, жасур йигит?» сарлавхали мақола чиқиб унда генерал-майор Собир Раҳимов қўмондонлигидаги дивизия жангчиларидан бири кўрсатган қаҳрамонлик тўғрисида ҳикоя қилган эди. Фотосурат ҳам берилганди.

Мақоланинг яқунловчи қисmini эслайлик: «Сизлар билан баҳам кўрган бу хабарни Собир Раҳимовнинг содиқ қуролдошларидан бўлмиш Асқар Юсуповдан эшитдим. Асқар ана ҳам суратдаги йигитнинг исми, фамилиясини унутган. Балки у ҳаётдир, орамизда юргандир.

Дарҳақиқат, кимсан, жасур йигит?»  
Хабар чиққач хат-хабарлар кела бошлади: «Менинг жигарғўшам бўлади. Бедарак кетган, деб юардик»; «Қирғ бешинчи йилнинг баҳорида ҳалок бўлган ўғлимнинг ўзинаси-я, қора хат ҳам олгандим», деб ёзишарди баъзилар.

Бир кунни олдимга наشريёт ходими Нурхон Рўзимухамедова кириб келди.

— Ўша жангчи менинг амаким бўлади, — деди Нурхон. — Мана, суратлари ҳам икки томчи сувдек ўхшап.

— Исми, фамилияларини биласизми?

— Вой, бўлмасам-чи Аббосхон Бобохонов Финляндия урушида ҳам қатнашган. Мана-ви суратни 1939 йили армиядан юборган экан. Бувимнинг айтишига қараганда, шу киши бўлишлари керак. «Собир Раҳимов ўғлимни Ўзбекистоннинг Москвадаги ваколатхонасида учратиб қолиб, ўзимга ёрдамчи қилиб оламан, деб фронтга олиб кетганлар», деди бувим.

Эҳтимол, биз излаб юрган жасур йигит Аббосхон Бобохонов бўлиб чиқар, деб юрвдик. Кунлардан бир кун тошкентлик бастакор Владимир Деметьев дуч келиб қолди.

— Шошманг, ахир, бу — Хуррам Ашуров-ку! — деб юборди у ҳаяжонда. — Худди ўзинаси!

— Танийсизми уни, Владимир Васильевич?

— Ие, таниганда қандоқ!

Владимир Васильевич журналда босилган мақоланинг мазмунидан беҳабар бўлса-да, Хуррам Ашуровнинг Грауденец шаҳрини ишғол этиш учун олиб борилган шиддатли жангларда кўрсатган мардликни бирма-бир гапирга кетдики, «Раҳмат, раҳмат, худди ўша киши, бу ёни бизга равшан», дейишга тўғри келди.

Энди Хуррам Ашуровнинг ўзидан эшитдик.

— Мен, собиқ гвардиячи старшина, разведкачи Хуррам Ашуров ҳозирги пайтда милиция капитаниман. 1941 йил 24 июнда кўнгилли равишда фронтга кетгандим.

Ўша йил августда Харьков ва Ворошиловград йўналишида жанг қилаётган Собир Раҳимов қўмондонлигидаги 37-танкич-песантлар дивизиясига бориб қўшилдим. Ғалаба кунини ҳам шу дивизияда қарши олганман.

Собир аканинг бевосита ғамхўрлиги, жанглардаги шахсий намунаси туфайли пиши жангчи бўлиб етишдим. Неча бор ўлим билан юзма-юз келиб, олти марта яра-

дор бўлиб, икки марта ўлдига чиқиб ҳам, тирик қолдим.

Минг афсусларки, сеvimли генералимиз Ғалаба кунига атиги бир ярим ой қолганда фоживона ҳалок бўлди. Бу машъум ҳодиса 1945 йил 26 март кунини эрта соат ўнларда рўй берди. Дивизиямиз қонли жанглар билан Болтиқ соҳилига жойлашган Данциг (Гданьск) шаҳрига ҳужум қилган кезлар эди. Шаҳарнинг ғарбдаги қип-қизил ғаштин бинода дивизия командирининг команда пункти жойлашган эди. Генерал Раҳимов сиёсий бўлим бошлиғи полковник А. А. Смирнов билан бирга жанг майдонини кузатар, бўлималарнинг жанговар ҳаракати-га раҳбарлик қиларди. Бир пайт душман снаряди ўша қизил бинога тегиб, томини чўрт учирди юборди. Ўнга яқин қуролдошларимиз, сеvimли командирларимиз ҳалок бўлишди. Снаряд парчаси генерал Раҳимовнинг боши, унг қўли ва кўрагини қаттиқ жароҳатлаган эди. У ўша кунини ҳалок бўлди.

Қардонларимиз учун биз душмандан аёвсиз ўч олдик. Шаҳарни гитлерчи газандалардан озод қилиб, минг-минг фашист каллакеарларни асир олдик, тўртта ҳарбий

кема, юзлаб танк, бронемашиналарни, турли-туман қурол-аслаҳани ўлжа туширдик.

«Кимсан, жасур йигит?» деган мақолага келганимизда, унда ҳикоя қилинган воқеа асосан тўғри. Журналдаги суратдан ўзимни танидим. Учаламизни хаваскор фотограф, гвардиячи старшина Штиренко суратга олганди.

1945 йилнинг 13 феввали бир умр ёдимдан чиқмайди. Мен генерал Собир Раҳимов топшириғи билан разведкага бордим. Грауденец станцияси яқинида унча катта бўлмаган пиво заводи, ундан сал пастроқда бир помешчанинг дангиллама саройи бор экан. Дурбинни кўзга тутдим. Қарасам бир гуруҳ немис ҳалиги бино томон келяпти. Қамир этмай пистирмага ётавердим. Санкизи киши пиво заводига кириб кетди, эмаклаб-писиб яқинроқ бордим. Оралиқ юз метрга қолганда чакалакзорга яшириндим.

Орадан бир ярим соатча ўтди. Бир пайт ичиб олган фашистлар гандираклаб чиқа бошлашди. Яна санадим. Эттисан дарвозадан чиқиб, тиканли симлар билан ўралган чакалакзордан ўтиб кетди. Санкизи чинчиси кўринмайдди! Даст ўримдан турдим-да, автоматини шай тутиб пивохонога кириб бордим. Хонада уч киши бор экан. Семиздан келган «СС» обер-лейтенанти стол ёнида пиво ичиб ўтирибди, ёшгина жувон унинг атрофида парвона. Четроқда кенса поляк турибди.

Хонага кираверишда фашист офицери-нинг деворга суяб қўйилган автоматига кўзим тушган эди, дарҳол уни қўлимга олдим.

— Хенде хох!.. Қўлингни кўтар! — деб буюрдим. Гитлерчи писанд қилмаётгандай бўлди, буйруқни такрорладим.

Маст фашист кутилмаганда рўпарасида пайдо бўлган совет жангчисини кўриб кайфи учаб кетди шекилли, салчиб ўрнидан турдида, автоматини тортиб олиш ниятида қашқирдек менга ташланди. Қўлида ханжар бор экан, пайқамай қолибман, қуролни тортиб ололмади-ю қўлимга ханжар урди. Молдек бўкириб, мени пичоқлаш пайида, ўзи ҳам давандидай экан, зўрга ағдардим. Чол билан жувон қочиб қолишган эди.

Ховлидан чиққач, эмаклашга тўғри келди. Ҳам симни қирқаман, ҳам ўта кайсарлик билан вазимга бўйсунмаётган барзангни судрайман. Шу пайт немислар пайқаб қолишди. Автомату пулемётларини ишга солишди. Тўплардан ўқ узиб, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилишди. Нима қилганимни билмайман. Отиб ташладим асов аблахни. Елкасидан поғони, ёқасидан петлицасини юлиб олдим, ўзимизникилар томон олишқдим.

Поғон билан петлицани генерал-майор Собир Раҳимов билан полковник А. Смирновга топширдим. Андиқланишча, Грауденец шаҳрига гитлерчиларнинг сараланган «СС» армияси ўрнашиб олган экан.

Генерал рапортирнин тинлаган бўлди-да: — Разведкада кўрсатган серфаҳмлигинг учун ташаккур эълон қиламан! — деди.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан! — дедим.



Хуррам АШУРОВ.

Ҳамид ТОҶИБОВЕВ.




## ЎЗБЕКИСТОН СУБТРОПИКЛАРИ

Республикамизда беҳининг 15 хилини, хурмонинг — 30, нокнинг — 31, анжирнинг — 38 турини етиштираётган хўжалик бор, десак ишонаверинг. Еки унинг тоқзорларидан ҳар йили узилиб турган узумнинг ўзидан 51 навини исми-шарифи билан атаб кўринг-чи: Соҳиби, Кишмиш-хушрўй, Дили-рафтор, Нажми, Нямранг, Нор буваки, Оқ халлий, Ризамат, Чарос...


(Давоми 17-бетда).




# ЎЗК Жаёқ



Суратларда:  
Жанубий Сурхон сув омбори.  
Шеробод насос станцияси.  
Жарқўрғон гидроузели.  
(Бу сонда шулар ҳақида лавҳа ўқийсиз).  
Г. Графкин фотоси.





Биринчи асрга оид археологик ёдгорлик намунаси.  
Фабзтепа. (Сурхондарё).

Жарқўрган минораси.



# ЎЗБЕКИСТОН СУБТРОПИКЛАРИ

Дастархони, Дилафрўз, Меҳмони, Бўл омон деганлари талай хил олма навларининг икки жуфтгинасидир, холос.

Сурхондарё областининг Денов шаҳри ёнгинасида яшнаб турган бу хўжалик — Жанубий Ўзбекистон мевачилик-ўзумчилик тажриба станцияси далаларида бўлиб, булардан бошқа яна анордан то бодомгача, шакарқамишдан то лимонгача аллақанча субтропик энин ва ўсимликларини кўриб ҳузур қилдик.

Бу нодир ноз-неъмат, нафис тар мевалар сизни саноқсиз навлари билан ҳайратлантирса, улардан олинадиган ҳосил сават ёки яшиқларгагина эмас, қатор-қатор араваларга, бутун бошли машиналар карвонига юк бўлишини эшитганингизда деҳқонларнинг маҳоратига тағин қойил бўласиз. Боғларнинг ҳар гектаридан 22 тоннагача анор узиб, 42 тоннагача хурмо териб олган вақтлари бўлган бу миришкорларнинг!

Лекин улар станция ходимлари учун эл қатори бир гап экан.

— Масалан, французлар ўз юртидаги хурмозорлардан гектар бошига гоҳо юз тоннагача ҳосил олишармиш,— дейишди улар.— Сурхондарёнинг ер-суви, иқлими эса, уларникидан ўн чандон ортиқ, қулай.

— Бундан чиқди, ҳамма гап меҳнатга, яъни ўзимизга боғлиқ экан-да, деймиз.

— Ҳа, албатта,— дейди станция директори М. Муҳаммаджонов.— Лекин биз бошқа нарсанинг ташвишдамиз. Республикада субтропик ўсимликлар ўстириладиган далалар жуда кам, ҳатто областимизда бундай ўсимликлар ҳамма боғ ва тоқзорларнинг йиғирмадан бир қисминигина ишғол қилади.

Директор станция тажриба далаларида

субтропик ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлари бўйича ўтказилган ишлардан гапириб беради. Анорни олайлик. Унинг районлаштирилган яхши нав кўчати ўтказилгандан кейин учинчи йили ҳосилга киради. Ҳосил йил сайин кўпая бориб, бешинчи йиллик анорзор барпо қилишга сарфланган бутун харажат қопланади.

Хурмозор барпо этишга эса, бундан ҳам камроқ маблағ сарф бўлади. Станцияда бир гектар хурмозор барпо этишга ва дарахтлар парваришига дастлабки йили 274 сўм, иккинчи йили ҳатто 123 сўм сарф бўлган. Тўғри, хурмо ҳосилга кирган учинчи йили ва яна бир йил сарф-харажат бўлиб турди. Лекин шу сўнги икки йил мобайнида ундан 4660 сўмлик маҳсулот олинди. Бундан келган соф фойда 3000 сўмдан ортган эди.

Бу ерларда бодом ва цитрус ўсимликлари ҳам фойда беради. Улар ўтказилгандан кейин учинчи йиллик ҳосилга киради. Масалан, бодомнинг анча кеч гуллайдиган яхши навлари гектарига уч юз тупгача ўтказилганда 1300 килограммгача мағиз беради.

Ҳаммадан ҳам бу ўсимликлар мевасининг тўйимчилигини, тансиқлиги ва парhez-боглигини айтмайсизми! Хурмони олинг. Унинг меваси таркибида қанд (баъзи навларидан йиғирма процентгача ва ундан ортиқ), турли шифобахш витаминлар, нектин ва иод моддалари бор. Анор шарбати қандга, турли витаминларга, қон ишлаб беришга янбий таъсир қиладиган нодир моддаларга боғ.

Станция илмий ходимлари ва ишчилари қимматли тажрибаларни хийла кенг ерлар-

да ўтказмоқдалар. Денов ёнидаги 27 гектарлик боғда, қўшни «Ҳазарбоғ» совхозидан салкам 100 гектарлик далаларда республикамиз субтропик экинларининг ўнлаб ва юзлаб навлари еттиштириляпти. Станция боғ ва далаларида кўккарган ниҳоллардан областнинг «Коммунизм» ва «Октябрь қирқ йиллиги» колхозларида, «Сариосиё» совхозидан ва бошқа хўжаликларидан субтропик боғлар барпо қилинган. Бу хайрли иш ўзининг чинакам кенг кўламини кутмоқда. Анор ва анжирни кўмиш ва очишни механизациялаштириш, унинг мевалари ёрилмайдиган анча серҳосил навларини яратиш, совуққа чидамли виргин хурмоси билан шарқ хурмосини чагиштириш йўлларини топиш, бодомнинг янада кеч гуллайдиган серҳосил навларини яратиш, уларнинг хилларини кўпайтириш, шакарқамишини кўпайтиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, энгил типдаги теллицалар қуриб, ер устида ўстириладиган цитрус ўсимликларини офтоб уришдан сақлашдек зарур ишларга ҳозирда оқ қиришавериш керак.

Ана ўшанда республикамиз деҳқонлари она-Ватанга тансиқ субтропик ноз-неъмат инқорлари бўлиб ҳам донг таратадилар.

Н. ҲАМИД.



Азал-азалдан қатра сувнинг қадрини қилиб келган халқимиз, унинг ўз табири билан айтганда, инқилобдан кейингина сувга сероб бўлди. Сув одамнинг ҳуни бўлган замонлардан сўзласангиз, ёшларимиз худди бир эртак тинглаётгандек, ишониймайди ҳам.

Уша замонда сувга ниҳоятда чанқоқ чўлликлар саратонда янтоқдек қовқираб қурийдиган Шеробод дарёсига бўғов солиб, ўттизгача ариқда сув чиқарган экан. Лекин сув келтирган ҳорвору кўза сувидан — замона аўрларга азиз бўлиб қолаверган. Янафосан халқ сувдан бебаҳра, чанқоқ ўтаверган.

Қатта ер-суви бойларнинг содиқ одамлари қишлоқлардан ўтадиган ариқлар қулоғида туриб олинб, сувни аллақанча ҳақ авазига камбағалларга қаттиқ қўллик билан тақсимлаганлар. Қамчисидан қон томган бу мироблар қулоқ бошларини жуда эҳтиёт сақлаганлар. Мустахкам балавд тўғон устига маҳин тупроқ ётқизиб, унга ўз оёқ пан-

жаларини муҳр босгандек босганлар; агар шу изни одам экан-у, ҳатто бирор бошқа махлуқ босиб ўтганда ҳам шу қулоқдан сув ичадиган бутун-бутун қишлоқлар сувдан ойлаб маҳрум қилинган.

Икки йилдан буён тўла қувват билан ишлаб турган Жанубий Сурхон сув омбори худди шу ерларда бунёд этилди.

Бу сунъий денгиз Сурхондарёдагина эмас, шунаунгдек бутун республикада энг йирик сув иншоотларидан ҳисобланади. Бағрига салкам миллиард кубометр сув сингдира олади ахир. Тағи ва балавдиги ўттиз метрдан келадиган беш ярим қақи-

римлик тик дамбаси бор. Унинг тепасига чиққан одам ўзини ростдан ҳам денгиз устига тушган кенг йўлдан бораётгандек ҳис қилади. Дамба остидан оқилган икки баҳайбат дарвозанинг бирдан секундига 100, иккинчисидан — 40 кубометр сув ҳайқириб ўтиб туради.

Сув омборидан Шеробод магистрал канали бошланади. Канал ёқалаб бораверсангиз, унинг ўн учинчи қақиримида қомати ўн қаватли иморатча келадиган бир иншоот рўпарангидан чиқади. Бу — Шеробод насос станцияси. Ичиди бўйдор одам ҳам бемалол қад ростлаб юрaversа бўладиган унинг ҳар бир қуву-


ри сувни қарийб ўттиз метр тепага кўтариб бера олади. Шундай қувурлардан олтига. Ҳар бири секундига йиғирма кубометр сув ўткази олади.

Шеробод даптининг жанубига қараб Зағг канали тушган. Янги рўзгор совхозлар — «Янгиобод», «Советобод», «Комсомолобод» ни оби ҳаётга қондириб ўтади у. Каналдан секундига саксон олти кубометрлаб оқиб турадиган сув Жарқўрғон гидроузели дамбасига қурилган дарвозадан ўтиб келади.

Г. ГРАФКИН.

## Вот жайл

# ЧЎПОН ТАЁФИ



Рахмон Бобохонов ва унинг отари.

Мен бу йил ҳар юз совлиқдан 185 қўзи олишга сўз бераман...

Эргаш Шамаев сўзини шундай тамомлади. Раислик қилувчи:

— Қани, Эргаш ака билан ким беллашадди. Бўлса чиксин, — деб минбарни кўрсатди. Чўпонлар бир-бирларига қарашар, донгдор чорвадор билан беллашишга ким журъат этаркин, деб ён-атрофга боқишарди. Шу пайт олдинги қаторда ўтирган киши секин ўрнидан турди.

— Сўз «Ўзбекистон» совхозининг бош чўпони Рахмон Бобохоновга!

— Эргаш аканинг ташаббусига мен ҳам қўшиламан. Мен ҳам ҳар юз совлиқдан 185 қўзи оламан.

Эргаш Шамаев ҳам, Рахмон Бобохонов ҳам бош чўпон. Чорвачилик билан суякларни қотган. Бир-бирларини яхши билишадди, эскидан таниш. Яйловлари бир-бирига туташ. Тоққа бирга чиқиб, чўлга бирга энишадди. Ўз тажрибаларини бегараз ўртоқлашадилар. Бировининг ютуғидан иккинчисини қувонади. Иккаласи ҳам Сурхон воҳасида танилган кишилар. Эргаш ака Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, сайроблик чорвадорларнинг отахони. Рахмон Бобохонов эса унинг шогирди. Йигирма беш йилдан буён отар кетида.

Рахмон Мансур Назаровга шогирд тушганда ўн олти ёшда эди. Моҳир чўпон Мансур ака товоидан ўт чақнаган. Меҳнатсевар Рахмонни ўзига чўлиқ қилиб оларкан, қўй «қора туғимдан қаттиқ кишига битаман» дер эмиш. Қорди-қировли кунларнинг, серёгин баҳорнинг ташвишларига бардош берсанг, яхши чўпон бўласан, деб ўтти қилди.

Рахмон иссиқ-совуқни, аччиқ-чучукни кўп кўрган. У асли Нетмон қишлоғидан. Етим ўсди. Меҳнатга меҳр қўйди. Ишчанлиги билан кишиларнинг тилига тушди. Шунинг учун ҳам Мансур акага: «қийинчиликларни энди кўраётганим йўқ, чидайман», деди.

Рахмон кекса чўпоннинг ишончларини оқлади. У чорвачиликнинг кундалик серташвиш юмушларини бирма-бир уддалаб борди. Қишни-қиш, ёзни-ёз демай устозининг айтганини қилди, сўзидан чиқмади. Ўтган кунларини сезмай қолган киши бахтли деганларидай, Рахмон ҳам ўн йиллик чўлиқлик йилларининг қандай ўтиб кетганини билмади. Кунларнинг бирида Мансур ака унга гап солди:

— Рахмон, мен энди кексайиб қолдим. Сурувни ўзинг санаб олсанг.

— Йў-е, Мансур ака. Ҳали бардамсиз, бир йигитнинг куч-қуввати бор сизда.

— Ҳолини билган қаримадди дейдилар. ука. Санаб кўрсам ўтгиз йил қўй боқибман. Энди ярамайман шекилли...

— Отарни эллай олармиканман?..

— Эплайсан. Энди ёш эмассан. Чорвачиликнинг тилига тушуниб қолдинг. Қийналсанг ёрдам бериб турарман...


Хўжалик раҳбарлари ҳам Мансур Назаровнинг таклифига қўшилишди. Отар Рахмон Бобохоновга санаб берилди. Устоз пенсияга чиқди. Шогирд унинг таёғини олди. Энда Рахмон Бобохонов олдий чўлиқ эмас, балки ўзи ётиб, ўзи ўрайдиган бутун бошли сурувнинг бош чўпони. Унинг ташвишлари ҳам шунга яраша. Ҳар бир қўйни кўз қорачиғидай асради. Сувдан қолдирмаслик, совуққа олдирмаслик учун курашди. Чўлиқлари Чўтбой Өшқулов, Бобораҳим Алимардоновлар билан бамаслаҳат иш тутди, илғор зоотехника талабларига амал қилди. Билмаганини Мансур акадан сўраб олди. Совлиқлардан қўзи олши йил сайини кўпайди. 1966 йилда ҳар юз бош совлиқдан 120 дан, 1967 йилда 145 дан, 1968 йилда эса 182 дан соғлом қўзи олди.

— Вунчалик кўп қўзи олаётганимизнинг ҳеч қандай сири йўқ, — дейди Рахмон Бобохонов, — қўй яхши боқилса, семиз ва соғлом бўлса, бас. Биз қўйларни сунъий қочиринишга алоҳида эътибор берамиз, илм-фанга таяниб иш тутамиз. Қўйларни сунъий қочиринишда об-ҳаво билан шароитга эътибор бериш керак. Ҳаво салқин бўлса яна яхши.

Ўтган йилга якун ясалди. Рахмон Бобохонов чорвадорлар қурултойида лафзининг устидан чиқди. У 450 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 185 дан қўзи олди.

Донгдор чўпоннинг меҳнати муносиб тақдирланди. Унинг кўксига «Ҳурмат белгиси» ордени. Республикада хизмат кўрсатган чорвадор Рахмон ака область Советининг депутаты. Ҳа, яқин ўтмишдаги олдий бир ўспирин энди иззатли-обрули.

Абрай ҲАМЗАЕВ.



# Жийда гуллазганга

(Қиссадан парча)

Табий офат деҳқонларга қаттиқ ташвиш келтирди. Жуда кўп майдонлардаги биринчи ишловдан чиқариб қўйилган мурғак гўза ниҳоллари лойқа остида қолиб эзилди, топталди. Айниқса, дўл аралаш ёққан сел катта майдонлардаги ниҳолларни бутунлай йўқ қилиб янчиб ташлаган эди. Ҳа, деҳқоннинг ташвиши кўп. Бугун пахтани дўл урса, эртага касал босади, ҳаво салқин келган кезларда эса, нуғш нури етнмай говлаб кетади. Кўз бўлса пахтакорлар учун яна ҳам кўп қийинчиликлар олиб келади. Кўз баъзан саҳий, қуёшли, баъзан эса совуқ, ёмғир қор билан келади. Шундай серёмғир кезда теримга тушиб бўлмади, машиналар иш бермай қолади. Бундай пайтларда пахтакор деҳқонлар, ҳамма қийинчилик, барча ташвишларга бардош беради. Улкамизнинг қаттиқ иқлими, табиатининг бундай инжиқликлари одамларни жанговар, бардошли қилиб қўйган. Ҳа, пахтакор ҳаммасига чийади, саратон исигида ҳам ер чопиб пахтага ишлов беради, керак бўлса қорда юриб пахта теради. Пахтакорларнинг жасорати ҳам шунда!

Соат тўққизлар чамаси правление аъзолари, партбюро аъзолари, активлар йиғилишган ҳам эдики, Темур ота райком секретари ўртоқ Содиқов келганлигини айтди.

— Қаердалар? — сўради раис.

— Чақиратганлари йўқ, йўл устида туришибди, олдиларида яна бир киши бор, — деди Темур ота.

Ҳаммалари ўша томонга кетишди. Адирлардан тушган тельба сув йўлини икки-уч жойини узиб кетган эди. Шу боисдан ўткннчи машиналар пастилик билан тошлоқ орқали айланб ўтмоқда. Колхоз идорасига борадиган йўл устида район партия комитетининг биринчи секретари Содиқов, иккинчи секретарь Суханов ўртоқлар туришарди.

Раис райком секретарини кўриши билан ҳанг-манг бўлиб қолди. Ахир, бу ўша уйга кириб ош еб кетган шофёр йигит-ку! Райкомимиз секретари шу киши эканми? Содиқов, Содиқов деб мақтаб гапирётган киши шу экан-да! Пленум бўлиб, район партия комитетига янги секретарь сайланганига ўн беш кунча бўлганди. Раис касал бўлиб пленумда қатнаша олмаганди. Маликов пленумдан қайтач, раисга «янги секретаримизнинг фамилияси Содиқов, ақойиб одам, биз фронтда бирга жанг қилганимиз», деганди. Оббо, нега иш қилиб қўйдим. Бу ёғи нега бўлади энди, унинг юзига қандай қарайман. Бир қақиқа ичнда раиснинг хаёлидан қанча-қанча филрлар ўтиб кетди. Энди нима қилиш керак, гапни нимадан бошлай ёки узр сўрайми?.. Раис ўзига-ўзи шу саволларни бериб, секретарининг олдига борди. Хижолат тортиб, уялибгина Содиқов билан кўришди. Содиқов ҳеч нарса бўлмагандек раиснинг қўлини қаттиқ қисиб кўришди. Кейин партком ва бошқа колхоз активлари билан самийи саломлашди. «Ўзимиз идорага бормоқчи эдик, нега келдинглар?», деди.

Суханов раис билан кўриша

туриб, ўзбекчалаб: «Қалай, соғлиқлар яхши бўлиб кетдимми?» деб қўйди. Раис «жуда яхши» деди-ю, ўйланиб қолди. «Балки кесатиб гапираяптими, иккинчи секретарь?».

Содиқовнинг юзида жиддийлик, эл бошига тушган бу ташвишга кўйиниш ҳисси сезилиб туради. Кечаси билан мижжа қоқмаганлиги учун кўзлари қизариб кетганди. Лекин Содиқовнинг юзида — қатъийлик, эсанкирамаслик, партия ходимига хос жанговарлик.

Содиқов раисга мурожаат қилди:

— Ҳамма одамларингиз сиз ҳаёт-саломатми?

— Колхоз бухгалтерининг хотинини сув оқизиб кетиб, ўлибди, уч-тўрт киши оғир шикастланган, уларнинг ҳаммасини касалхонага жойлаштирдик. Содиқов ачиниш билан калласини ликиллатди.

— Ҳаммаси майли-ю, одам йўқотиб жуда оғир...

— Ҳа, бу жуда оғир, — гапга аралашди Суханов. Ана шу оилаларда нима зарур бўлса ҳаммасини қилинглр, ёрдам беринглр.

Гапга Маликов аралашди:

— Булардан ташқари бир қанча хонадонлар шикастланган, уйлари босиб қолган, моллари, уй ҳайвонлари оқиб кетган. Чорвамизга ҳам анча зарар етибди.

— Пахтанинг аҳволи қалай? — сўради Суханов.

— Ҳозирча аннқлаганимиз 300 гектарга яқин, — деди раис.

— Қайси маънода гапираялсиз? — сўради Содиқов.

— 300 гектар ердаги чигитни сел олиб кетибди.

Райком секретари бир оз ўйланиб турди, кейин раис билан парткомга мурожаат қилди:

— Уша 300 гектарнинг баъзи жойлардаги гўзаларни қисман сел олган. Уларни бир амаллаб тиклаш мумкин. Еттинчи бригада гўзасини эса, бутунлай бошқатдан экиш керак, —

деди секретарь жиддийлик билан.

— Кўриб келдингизми? — сўради раис.

Секретарь «ҳа» дегандек калласини қимирлатди, кейин яна давом этди:

— 300 гектар даяспиз, балки кўпроқдир-камроқдир, ҳар ҳолда зарарланган майдонларни яна ҳам яхшилаб амаллаб чиқинглр, сел оқибатларини тугатиш юзасидан нима ишлар қилиш кераклигини ёзиб, кечкузур соат олтига райкомга келасизлар. Ҳаммасини ўша ерда бафуржа гаплайоламан. Ҳаммадан ҳам иродани маҳкам тутинглр, буюшманглр, одамларнинг кўнглини кўтаринглр. Ҳаммасини албатта бартарф қиламиз. Ердам керак бўлса берамиз.

Кейин Содиқов раис ёнига яқинлашди, унинг елкасига қўлини қўйиб самимият билан юпатди:

— Сиз тақрибати, тадбиркор раислардансиз. Менимча, ҳаммаси жойида бўлади.

Секретарь раиснинг қўлини яна ҳам маҳкамроқ қисиб ҳайрлашди, Суханов билан бирга машинага чиқиб, қаққонлик билан ҳайдаб кетди.

Раис секретарининг орқасидан қараганча ҳаёлга чўмди. Улдириди, ундан кўра, сўкса ёки урса маъқул эди. Уша ишлар эсига тушиб ўзини-ўзи яна койиди. Ҳамма гап аниви аҳоқ Юнусжонда. Бўлмаса мана шундай одамни шофёр деб биллиб, кира ҳақи тўлаб меннинг уймага олиб келармиди? Ўйлаб кўрса бўлмасмиди, тагин Мактубага харидор бўлиб юрибди. Ўртасига тушар эмишман. Сен обилсга колхозимдан қиз берсам отимни бошқа қўяман. Лекин бундан бир ойча илгари бўлган ўз уйдаги учрашув ҳақида ҳеч кимга, ҳатто Маликовга ҳам лом-мим демади.

Табий офат олдида ҳеч ким эсанкирамади. Бугун қишлоқ бир жон, бир тан бўлиб юрак

меҳри сингган ниҳолларнинг парваришига қайтадан киришиб кетишди. Тўрт юз гектарга яқин ерга чигит қайта экилди. Қолган майдонлардаги гўзалар — яхши парваришланиб қадди ростланди.

Одамнинг сараси бошга оғир кун тушганда билинади, деганларидек, бу сафар ҳамма, бутун қишлоқ обёҳа турди. Раис ҳам, партком ҳам одамларнинг пилжиги кириб, бирини ана, бирини ука деб, ўзлари ҳам қўлларига кетмон олиб ишга тушишди. «Раис қўлига кетмон олибди», деган гапни эшитган жон борки далага чиқаберди. Мактубанинг қилган иши ҳаммага ўрнак бўлди деса муболага бўлмас. У комсомоллар бригадаси тузиб, ҳар туп гўза учун кураш бошлади. Бунинг маъноси шунки, улар ҳар бир туп гўзани илгари қандай ҳолатда бўлса, шундай аҳволга келтиришга қатъий қарор қилишди. Ҳар туп устида иш олиб боришди. Шундай қилиб, улар кечаси ҳам, кундузи ҳам бирдай ишлашди. Табий офат юз берган кундан бошлаб бир ҳафтагача колхозда бирор киши ҳам ухламади деса бўлади.

Ҳар тугур вильт тушган майдонлардаги гўзалардан битта ҳам қолмабди. Одамлар ҳазил қилишиб «бош агроном ниятига етибди», деб қўйишди. Раис бўлса Анварни учратганда «хуллас вильтнинг ҳам таги-тўти билан йўқотиб юбордик», деб дала шийпонидиға аччиқ-чууч гапларни унутиб юборганлигини билдириб қўйди. Анвар бўлса бўш келмай, «янги йилга албатта янги схема билан эканмиз» деб қўйди.

Сел яна ҳам кўп майдондаги гўзаларни ювиб кетиши мумкин эди. Лекин колхоз коммунистларининг кўрсаган матонати кейин маълум бўлиб қолди. Афтидан тошқин юз берган ўша тонда Маликов одамларни ўзи хабарлабди. Темур отанинг кўёви Одил, механикаторлардан Афанасий, Ким, Содиқ, Алиқулларнинг уйига бориб, уларни далага олиб чиқиб кетибди. Ўша селда далада тонг оттиришган эмиш. Шох-шабба, тош, хашақлар ташиб ариқ-зоғворларнинг қирроқларини баландроқ кўтариб, дайди сувнинг йўлини ўзгартириб туришибди. Бу азаматларнинг жонбозлиги туфайли жуда кўп хонадонлар, юзлаб гектар экин майдонлари селдан сақлаб қолинган. Анвар дала шийпонига борганида Темур ота сел келган кечаси сув оқими шудгорнинг ўртасига олиб бориб ташлаган қатта самоварни олиб келиб сирка билан оқартириб тозаламоқда эди.

— Ешмн етмишга бориб қолди, — деди Темур ота. — эсимни танганимдан бери бунчалик катта сел бўлганини билмайман. Менга қара, Маликов... ақойиб, мард йигит экан. Биласанми, шундай қаттиқ сел вақтида сув билан тик олишди азамат. Ўзи ҳам жуда бақувват йигит экан. Атрофига ҳам роса шай йигитларни тўплаган экан-да! Сенга ҳам балли, ҳаммасини эшитдим.

Ота шундай деди-ю, кўзига ёш олдди, келиб Анварнинг лешонасидан ўтди.

— Қўйинг ота, ҳаммаси ўтиб кетди, энди нега кўз ёпи.

— Бу селчинимдан, ҳаммамиз омон қолганимиз учун...

# ПАТТАКЕСАР

Амударё — олис ўтмишда ҳам Шарқнинг энг қадимги сув йўлидан бири, «Ипак йўл» деб жаҳонга машҳур бўлган буюк савдо йўлининг энг гажум ҳалқаси бўлган. Тарих унинг ясси соҳиллари ваҳший табиат кучлари билан олишиб, сувдан ризқ-рўзини топиб яшаган балиқчиларнинг, юкли савдо кемаларини судраш билан кун кечирган қайиқчиларнинг бутун-бутун авлодлари учун макон бўлганидан дарак беради. Машаққатли меҳнатда ҳориган қайиқчилар обод Термизда албатта бир кўнуб, уни тобора қилиб ўтар, инсон боласининг ҳоловатли ўтроқ турмушга кўндан ҳавас қилардилар.

Ақсарий кема карвонлари кўпинча Айртош қириндаги (ҳозирги Термиз портидан ўн чақиримча нари) қадимги кечувда тўхтаб ўтарди. Ушанда кемалардан юк туширилиб бўлгунча қайиқчилар дарёнинг Сурхон ирмоғи қуйиладиган жойида ва ундан саккиз чақиримча қуйроқда ўсган ўрмонлардан патта дарахти кесиб, юкдан бўшаган қайиқларга ортанлар, кейин сув оқими билан орқаларига қайтач, уни пуллаганлар, бир кунларига яратганлар.

Қамишзор ботқоқлик ва паттазор ўрмонлар билан қопланган бу кимсасиз жойларга тахминан уч юз йилча муқаддам бир неча ўзбек ва туркман хонадони келиб қўнади. Улар қамиш ўриб, патта кесиб ер очишади, маккажўхори, шолӣ экишади, арпа, бугдой сепишади. Кексалар ва болалар ўтлоқларда мол боқишади, уни бўри, қашқирлардан қуриқлашади. Шу тарзда янги бир манзил, номини ўз аҳли касбидан олган «Паттакесар» қишлоғи дунёга келади.

Чеки-поёни йўқ мулкнинг бир чеккасида одамлар пайдо бўлганини эшитган Шеробод беги улардан ўз «марҳамати»ни кўп ҳам даринг тутиб ўтирмайди. Ҳар бир паттакесарлик хонадонга ер-сув, қорамол, мевали-меvasиз дарахт солиғи солади. Бундан ўчоққа қалашаркан ярайдиган янтоқ ҳам қолмайди. Шарнатда пайдо қилган солиқ олиш ман этиларкан, бек уни тут дарахтларига солиб қўяди. Паттакесарликлар ва Шеробод бегида, на Бухоро амридан бундан ўзга мурувват кутмасликлари кераклигига тез орада ишонч ҳосил қилган эдилар.

Шу тарзда кўп йиллар ўтди. Паттаке-

сарликлар кўпайди, қишлоқ бинойидек шаҳарчага айланиб, кенгайверди. Шарқий Бухоро (ҳозирги Тожикистон ва Сурхондарё ерлари) устида инглиз мустамлакачилиги хаффи пайдо бўлган 1896 йилда амирлик билан қелишувга мувофиқ, Паттакесарга рус ҳарбий қисми — Амударё чегара бригадаси келиб қўнади. Ҳарбий қисмининг штаби шаҳарнинг ҳозирги Наринамов, Биринчи май, Голованов ва Тўраҳўжаев кўчалари орасидаги чорсиклида жойлашган эди. Орадан ўн йил ўтиб, штаб ўрнашган жойда юксак гиштин деворлар билан мустаҳкам ихоталанган қалъа қад кўтаради, унга «Термиз ҳарбий қалъаси» номи берилади. Бу ном ҳозирги Термиздан ўн чақиримча ғарби-шимолда жойлашган қадимги шаҳар номидан олинган эди.

Қадимги Термиз шаҳри мелодимиздан аввалги бешинчи асрда ҳам мавжуд эди. Осённинг энг улкан сув йўлидан бири — Амударё соҳилида қад кўтарганлиги, бунинг устига Шарқий Ғарб билан болган ўша замонадги энг асосий савдо йўли устида ўрнашганлиги Термиз мавқеини жуда оширган, шаҳарнинг моддий ва маданий равнақига сабаб бўлган эди. Шу важдан, айниқса қушонар давлати гуллаб-яшнаган даврда Термиз бутун Урта Осённинг энг обод ва маданий шаҳарларидан бирига айланади.

Мелодимиздан илгаринг 332—329 йилларда шаҳар Искандар Зулкарнайн кўшинлари қўлига ўтиб, Александрия деб ҳам

## «Роҳат»

«Коммунизм» колхозимизнинг тюркочӣ звенõ бошлиғи Урол Шукуров оиласи ўтган йили салкам 10 минг сўм даромад қилди. Паррандачилиги фермаиши ишчиси Шермадат Еров 5 минг сўмдан кўпроқ, сут соғувчи Зайнаб Эшонқулова қарийб 2 ярим минг сўм олди. Умуман даромад кўп илхозчиларда шу атрофда бўлди.

Буни хўналигимизнинг йиллик иш якунидан ҳам билса бўлади. 3 минг 650 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан қарийб 36 центнердан ҳосил кўтарди. Пахтанинг ўзидан 5 миллион сўмдан зиёд даромад қилди.

Турмушимизнинг моддий томони шу нўратгич билангина чекланмайди. Ҳозир колхозчиларимизнинг тўқсон иккисидан энгил машина, олти юз хонадонда мотоцикл, беш юз уйда «зангори олов», олти юз отмишда «зангори эркан», Деҳқонларимиз турган уйларнинг етмиш проценти типовой лойиҳа асосида қурилган. Сўнги бир йилда хўналигимиз аҳлининг маийши эҳтиёжини учун уч юз эллик минг сўм сарфладик. Бунинг устига СССР ҳукумағи ва Бутуниттифоқ насаба соҳи Совети колхозимизни яхши фаолияти учун нўча Қизил байроқ билан таъдирлади, ўттиз беш минг сўм пул мукофоти ҳам берди.

Энди маданий-оңартув ишлариниғиз бир разм солинғ. 8 та кутубхона, шунча қишқи ва ёғни клуб, 3 чойхона, кўша-кўша меҳмонхона, радиовез. маданий уйи, истироҳат боғи, маийши хизмат уйи... Булар дуоим гавнум.

Шу фаровон турмушимизнинг рамзи бўлсин деб ҳимамиз ардоқлаган, суюкли кўшиқ ва рақс ансамблимиғизга «Роҳат» деб ном бердим. У ўз колхозимиз ўғил-қизларидан марказий клубимиз киошида ташкил топган. Мана ўн йилдирки, колхозимизни «Роҳат»сиз тасаввур қилолмаймиз. Шу пайтгача ўзимизгагина тўрт юзта концерт кўйиб бердик, азаматлар. Сафар вақтидағи концертлари бу ҳисобга кирмайди.

1966 йилдан бошлаб ўз йил суррунасига ансамблимиз област нўрикларида биринчи ўринни эгаллаверди. Доҳиймиз Ленин юз йиллиғи юбилейига бағишланб олтиш тўқтинчи йили ўтказилган республика нўриғида ҳам «Роҳат»и-

миғиз биринчи ўрин ва биринчи даражали диплом нуносиб нўрилди. Ансамблимизнинг дилрабо кўшиқ ва рақсларидан Тошкентдағи «Ташавтомаш», Электронабель заводлари ишчиларининг, Санъат саройи, «Ғалаба» боғи томошабинллари ва истироҳатчиларининг, бутун Ўзбекистону Тожикистон «зангори эркан» шинавандаларининг кўзлари қувнаган, диллари яйраган.

Яна нимасини айтмай. «Роҳат»нинг бу ютуқларида унинг раҳбари Ф. Аминовнинг натта ўрни бор. Буни ҳисобга олиб, правлениемиз қарори билан унга маош ажратганмиз. Кези келганда айтиб кўйай: колхознинг қурби бундан наттароқ хайрли ишларга ҳам етиб ортади. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидағи ўнуч юртларида таълим олаётган эллик фарзандимизнинг бирортаси ҳам пулга зориқмай, колхозимиздан вақтида стипендия олиб турибди. Беш минг бола ўқиётган ўн икки мактабнинг биносидан тортиб чирогийо ўтин-чўпигача ўз хўжалигимиз бемалол эплаб берапти.

Колхозчиларимизнинг турмушини, бутун коллектив рўзгоримиз ҳаётини, ажойиб замонамизни ўйлаганинда шоир ёки бастакор, в бирор хонанда бўлмаганиндан хафа бўлиб нетасан, киши. Қалбларимизда жўш урган мамнуният, шод-хуррамлик ҳисларининг изҳорига сўз оғизлик қилади, нуй-кўшиқ тўғиб куйлаш керак, куйлаш!

«Роҳат» ансамбли ҳам нўпроқ шу фаровон турмушимизни, бахт-саодатли замонамизни куйлаб, хўп иш қилади. Бундан нўнгиллар тоғдек кўтарилиб, димоғлар тағин ҳам чоғ бўлади, фахримизга фахр қўшилади. Уғилой, Бибисора, Насибохон сингари рақоса қизларимиз, Файзулла ва Тўлкинхон наби хўшовоз Ингитларимиз «Наманган олмаси» (шу сон мувоассининг учинчи бетиға қаранг), «Ширин-ширин», «Барно йигит», «Чўпон рақиси» кўшиқи ва лаларларини икхро этганда нақ тўй, байрам бўлиб кетади.

«Роҳат» репертуарида «Биз Ленин фарзандларимиз» деган бир сахнача бор. Уни ҳар нихатдан бутун концерт программасининг тоғи деса бўлади. Севинли доҳиймизнинг порлоқ зановати, улуг иши, меҳрибон қалби, доно васиятлари куйланади унда. Абдий миннатдор, ченис содиқ қалблар нидоси жўр бўлади бу куйта: Ленин ҳаммиша барҳаёт! Ленин биз билан бирга!

Ҳ. МУСУРМОНОВ,

Сариосиё районидағи «Коммунизм» колхозини партиа ташкилотининг секретари.

«Дардан қаҳо қиладиганларнинг ҳаммаси қаҳо қилиб, нажат топадиганларнинг барпи тувалаверади. Бу худ таолонинг изми билан бўлади. Оллонинг хоҳишини билишга, бунинг бирор чорасига бандалари ожиз».

Паттакесар (ҳозирги Термиз)нинг тамоғни вакили шаҳарда авж олган юқумли касалликларга қарши чора кўриш учун хонлик хазинасидан маблағ ажратишни сўраганида Бухоро амири қўриқдағи жавобни қилган экан. Кейин кўп қистов, можор билан шаҳар аҳли соғлиғини сақлаш ишига 1904 йили икки юз ўн сўм ажратилибди. Ҳа, эл-юрт хўжаларининг «қора халқ»қа «марҳамати» шундан нари ўтмаган.

Ҳозир-чи... Биргина бизнинг областимизда олти мингдан ортиқ шифокор халқ сиҳат-саломатлиғи йўлида хизмат қилляпти. Улардан беш юз эллиги олий маъзлумотли. 60 га яқин касалхона, 20 дан кўп диспансер, ўнлаб болалар ва хотин-қизлар консултацияси ишлаб турибди. Шифохона ва тўғруқ-хоналарда қарийб 5 минг ўрин бор.

Сиз ўндгади суратда кўриб турган шифокорлар ҳақида икки шингил ҳикоя қиламиз. Бу жарроҳларни сурхондарёликлар яхши танишади, номларини ҳўрмат билан тилга олишади.

Улардан бири — Дурди Пинаев. Унинг ишхонасида икки-уч бордим, лекин учратолмадим. Ҳар гал районларга — касал кўрганни ёки операцияга кетганини айтишди. Ахири об-

аталган. Кейин Деметриус деб, мелодимиздаги тўққизинчи асра Шаари-Самоний, унинг аср иккинчи ярмида эса, яна қадимги номи билан Термиз деб аталган эди. Бу сўз шаҳарнинг энг қадимий «Тарамата» номи ўзгадир олганин.

Қадимги Термиз 1220 йилда Чингизхон боққини вақтида хароб бўлади. Бундан кейинги шаҳар хом ғишт ва пахса деворлардан нари-бери қурилиб, ҳозир темир йўл станцияси ва аэропорт жойлашган ерда қад кўтарган эди. Паттакесар эса, учинчи Термиздир.

Меҳнаткаш инсонга қулиб боқмаган замона зайли, эл-юрт ҳокимларининг шайқатсизлиги ва жоҳиллиги орқасида паттакесарликлар ҳаёти йигирманчи аср бошларида ҳам жуда ночор бўлган. Чор ҳукумати унинг улқадаги катта амалдорлардан бири генерал Барановский 1902 йилнинг 29 августинда Когондаги рус сийёсий ваколатхонасига юборган хатида паттакесарликларнинг турмушини ҳам бир оз тилга олган эди: «...санитария қарови ҳам, санитария муассасаси ҳам йўқ, шифохоналар ҳам йўқ... Яқинда бизда қорамол вабоси бўлди, ҳарбий-медицина инспектори 13 июндаёқ учта мол доктори командировка қилинганини маълум қилганди, мана, август ҳам тугади, лекин докторлардан бирортаси Паттакесарга ҳали ҳам етиб келгани йўқ. Вабо тушмагур кутиб турмади, кемирадганини кемирб бўлгач, ўз-ўзидан тиниб қолди... Гражданлар қонун-қонда билан ишлари бўл-

май, оғриб, ўлиб турибдилар. Биргина хусусий амбулатория бўлиб, амир унинг таъмини учун йилга 300 сўмдан юбориб туришни буюрган эди. Лекин Бухоро ҳукумати Сиз, жаноби олийларнинг сиқувингизга ҳам қарамай, ўз амирининг амрини бажаришни истамайди...»

Паттакесарликларнинг еру кўкни тутган фиғони замона ҳокимларининг тўпғига ҳам чиқмасди. Зулм ва ҳақсизликка қарши бош кўтарганлар зумда оёқ-қўли қундаланиб, ўзини Бухоро зиндонига кўради. Ўша вақтда ана шундай қилган икки деҳқоннинг суд-сўроқини шаҳар бозорига дорга осиб юборилганини хал-ҳали даргазаб бўлиб хотирлайдиган ҳамшаҳарларини учратиб тураман. Қарз эвазига кекса бир бойга хотинликка берилган тўққиз яшар Парчай Сатторов вақасини тингласангиз жаҳолат ва шайқатсизлик ҳуқи сурган ўтмишга минг қайта лаънатлар ўқинсиз.

Зулм ва қабоҳат айни авяга минганида унинг илдинига болта тушди. 1917 йил 7 ноябрда ғалаба қозонган Улуғ Октябрь социалистик революцияси туйфайли Паттакесарда 14 ноябрдаёқ Советлар ҳокимияти ўрнатилди. Бунда ҳозир ҳам барҳаёт Исмоил Табиев, Н. А. Климов, Олти Мухторов, Ҳасан Амрхонов, В. И. Тимофеевлар, ҳалок бўлганлардан Фармон Қорабоев, А. П. Ярчинский, К. Ф. Круликовский ва бошқа оташқалб революционерлар мардлик, чин қаҳрамонлик, метиндек мустаҳкам сабот-матонат намунасини кўрсатдилар, рево-

люциянинг бутун ўлкада ғалаба қилиши учун кураши давом эттирдилар.


Октябрь революциясидан сўнг ҳам йигирманчи йилгача амир-беклар зулмида қолиб келган Бухоро холиги меҳнаткашлари ўша йилги сентябрь халқ қўзғолони туйфайли озоликка эришганларида ҳам ғолибларнинг олдинги сафларида яна ўша Амрхонов, Тимофеевлар бор эди. Бу сафлар Чори Беркаев, Эгамберди Қувватов, Б. Канаш, Жўра Эшмирзаев сингари халқ бахт-саодати учун содиқ курашчилар билан янада ўсган эди.

Шеробод, Денов, Бойсун бекликларида, ўлканинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида Совет ҳокимиятини ўрнатишда ва мустаҳкамлашда паттакесарликлар кўрсатган жонбозлик озолик курашимиз тарихининг порлоқ саҳифасини ташкил этади.

Йигирма саккизнчи йил республикамиз ҳукумати Паттакесарга шаҳар номини берди, уни бундан буён — Термиз деб аташга қарор қилди. Энг қадимий, лекин ўз жисмига мос исмини яна қайтиб олган эди бу кекса ва навқирон шаҳар. Игит ёшдаги ҳозирги шаҳримиз ўз боқий умри билан салкам икки ярим минг йиллик бобокалон умрини ҳам абадийлаштирса, бунга не етсин!

#### В. КОЗЛОВСКИЙ.

Сурхондарё область Улашунолик музейи директорининг ўринбосари, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.



Суратда: (чапдан) Дурди Пинаев ва Хуррам Зониров.

## ДАРДГА МАЛҲАМ ҚҮЛЛАР

ласть касалхонасида учратдим. Бақувват, бўйдоқ, алп қоматли йигит экан. Узоқ ўтириб суҳбатлашдик. Шу аснода телефон устма-уст жиринглаб қолди.

Билдим, олдин Шерободдан, кейин Деновдан кўнгирик қилишди. У гаплашаркан, кўпроқ беморнинг аҳволини суриштириб эди.

— Ишимиз шунақа! — деди Дурди ака трубкани жойига қўйган. — Шерободда кўнгилисиз ҳодиса юз берибди. Бир киши оғир жароҳатланган. Деновда бир беморнинг аҳволи оғирлашиб қолибди. Бориш керак... Суҳбат давоминда столдаги аллақандай қоғозлар орасида чети кўриниб турган телеграммага кўзим тушди. Ижозати билан олиб ўқиб кўрдим:

«Қимматли Турди (Дурди демоқчи) ака! Мен соғман, саломатлигим яхши. Ҳозир машинада пахта тераялман. Шу кунгача 64 тоннадан ошди. Сизни Улуғ Октябрь байрами билан табриклайман. Жарроҳлик ишларингизга муваффақиятлар тилайман. Қўлингиз дард кўрмасин. Салом билан Ж. Чоршанбиев. «Сурхон» совхоз».

Телеграмма авторини сўраб билдим. Мотоциклдан йиқилиб боши ёрилган экан. Қабулхонада шопилинч операция қилинбди. Кўп ўтмай соғайиб, ишига қайтибди.

— Ҳозир бош суягининг ўпирилган ўрни бўш. Ўша жойини эт қолаб олган, — деди Дурди ака. — Веморни қақриб, яна операция қилишим керак. Суяк етишмаган жойига сунъий суяк қўймоқчиман.

У одамлар ҳақида, уларнинг саломатлиги тўғрисида доим қайгуради, куйиниб сўзлайди. Қандай бўлмасин беморнинг жонига тезроқ оро кирсам, дейди. Бундан ҳам яхши ният борми ўзи.

Дурди аканинг ёшлиги Туркманистоннинг Мари районида ўтди. Уруш туйфайли ўқини чала қолиб, ўрта мактабни 1947 йили битирган экан. Ўша йили Аншхобод Медицина институтини даволаш факультетига қабул қилинбди. Илгма ташна

Дурди ака имтиёзли стипендия билан ўқиб, институтни тамомлайди. Кейин шу институт госпитал хирургияси кафедрасида СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси Иван Филиппович Берёзин раҳбарлигида илмий иш олиб баради. 1955 йили корин ички пардасининг ялғиланганини даволаш бўйича кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Ҳозир Дурди Пинаев областиямизнинг бош хирурги. У моҳир ташкилотчи ҳамдир. Областдаги анестезиология ва реаниматология, тиклаш хирургияси, болалар хирургияси бўлимлари Дурди ака ташаббуси билан ташкил этилди.

Иккинчи ёш жарроҳ Хуррам Зокировдир. У асли шўрчилик. Олтимишинчи йили Самарқанд медицина институтини тугатган. Дастлаб Шўрчидаги Қорлик касалхонасида хирурглик қилди. Кейин уч йил област касалхонасида хирург — уролог-травматолог бўлиб ишлади. Москвадаги марказий ортопедия-травматология институтини аспирантурасини тугатиб, икки йил муқаддам медицина фанлари кандидатлиги диссертациясини ёқлади.

Хуррам ака ҳозир область касалхонаси бош врачининг даволаш ишлар бўйича ўринбосари. Ўткир сеҳни, билими, дардга малҳам қўллари билан беморга шифо бахш этмоқда. Бу қўллардан не-не хасталар даво топмади. Расул Зоиров, Сергей Лаврентьев, Холдон Хунназова, Шавкат Ҳикматов, Рўзи Чориев, Наил Ляпин, Эргаш Бобомуродов... Хуррам аканинг шифобахш қўллари ҳаётага қайтарган кишилар кўп.

М. БОТИРОВ.

# СОҚОЛ

Фронтда мард ўғлон, тинчлик чоғида  
қўли гул инсон уста Умирбек отага  
бағишлайман.

АВТОР.

**Х**унар ҳунараст, беҳунар хораст... Хунар демоқчи қизик  
бир ҳангома эсимга тушиб кетди, бекор ўтиргандан кўра  
айтиб берай, ука.

Қирқ учинчи йилнинг куз пайтлари фронтга тушдим.  
Ерда қор йўқ ҳисоб, аммо совуқки, туф десанг туник ерга  
тушмайди!

Биз борадиган кун бомдодда қаттиқ жанг бўлиб, немис аш-  
қол-дашқолини ташлаб қочган экан, қувиб кетаётганларга қўши-  
либ, биз ҳам қувиб кетдик.

Елкамда милтиқ. Аммо-лекин взводимизда битта станковой  
пулемёт бор эди, навбатма-навбат судрайми, сабаб — пулемётчи-  
ларнинг ўзларига ташлаб қўйсангиз, орқада қолиб кетишади.

Бир маҳал, денг, пулемёт тушмагунининг бир гилдираги гил-  
дирамай қолса бўладими!

Пулемёт шунчаки бир буюм эмас-ки, уни саккиз бўлиб кўтар-  
сангиз, ҳар бўлаги сал кам икки пуд келади. Взводда, десангиз,  
ҳаммаси бўлиб ўн беш-ўн олти солдат бор, қарабиски, кўз очиб  
юмгунча навбат келиб турибди! Ҳаш-паш дегунча ўпкамиз ши-  
шиб, текис жойда қоқилиб қолдик.

Ҳар тўхташда, пулемётчилар у ёқда қолиб, взводу рота ко-  
мандирига ёпишишади пулемётга. Аммо сирини топишолмайди.  
Туркистон депосида ўн йил ишлаб, қилмаган ҳунарим қолмаган,  
бир ўйим: у ёқ-бу ёғини бир айлантириб кўрайми, дейману, тагин:  
ўзинг-ку, ротага ҳали замон қўшилдинг, билагонлик қиламан деб,  
шарманда бўлма тагин, деб ўпкамни босаман.

Бир маҳал рота командиримиз хуноби чиқиб: «Техникани ях-  
широқ биладиган бирон бир одам борми? Ким шу пулемётни  
тузатса... бир котелок қўшимча шавла!» — деб қолди.

Таваккал қилиб даврага тушдим.

Авалгига шпиончиқарамай туриши-ю, бошқа ҳеч ким отилиб  
чиқмагандан кейин, қўйиб беришди.

Бундоқ гилдиракни ушлаб айлантириб қарасам — орқага ай-  
ланади-ю, олдинга айланмайди!

Техниканинг тилини билган тушунадиган жамғичи гилдирайдиган  
нарсаларда «самоторможение» дейдиган бир дард бўлади. Бир  
мурвати сал қийшайиб қолса бас, шу дардга учрайди-қолади,  
яъни, орқага айланса айланадики, олдинга айланмайди. Қарасам  
ўша — самоторможение!

Дарҳол гилдиракнинг қопқоғини очиб, штик билан қийшайган  
мурвати тўғрилаб, қайта қопқоғини ёпиб қўйдим: қарабиски,  
урчудай айланиб турибди!

Солдатлар хурсанд. Командир бўлса, бир котелок шавлани  
икки қўллаб тутиб турибди!

Гап шавлада эмас, ука, хунарда. Хунар бўлмаса ким билади,  
бир рота одам яна қанча овора бўлардики!

Шу-шу, бизни тез-тез йўқлаб келадиган бўлиб қолишди.

Масалан, бирорта қишлоқданми, посёлкаданми немисни қувиб  
чиқамиз. Дарҳол:

— Электринг тилини биладиган монтер борми? — деб суриш-  
тириб қолишади.

— Мана биз тушунамиз! — дейман.

Депода ўн йил юриб, қилмаган ишим қолмаган, ука. Монтер-  
ликдан ҳам хабарим бор. Бориб, движок бўлса юргизиб, бошқа  
шикаста бўлса тўғрилаб бераман. Ҳамма хурсанд.

Бир маҳал тагин излаб келишади:

— Мотордан хабари бор одам борми?

— Мана биз биламиз моторнинг тилини! — дейман.

Бориб қарасам, штабнинг машинаси катта йўлда пат-пат қи-  
либ турибди. Уч ойлик курсни битирган ўн етти яшар шофер —  
солдат капотни очиб, кўзини лўқ қилиб ўтирибди. Ҳайдашни зўра  
ўрганган бечора, моторнинг нозик тилини қаёқдан билсин?

Тагига кириб, устига чиқиб, у ёғини бураб-бу ёғини бураб,  
гуриллатиб бераман. Қарабиски, штаб бошлиғи раҳматнома ёзил-  
ган буйруққа бир буханка нон қўшиб беради. У маҳалда бир  
буханка нон пиеда тугул, отликча ҳам йўқ. Буйруқни чўнтакка  
жойлаб, бир буханка нонни ўртага қўйиб, шавла билан тушириб  
оламиз. Оғайнларим хурсанд. «Молодес — молодес, Набиев!»  
дейишиб, ер-кўкка ишонимайди.

Бир кун, десанг, сал кам тўрт соатлик арпподготовкандан ке-

йин, бир ёқдан танк, бир ёқдан пиеда аскар ҳужум қилиб, немис-  
ни зўр бир истеҳкомдан қувиб чиқдик. Лекин истеҳкомнинг нарёғи  
катта дарё экан, тўхтаб қолдик. Мудофаага ўтилинсан, деган буй-  
руқ келди.

Урушда немиснинг бир иши мени ҳали-ҳали ҳайрон қолдира-  
ди, ука. Бир жойда мудофаага ўтадиган бўлса, худди беш кун  
уруш эмас, беш юз йил яшайдигандай иш қилади. Ҳар блиндаж,  
ҳар ер тўлаки, шохона каср дейсиз!

Неча кун совуқ оқолларда ётиб ях бўлиб қолган солдатларга  
роҳати жон бўлди-қолди. Снаряд тушиб вайрон бўлган бир блин-  
дажнинг у ёқ-бу ёғини тузатиб, ўртага гулхан ёқиб, исиниб ўтир-  
ган эдик, командир келиб қолди.

— Набиев борми?  
— Шўттабиз, ўртоқ капитан!  
— Печка тузатишни биласанми?  
— Билганда қандоқ, ўртоқ капитан, гуриллатиб юборамиз!  
— Қойил, Набиев! — деди командирим. — Билмаган ҳунаринг  
йўқ-а! Қани, юр!

Ўрмон оралаб, қалин қарагайзорнинг орасидаги бир блин-  
дажга кириб бордик. Бояги блиндаж ҳам блиндажми, кўриб оғ-  
зим очилиб қопти. Сизга ёлгон, худого чин, ука: тагига гилам  
тўшаб, тўрига сим қаравотлар қўйиб қўйибди немис! Ўртадаги  
столда, денг, товуқ гўшти-ю очилмаган коньяк шишалари қатор-  
лашиб турибди!

Немиснинг ҳафсаласини айтаман: блиндажнинг бир томонига  
пишқ гўшт қалаб, девор печка қуришган экан. Бундоқ синчи-  
лаб қарасам, печканинг кони бошқача — корейс таңдиринг  
конига ўхшаб, девор орасидан айлантирилиб ясалган экан. «Ҳа-а,  
рус қиши жон-жонингдан ўтиб кетган экан-да!» деб кўлдиму, бол-  
га билан ҳар гиштини битта-битта уриб, кон ўтган жойларни аниқ-  
лаб олдим. Кейин уч-тўрт жойдан тешидим. Қарасам, худди ўзим  
ўйлагандай: арпподготовка пайтида гишлар жойидан қўчиб, кон  
бекилиб қолибди!

Генералнинг солдати билан бирга конни тозалалаб, ўт ёқувдик,  
бой айтганимдай, гуриллаб кетди!

Иккимиз ҳам хурсанд, печкани гуриллатиб қўйиб, гап сотиб  
ўтирувдик, бир маҳал дивизия командирини келиб қолди.

Ени олтимширлардан ошиб қолган, нимжонгина бир генерал  
экан, гуриллаб ёниб турган печкани кўриб, яйраб кетди.

Печкани мен тузатганимни эшитиб:

— Қани бўлмаса, устани бир меҳмон қилайлик, — деди сол-  
датга. — Консерваларни оч, топангингни опкел!

«Меҳмон қилайлик» деган гапни эшитиб, биз ҳам очилиб ке-  
дик, албатта.

— Хўш, солдат, қанақасидан ичасан? Немис коньягиданми,  
ё ўзимзинг рус ароғиданми? — деб сўраб қолди генерал.

— Ўзимзинг рус ароғи яхши, ўртоқ генерал! — дедим.

Генерал бир қулиб қўйди-ю, катта стаканини тўлдириб узатди.  
Мен ҳам, денг, кинодаги Соколовга ўхшаб, стаканини битта кў-  
тардим, консервага ёпишдим.

Генерал ўзи ҳам қиттай отиб:

— Қаердан, қайси миллатнинг фарзанди бўласан? — деб су-  
риштира кетди.

Бояги шайтон ичга кириб қонни кўпиртира бошлади-да! Бир  
қизиқчилик қилай деб, ўрнидан сақраб туриб честь бердим:

— Товарищ генерал! — дедим русчаб. —

**Я сын страны Узбекистан,  
Где девушка цветет, как тюльпан. --  
Где виноград «дамские пальчики» растет,  
И веселый, храбрый народ живет!**

Генерал кулавериб қотиб қопти.  
Алламаҳалгача гапласиб ўтирдик. Генерал мени тоза гапга  
солди, мен ҳам солдат анекдотларидан гапириб бериб роса кул-  
дирдим. Ахирги оилам, болаларимни сўраган эди, яна қизиқчи-  
лик бўлсин деб:

— Саккизта! — деб юборувдим, генерал:

— Соқолинг бўлмаса ёш кўринасан-ку! — деди ҳайрон бў-  
либ. — Нечга кирдинг?

— Элликка бориб қолдик, ўртоқ генерал! — дедим.

Соқолдан ўзим ҳам бехабар эканман, кечаси ертўлага қайтиб  
ойнага қарасам... соқол жонивор тўрт энлик ўсиб, жингалак-жи-  
галак бўлиб бурилиб турибди.

«Шошма, дедим ўзимча. Соқолда гап кўп. Яхшилаб парва-  
риш қилиш керак бун!»

Шу кундан бошлаб, соқолини форум қилиб, учларини қайчи-  
лаб, тараб, парварини қила бошладим. Соқол ҳам, денг, парва-  
ришини жойига қўйиб, силаб-сыйлаб тургандан кейин бир тарва-  
қайлаб ўсиб бердики, ҳаш-паш дегунча кўкракка тушиб қолди.

Ўзингиз кўриб турибсиз, ука, худо буй-бастан нам қилмаган.  
Бунинг устига кўкракни тўлдирган кетмон соқол! Қарабиски,  
ротада биздан басавлат одам йўқ. Вирпасда номимиз «Отец» бў-  
либ қолди. Еш солдатлар «отец, отец» дейишиб, ер-кўкка ишо-  
нишмайди. Оқоп кавалдайдиган бўлсак, отец, сиз дам олаб туринг,  
ўзингиз қазиймиз, деб қўлдан белкуракни олишади, овқатга бора-  
диган бўлсак, қани, отец, котелонни берибг, ўзимиз олиб келиб  
берамиз, деб ёлворинишади. Соқол эмас, жоннинг роҳати!

Аммо-лекин соқолини қўйишга қўйибмузу, бир нарсани ҳисоб-  
га олмабмиз: устав бўйича солдат соқол қўйишга ҳақини йўқ асли.

Командирларимиз ҳам аввал бошда эътибор беришмаган экан, бир кун чақириб қолди.

— Набиев, қириб ташла соқолингни!

— Жон ўртоқ лейтенант! Жон ўртоқ капитан! Ўзбек халқида эркак зоти қирдан ошганда соқол қўймаса гуноҳ ҳисобланади. Нима десаларингиз майли, аммо-лекин соқолга тегманглар, деб ёлвораман. Қўлимда ҳунар, бир гапларини икки қилмасдан «хўп бўлади», деб честь бериб тураман, илтимосини қайтаришолмайди. Лекин бир-икки кун ўтмасдан яна чақиривади.

— Набиев, соқолингни комбат кўрибди. Қаттиқ танбех берди бизга. Олдирмасанг бўлмайди.

Яна ёлвораман: жон лейтенант! Жон капитан, бир бало қилинган, дейман. Соқолчи олдирининг сира иложи йўқ...

Хурматим яхши, ҳар қанақа буйруққа «хўп» деб тураман, яна гапимни қайтаришолмайди.

— Майли, боравер, аммо-лекин комбат кўриб қолса ўзинг жавоб берсан!

— Хўп, бўлади. Албатта ўзим жавоб бераман, дейман. Қўйинг-чи, у бўлди-бу бўлди, орадан беш-олти ой ўтиб кетди. Бу ўртада биринчи номер пулемётчи бўлдим. Қўкракда қўш орден, соқол ҳалигидақа. Хурмат жойида. Хуллас-калом ишлар беш. Ўзимиз ҳам, денг, немисни зир югуртириб, чегарага яқинлаштириб қўйдик. Ўхтин-ўхтин уч-тўрт кун дам олишга чиқиб қоламиз. Шундай пайтларда этикларни тозалаб, кийимларни чўкалаб, соқолни қайчилаб, бундоқ атрофни айлангудек бўлсам, ёш солдатлар узоқдан генерал келяпти деб ўйлашиб, честь бериб сerratийиб қолшади. Кейин оддий солдат эканини кўриб, бировлари кулишади, бировлари анграйиб қолшади...

Бир кун — ўшанда ҳам бир ҳафталик қаттиқ жангдан кейин, уч-тўрт кун дам олишга чиқувдик, яна командир чақириб қолди.

— Набиев! Энди олдирмасанг бўлмайди соқолингни!

— Жон ўртоқ капитан!

— Ҳеч қанақа жон-пони йўқ! — деди командир. — Бу сафар сира иложи йўқ. Батальонни текширгани инспекция келаётганмиш. Комбат қатъий буйруқ берди.

— Ўша инспекцияга ўзим жавоб берсам-чи, ўртоқ капитан?

— Инспекция сени бошига урадимиз! Инспекция мана биздан талаб қилади. Гап битта, Набиев! Командирнинг буйруғини қайтариб бўлмаслигини биласан.

— Биламан, ўртоқ капитан, лекин...

— Лекин-пекини йўқ. Ҳалиям сени ҳурмат қилиб, шунча вақт қўйиб бердик. Буйруқни бажармасанг гауптвахтага тушасан. Уқдингми?

— Уқдим, ўртоқ капитан, лекин...

— Яна лекин дейди-я! Сен ўзинг гапга тушунасанми, йўқми? Бор, кўзимга кўринма!

Хайрият «гауптвахтага марш!» демади. Хурмат қилгани учунда, бўлмаса фронтда командирнинг буйруғини бажармай кўринг-чи, нима бўлар экансиз!

Ўзим ҳам, қилгуликни қилиб қўйиб, командиримни ранжитганимдан қиниб, оқопа юз тубан тушиб ётувдим, бир маҳал капитан яна чақиртириб қолди.

Бордим. Капитан юзимга қарамайди, хафа.

— Ҳозир комбат билан гаплашдим, Набиев. Эртага кўрикка чиқасан. Агар инспекция кўриб қолиб, соқолингни нега олдирмадинг деса... жон полковник, жон генерал, деб ўтирмайсан. Буйруқни бажармадим дейсан, вассалом. Бошқа гап айтмайсан! Уқдингми?

— Уқдим, ўртоқ капитан!

— Уқдим дейди-я! Нима бўлишини биласанми ўзинг?

— Майли, ўртоқ капитан. Бошга тушгани кўз кўрар, деган гап бор бизда...

— Кругом марш! — деди капитан.

Командирнинг олдидан чиқиб, ўйлашиб қолдим. Шу битта соқоли деб, бошим баалога қолмаса эди тагин, дейману, яна уни олдириб ташлашга кўзим қиймайди. Нега десангиз, ўзимга соқол-мисан соқол эди-да, ука. Ҳозирги соқол ҳам соқолми, нах кўкракка тушган хўп кўкрак бир соқол бўлувди-да, иним!

Гапнинг пўст калласи, соқолни олдиринишга кўзим қиймади-ю, таванкал қилиб ҳозирлик кўра бошладим: нечаси билан ухламай этикларни қузғудай қилиб яқинлашдим, тутмакларни ишқалайвериб, олтиндай чарақлатиб юбордим. Хуллас-калом, эрталаб, пилоткани пешанага қия кўндириб, орден-медалларни жанан-журунт қилиб, мўйловни бураб, соқолни тараб чиқиб бордим кўрик бўладиган жойга.

Ўрмоннинг орасида бутун батальон рота-рота бўлиб саф тортиб турибди. Бир маҳал инспекция ҳам келиб қолди. Машиналардан ҳали тушишангиз — ҳали тушишангиз, охири кўринмайди. Бир рота одам денг! Энг кичиги майор, бўлмаса ҳаммаси полковнигу генераллар!

Е худо, ўзинг обрў бергайсан, деб турибман ичимда.

Биз баъзан у-бу деймизу, ука, аммо-лекин гоҳо одамнинг тилаги ҳам рўёбга чиқиб қолади. Бир пайт бундоқ тинглиб қарасам, роталарни битта-битта қўздан кечириб келаётган инспекциянинг бошлиқларидан бири — ўзимизнинг дивизия командиримиз! Ўша қинда пеккасини тузатиб берган кека генералим!

— Э, худо, ниҳилиб ўзинг омадини бергайсан! — дейман ичимда.

Бир маҳал олдидан келаётган генерал мени кўриб қолди, кўриб қолди-ю, қовоғини солиб, комбатга қаради.

— Бу солдат нега соқол қўйган? Ким рухсат берди унга?

Комбат ғоз турди:

— Бу солдатга соқол қўйишга ҳеч ким рухсат берган эмас, ўртоқ генерал! — деди. — Биз унга соқолингни қириб ташлаб деб неча марта айтдим, аммо қириб ташламади. Ўзи жуда яхши солдату, аммо... буйруқни бажармади, ўртоқ генерал!



Генерал хўмрайганича менга қаради:

— Сен нега буйруқни бажармадинг? Қанақа солдатсан? Кимсан ўзинг?

Мен бир қадам олдинга чиқдим, честь бердим овозимнинг борица:

— Товарищ генерал! — дедим русчалаб. —

**Я сын страны Узбекистан,**

**Где девушки цветут, как тюльпан,**

**Где виноград «дамские пальчики» растет.**

**И веселый, храбрый, народ жинет!**

Генерал бундоқ тикилиб қаради-ю, кейин: «Э-э, сен ўша устамисан?» деб ҳо-ҳолаб кулиб юборди.

Солдатлар ҳам, денг, ўзларини зўрга тутиб туришган экан, ўрмонни бошларига кўтариб кулиб юборишса бўладими! Бўлди кулги, бўлди кулги. Дивизия командирининг кулганини кўриб, ёнидаги генерал ҳам ҳо-ҳолаб юборди. Ўзимам шўх одам экан, соқолиمنى кўрсатиб:

— Мен бўлсам, солдатларнинг орасида бу генерал нима қилди юрди деб, ҳайрон бўлибман, — деб кулади, шоввоз!

Ахйри дивизиямиз командирини комбатга қараб:

— Бу одамни йўлга сололмаган бўлсангиз, дивизия штабининг ихтиёрига юборинг! — деб кулди. — Ўзим гаплашиб қўяман бу одам билан.

Эртасига ашқол-дашқолларимни кўтариб дивизияга қараб кетдим. Аммо омад келганини қаранг, бир ҳафтадан кейин ундан ҳам юқорироққа, армия қурол-аслаҳа устахонасига олиб кетишди. Елкамга «старшина»лик погонини тақийиб, старший мастер қилиб қўйишга қиладиган ишим бузилган қурол-яроғни тузатаману, генералларнинг пистолетларини кўриб бераман! Обрўйим шунчалик ортиб кетдики, Берлинга яқинлашганда ихтиёрига битта мотоцикл бериб қўйишди. Юраман миниб!.. Соқол дейсизми?

Уша-уша, соқолга ҳеч ким тегмайдиган бўлди. Эҳа, ука, уста ананг, оёғида ғарч-ғурч хром этик, эғнида офицерлар киядиган шерсть гимнастерка, мотоциклини миниб, Берлин кўчаларидан ўтганида, ман-ман деган капиталистлар совет генерали келяпти деб, чесь бериб турарди!

Аммо-лекин, ука, бунинг ҳаммаси ҳунар орқасида бўлди. Ҳунар бўлмаса, бунақа соқолу бунақа иззат-ижром қаёқда. Ҳа, ота-боболаримиз: «Бир йингитта етмиш ҳунар ҳам оз», деб бекор айтмаган экан, жигар.

# ХОТИННИНГ ЎФИЛ БОЛАСИ

Гап чапанидан кетдим? Бўлмаса мен хотин кишининг ўғил боласидан гапириб берай.

Раис пайтларим. Колхозимизда Қумрихон деган ёш бир жувон бор эди. Қумрихон деса Қумридай, олов бир жувон эди... Битта-ю-битта камчилиги — чайқовчиликка аралашиб қолган. Урушдан кейинги оғир йиллар. Қишлоқдан туҳум-пухум, туршақ-пуршак, писта-бодом олиб, шаҳарга қатнайди. У ердан қишлоққа эски-туски кийим-кечак, пёёла-чойнак олиб келиб пуллайди... Пайқаб юрибман: Қумрихоннинг бу иши бошқаларга ҳам ёмон таъсир қила бошлади. Аммо бир нима дейиш қийин. Ўзидан ўй-ўн беш ёш катта, мўмин-қобил, ҳудожўйроқ эри бор — на унинг гапига кирари на менинг, на қишлоқ советининг!.. Асов тойдай, олдида келганини тишлайди, ортидан келганини тепади! Бир нима десанг, уч боламини идорангга олиб келиб ташлайман, боқсанг далангга чиқиб ишлайман, деб писанда қилади.

Қиш пайти эди. Бир маҳал Тошкентда хотин-қизлар съезди бўлиб қолди. Бизнинг колхозимиздан ҳам уч-тўртта илгор аёллар съездга делегат бўлиб кетишди. Бир кун идорада янги газеталарни варақлаб ўтирсам... Қумрихоннинг сурати чиқиб қолса бўладими? Республика газетасининг биринчи бетида қошларини учириб, кўзларини сузиб жилмайиб турибди! Суратнинг тағига: «Хотин-қизлар съездининг делегати, «Тельман» колхозининг гекардидан эллик центнер пахта олган илгор бригада бошлиғи Қумрихон Ҳошимжоновани кўриб турибсиз!» деб ёзиб қўйишди.

Бир куламан, бир газамин қайнайди!.. Хўш, у киши қанақа қилиб «илгор бригадир» бўлиб қоптилар денг?

Съезд кунлари Қумрихон ҳам ўзининг чайқовчилик юмушлари билан Тошкентга тушган экан, съезд бўлаётган театрда делегатлар учун яхши буюмлар, совга-саломлар сотишайтганини эшитиб қолибди.

Яхши буюмнинг дарагини эшитган чайқовчи чидаб турадимиз? Дарров қишлоқдан борган хотин-қизларни топиб, ялиниб-ёлвориб театрга кириб олибдилар. Бу ўртада фото мухбир учраб қолмасини! Ўзи кўзга яқин кўҳликкина жувон эмасми, мухбир ҳам «шап» ёпишиб олибди: қаттан келганисиз, ким бўласиз?..

— «Ким бўлардик, фалон кохозининг фалон центнердан пахта берган илгор бригадир фалончи бўламиз!»

Эртасига қарабсиз-ки, газетанинг биринчи бетида кўзларини сузиб жилмайиб турибдилар!

Бир куламан, бир газамин қайнайди.

Хўп. Қишлоққа қайтганини эшитиб идорага қақиртирдим.

— Хўш, бу қанақа қилиқ, Қумрихон? Ўзинг-ку, умрингда бир кун меҳнат қилмаган чайқовчи бўлсанг, яна уялмай-нетмай бригадирман, деб газетага чиқсанг?

Мен қизариб-бўзариб гапирсам, Қумрихон нима деб жавоб берди денг? Қўзларини белига тираб:

— Менга бир қаранг, раис почта? Шу туришимда қайси бригадирингиздан камман? — деб кўлса бўладими.

Аввал энсам қотиб, ҳайдаб чиқарай дедиму, кейин тўсатдан хаёлимга бир ғарч келди.

— Менга қара, Қумрихон, — дедим. — Ўзинг-ку, ақли-ҳушинг жойида, туспа-тузуқ айсан. Шу эс-ҳушинг, ҳусн-жамолини билан чайқовчилик қилиб юришга уялмайсанми? Бўлар иш бўпти. Газетга чиқингга чиқибсан. Битта бригадани берсам, ўзингни бир кўрсатмайсанми?

Мен: йўқ, дермикан, йўқ деса, газетага ёзиб шармандангни чиқараман, деб ўйлаб қўйган эдим, Қумрихон бўлса:

— Бригадирлики берсангиз нега ишласам эканман, звенорпенога кўнмайман, бригадир қилсангиз ишлаганим бўлсин! — деса бўладими!..

Хўп. Эртасига «бор, нима бўлса бўлар», деб правление мажлисини чақирдим, бригадирликка тасдиқлашиб юбордим.

Қумрихон ҳам бир сўзлик азамат аёл экан, кокиларини бошига ўраб, устидан телпанни бостириб кийиб, оёқда этик, енглар шимарилган, бир ишлаб берди денг! На ўзини аяйди, на бригадасидаги дангаса-ишқамасларни, на уйда эрини!

Эри димоқчи, боя айтдим, у одам, Қумрихоннинг ўзидан ўй-ўн беш ёш катта, ҳудожўй, мўмин қобилгина бир одам эди. Бир кун идорада ўтирсам, кириб келди... Рангиди ранг йўқ, даг-даг титрайди.

— Ҳа, Мусулмонқул ана, тинчликми? — деса, соқолни селкиллаб йинглаб юборди бечора.

— Тинчлик қаёқда, раис ука. Қумрихонни бригадир қилдингизу бошим балого қолди!

— Қумрихон яхши ишлаяпти. Аиб ўзингиздадир-да, Мусулмонқул ана.

— Мен бечорада нима айб, ука! Боя намозшомда ўзим билан ўзим овора, тинчгина намозимни ўқиб ўтирсам, Қумрихоннингиз, қўлида ойболта, ҳайқириб кириб келди.

— Келтир калимангни, ҳозир ўтирган жойингда чопиб ташлайман! — деб човут олса бўладими, раиси ука!

— Сабаб ундай қилади? — дегунимча бўлмади, Қумрихон ўзи кириб келди...

— Сабаби... мен ҳам даланнинг ишини қилай, ҳам уйнинг. Бу кишини бўлсалар даладан қайтдим дегунча тўрға жойнамоэ ёзиб намозга ўтирсинлар! Эр-хотин — бир киши, араванинг тиркиши! Эр бўламан десалар баравар тортинарлар аравани! Бўлмаса...

— Айтдим-ку, хўп деб, ҳар қанақа иш бўлса қиламан деб...

— Йўқ, қуруқ қошиқ оғиз йиртади — қуруқ ваъда кетмайди. Мана ҳозир раис акамларнинг олдида ҳамма юмушни битта-битта бўлиб оламиз. Раис акамлар рўйхат қилиб, муҳр босиб берадилар.

Мен уни ҳазиллашайти деб ўйласам, йўқ, чинга ўхшайди! «Ҳозир ҳамма юмушни тақсимлаб, рўйхат қилиб берасиз!» деб туриб олди.

Мен ҳам олдин кўлдиму, кейин секретарь қизни қақириб, рўйхат қилишни топширдим. Қумрихон битта-битта айтиб турибди, секретарь қиз ёзиб турибди:

«Овқат пишириш биздан, ўтин-тезак гамлаш хўжайиндан, эр-талаб бола-чақага қараш биздан, самовар қўйиш бу кишидан»... Хулласи калом, Қумрихонни тушмагур шу йўсин ҳамма ишларни битта-битта тақсимлаб чиқди, назаб сизирга келганда:

— Кечқурун молга ўт-чўп гамлаш биздан, сизир соғиш бу кишидан деб туриб олса бўладими!

Бечора Мусулмонқул!.. Ҳаммасига чидаб келди-ю, шу нуқтага келганда дод деб юборди:

— Йон хотин! Мингта иш юкласанг юкля, аммо сизир соғишдан озов қил! — дейди бечора — Шу соқолни билан сизир соғиб, эл-юрт олдида шармандайи-шармисор бўлмай!

Қумрихон бўлса ундан баттар авжига чиқади.

— Ҳа, қаймоқ ейишга уялмайсизу, сизир соғишга уяласизми? Ҳамма бало соқолда бўлса, қирдириб ташланг бу узун супургингизни! — дейди.

Гапнинг қисқаси, ҳамма ишларни тақсимлаб, менга қўл қўйдириб муҳр бостириб олди-ю, сал тинчиди, чамаси...

Ўзим, Қумрихонни айтаман, ўша йили колхозда биринчи бўлиб планини бажарди. Нега десангиз, ишқамас дангасаларни ўйнаб юборди, азамат! Аммо-лекин планини бажарган куни тағир бир томоша кўрсатди. Эсимга тушса, ҳанузгача қулавериб ичагим узилди.

Ингин-терим чоғи. Ҳар колхозда саккизта вакил, раиснинг кетида кисталанг қилиб юрадиган пайтлар.

Бизнинг колхозга ҳам шаҳардан қайси бир идоранинг бошлиғи, ёш бўлса ҳам важаҳатидан одам-ҳурнардиган бир йингит вакил бўлиб келди. Мен у кишини планини биринчи бўлиб бажарган бригадирини табриқлаб қўйинг деб, Қумрихоннинг бригадасига юбордим. Орадан бирор соат ўтдики, йўқми — билмадим, вакил акам қайтиб келиб қолдилар. Ўзи важаҳатидан қўрқувлик одам, қовоғидан қор ёғади, газабдан тишлари шақ-шақ қилади.

— Сиз мени қанақа одамга рўпара қилдингиз? Бу Қумрихон деганингиз қанақа хотин ўзи? — дейди.

— Нима қилди, унажон?

— Одам айтилганми тили бормаиди... Борсам, бригадада иш йўқ. Ҳамма ширака"ф, ўйин-кулги, таралла-яли. Эраклар у ёқда турсин, хотин-қизлар ҳам отиб олишган... Қумрихоннингиз бўлса мени шийпонга илбаб: «Келинг, ўртоқ вакил, қиттай-қиттай қилайлик!» деса бўладими?

— Сиз нима дедингиз?

— Мен нима дейман? Ўзим масъул ходим бўлсам, колхозга вакил бўлиб келсам, аёл киши билан иччиби ўтирсам!.. Одамлар нима дейди!.. Обрўйин бир пул бўлмайдики, раис ака?

Қасдига олиб, худди шу гапнинг устига Қумрихон кириб қолса бўладими!



Қиттай-қиттай қилгани ростга ўхшайди, юзлари ёниб, қўзлари қақнаб турибди! Бунинг устига вакилнинг гапини эшитиб қолган экан, қўлини белига тираб:

— Ҳали биз билан қиттай-қиттай қилишга номус қиладиларми? Ҳе, мен сени бизнинг галабамизга хурсанд бўладиган, белида белбоғи бор мард йигит десам, сен...

Вакил бечора, ранги девор, қотиб қолди. Гапирай дейди-ю, оғзида тили айланмай соқовдай гулдирайди. Қумрихон бўлса баттар авжига чиқади.

— Мен билан қиттай-қиттай қилишга уялармиш! Ҳе, мен сендақа хотинчалиш муллавачча билан гапләшишгаям ҳазар қиламан. Биз сени оқ кўнгилик билан дастурхонга таклиф қилсам, сен ҳаром хабъларга бориб юрибсанми ҳали? Худо ўзимнинг художўй чолимдан қўямасин, сендақаларнинг ўнтасини унинг битта ҳаром тукига олмаймак!

Бечора вакил! Олдин, Қумрихондан зўр келаман деб, бир-икки ўдағайлаб кўрди-ю, кейин сувага тушган товўқдай писиб қолди... Қарасам, Қумрихон тарсаки туширишдан ҳам тоймайдиган. Қўй, қизим, бу киши тушунмапти, бир қошиқ қондан кечақол, деб, елқасига қоқиб аранг тинчитдим. Вакил ҳам ўша куннеёқ командировнасига муҳр бостириб, жўнаб қолди!..

Мана бунақа хотинлар ҳам бўлади оламда! Олов эди-я, олов! Аммо-лекин ўзиям, шу-шу чайқовчилягини ташлаб, одам бўлди-кетди... Бир-икки йилдан кейин донги бутун республикага таралди.

— Епирай, азамат хотин экан-да, бундан чиқди! Қумрихон дедингизми? Қайси Қумрихон? Ҳалиги...

Э, у ёгини суриштирман, ака. Чин исмини айтмайман. Ҳо-зир ўғил-қизлари бири олим, бири артист, бири давлат арбоби бўлиб кетган. Узи шахсий пенсионер. Ажойиб аёл. Уша чоғларни эслаб ўзиям қотиб-қотиб кулади...

## ШЕРОБОДЛИКЛАР

(Боши 10—11-бетларда).

— Йўқ, — деб қўлиб қўяди Шоймардон. — Уйқу уйда, тўшакда бўлгани дуруст. Ўшандагина одам ором олади. Умуман уйда уйқусиз туриб бўлмайди. Далада бўлаверар экан. Очиқ ҳаво, енгил шабада кишини узоқ бедор тута олади, менимча. Ундан кейин дала уйқуси ором бермай, қайтага бўшаштириб қўйишдан қўчийман.

— Уйга кириб, ўрин-кўрпа қилиб ухланг.

— Йўқ. Ишдан чиқиб қоламан унда. Вақт қани уйга бориб ухлаб келишга. Сиз уйқун айтаянсиз-ку, қайси бир маҳал ўн икки кун оёқ ечмабман вақтим бўлмай. Ўшанда оқ ем бўлиб кетган оёғимни ювиб турсам, бир мўйсафид: «Болам, пахта-пахта деб, ўлиб қолмагин тагин», дейди-я.

Шоймардон тушликдан сўнг рулга ўтирганича кечгача тушмади. Кечки овқат аснос ҳам бирор арзирлик суҳбат қилмасидан яна машинасига минди. Тўрт ерга уюб ташланган пахтани тележка тун яринга яқин ташиб бўлди. Шоймардон эса, ҳамон далада, унинг қайси пайкалда ишлаётганини терим машинаси чироқларидану, шовуллаган овозидангина билиб бўларди.

Тун яримдан оққанда машина пайкалнинг қоқ ўртасида тўхтаб, бир соатча қимирламай қолди. Шоймардон чироқ ёруғида унинг қайси бир мурватини тузатарди. Ахири бўлмади шекилли, ярим пудча келадиган бир жуфт шинделни елқасига қўйиб, эгатдан чиқиб келди. Бизни кўриши билан Сулаймон акага:

— Мехмонни уйга олчб боринг, мизғиб олсинлар, — деди. Сулаймон ака менга, мен Шоймардонга қарайман. У бўлса, «Эрта билан кўришамиз», деб илчк жилмайганича «Волга» сига ўтирди-да, совхоз марказий посёлқас томонга ҳайдаб кетди.

— Қўлидагисини устахонада тузатиб келади, — деди Сулаймон ака.

Кечаси соат учлар эди.

— Нима қилдик энди, — дейман...

— Кутадиган бўлсак, бирор соатларсиз қайтмас. Яхшиси, уйга борақолайлик.

Жуда бўлиб турган эканман, жон деб рози бўлдим.

Шоймардон матбуотда «Бурчимиз далага чорлайди» деб чиққан яна бир очиқ хатида теримчи-механизаторларни пахта фронтининг жангчилари, деб атабди. Шу хатни яқинда яна ўқиб туриб, коммунист Қудратовни кинодаги коммунист Губановга ўхшатгим келди. Унинг қишки қарағайзорда дарахт кесиб, паровоз ўтхонаси

учун ўтин тайёрлаганини эсларсиз. Шу жасоратнинг жозибасини-чи! Шоймардон жасоратининг қудрати шундан қолишмаслигини ўз кўзим билан кўрдим.

Сулаймон аканинг қўрғончасига яқинлашганимизда томлардан тушган шуъла кўчани зарогон қилиб турганига эътибор қилдим. Одамлар ўша ярим тунда чироғ ёқиб томсувоқ қилишарди. Лойга андава босаётган ошпоқ соқоли бир кекса билан «ҳорма, бор бў!» қилиб ўтдик. Сулаймон аканинг амакиси Қаҳҳор ота экан у.

— Одамлар кундузи далада. Шоймардон бўлимиздалигини эшитгандан буён уйга ярим кечадан вақтли қайтмайдиган бўлиб қолишди, — дейди Сулаймон ака.

— Буни қаранг, Қудратов бизга келганидан бери механизаторларимизнинг иш унуги ояпти. Бўлмаса биз планин бажарганимиз, пахта камайиб борипти. Маънавий таъсири шу-да: ҳамма Шоймардондан ўрнак оляпти, — дейди «Янғобод» совхози партия ташкилотининг секретари Холиқ Муродов. У билан аввал Шоймардон ишлаётган пайкалда, кейин совхоз идорасида учрашган эдик.

Туннинг қолган қисми бригадирникида бир чимдим уйқу билан туғади. Наривери понушта қилиб, далага чиққанимизда қуёш уфқдан ҳали бош кўтармаган, тонги сукунағи эса, Шоймардон машинасининг гузури бузиб турар, пахта фронтининг мард жангчиси ҳамон майдонда эди. Оромидан кечиб ишлар, бедор курашарди у.

...Ҳа, фронт, жангчи, кураш...

Бир совет саркардаси қўшинларимиз орқага чеккинаерганидан изтироб кечиб, «вахотки мен немисни ўз Ватанимдан қувиб чиқараолмайман, ваҳот у оғирликларини енгилга мендан қувиб-роқ», дедя аламидан ўрғанибди. Шунда унинг олдига оддий бир жангчи келиб, бундай денти: «Ўртоқ комиссар, немиснинг иши ишқал. Ез кунни ўзини аҳоли яшайдиган пунктга қараб урмоқда. Уй янида қаравотда ётгиси келайди унинг. Эрта куз киради, ундан сўнг киш. Унда ахволи қзлай бўлади? Немис оғирликка чдайд олмайдиган кўринади».

Шунда, мен бизнинг енгажамизига, яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, деган экан ҳалиги саркарда. Бу давҳа севиқли шoirимиз Ҳамид Олимжоннинг яқинда эълон қилинган фронт хотираларида тўла тасвирланган. Шоймардон Қудратовни ўйласан, кўз ўнгимга нуқул шу давҳа келаверади. Урушнинг жамки азоб-қуқубатидан гоилиб келган совет солдатно, меҳнат машаққатини енга олган ўзбек пахтакори.

Шу сатрлар ёзлаётганда газета саҳифалари, радио карнайлари, телевизор экранлари Қудратов терган пахта олти юз тонна бўлганини хабар қилар эди. Бу рекорд галабаси билан қутлаб, унга телеграмма юбордим.

Шеробод — Тошкент.

# МОВАРАУННАХР САЁҲАТИ

Зоҳир БЕГИЕВ

Бухоро, Хитой деворидек, ўн бир қақиримлик баланд девор билан ўраб олинган. Қўрғоннинг 131 жойида минора, 11 дарвозаси бор. Бу девор мелоднинг 830 йили, Муҳаммад ибн Мансур замонида боқинчилар ҳужумидан сақланиш учун солинган. Чингизхон ҳужуми вақтида вайрон бўлган бу деворни Чигатой даврида яна тикладилар. Шаҳарнинг карвонсаройлари, мачит ва мадрасалари гишти бўлса ҳам, турар жойлар бари хом гуваладан, лойсувоқ. Ҳовлилар ясси, томлар туташиб кетган, кўчалар ниҳоятда тор, эгри-бурги. Туркистоннинг эски шаҳарлари деярли ҳаммаси шундай, дейдилар.


Мадрасаи заргаронда ўтириб жиндак дам олдим. Кўчаларда дарвишлар зикр тушиб, майдонларда ҳикоятлар сўзлаб юришар экан. Ҳовуз бўйидаги чойхоналарда ўзбек, тожик тилларида сўзлашувчи анча юпун одамлар, олақуқор кийинган турли миллат кишилари... Буларнинг бари худди жонли музейга ўхшайди. Мендек биринчи кўрган одам буларни тасвирлашга сўз тополмайди.

Энг гавжум майдон Лаби-Ҳовуз деган жой экан. Катта ҳовуз атрофида чойхоналар; гиламга чиқиб ўтирдик. Рўпарада ажойиб нақшлар билан ишланган Девонбеги мадрасаси. Мен бундай бинони кўрмасам сира тасаввур этолмас эдим. Бизнинг Россияда бунга таққослаш мумкин бўлган бино йўқ.

Самаралик мулла Ҳусайн деган киши билан танишиб, чой ичдик. У Бухоро тартибларидан гапириб берди. Ҳозир бу ерга қозихонанинг амалдори келар экан. У шаҳарда юз берган кундалик тартибсизликларни шу ерда текшириб, айбдорларга жазо берай экан.

Чиндан ҳам, анчадан кейин амалдор келди. Турдаги гилам солинган махсус жойга чиқиб ўтирди. Ёнидаги ўттизтача хизматкорини бозорларга, дўконларга таратиб юборди. Улар тартиб бузувчи, биронинг ҳақига хиёнат қилувчиларни топиб келишлари керак эмиш.

Гаалама ўлчашда хийла ишлатган, сотган молида айб топишган уч кишини етаклаб келишди. Гувохлар ёрдамида бирининг айби тасдиқланди. Амалдор унга «ўн қамчи» деб жазо белгиледи. Ёрдамчилари шу ернинг ўзидаёқ айбдорнинг қў-



лини орқасига қилиб, жазолай бошладилар. Воқеа устида одам кўп эди, мен «Тавба қилдим! Тавба қилдим, тақсир!» деган нидони эшитдим, холос.

Бу ерда тартиб ва тарбия бутунлай қамчига асосланган экан. Бизнинг Россияда ҳозир қамчи фақат жонворларга ишлатилади.

Бухорода биринчи жума намозини Мачит-Калонда ўқидим. Бу мачитга киришим билан икки нарса ёдимга тушди. Бирини шуки, ҳижрийнинг 617 йили Жаҳонгир Чингиз гўзал Бухорони забт этиб, шу Мачит-Калонга от чоптириб кирган эди. Замонларни, шу воқеаларни ўйлаб, мачитнинг ҳозирги улугворлиги ва маҳдиди бўлдим. Мен Россия-

да бундай мачит кўрган эмасман. Уртаси чорбурчак катта майдон атрофидаги қатор устунлар орқасида ҳужралар. Бу ерга юз мингга ақин намозхон сизини мумкин.

Мачитдан чиққан ҳамоно Миноран Калонга кўзингиз тушарди. Унинг баландлиги ўттиз саржиндан кам эмас, архитектура жиҳатидан Бухорода энг ажойиб иншоотлардан биридир. Унинг қачон қурилганини аниқлай олмадим.

Бу ерда билимдон одамларни домулла дейишарди. Диндорларнинг энг қуйи даражаси — имом, улар одатда анча нодон одамлар бўлади. Мадрасани битирганлар ё мачитда имом, ё бирор мадрасада мударрис, ёки бир қишлоқда қози бўлиб ишлар экан. Буларнинг билими «Мухтасар», «Хидоя» сингари бирон китобни билишдан нарга ўтмайди.

Булардан бўлак, Бухорода яна икки муфти, бир охун, бир раис, шайхулислом ва қози калон бор. Буларни амир тайинлайди. Тайинлангандан сўнг бу диний амалдорлар бари қози калоннинг ҳукмида бўлади. Булар кўпинча билимга қараб эмас, қози калонга яқинлигига қараб ҳурмат қилинади, хизмат ҳақлари ҳам шунга боғлиқ. Шунинг учун бу тоифанинг илм даражаси пасаиб кетган.

Қози калон Россиядаги адлия министри ёки митрополит мавқедадир. Лекин Қози калон бу ерда оддий мадраса илми билан кифоялангани ажаб.

Ҳарбийлардан катта мансабдорлар: мишраб, карвонбоши, парвоначи, закотчи, қўшбеги сингарилардир. Қўшбеги Туркиядаги садри-аззам даражасида. Карвонбоши — Россиядаги йўллар министри, закотчи — молия министри, мишраб эса полиция бошлиғи мавқеидаги кишидир. Аммо буларнинг билим ва лаёқатларини асло қиёс қилиб бўлмайди. Мен Бухорода бу амалдорлар билан учрашиб кўпларининг билимсиз одамлар эканини англадим. Аммо четдан келганларни, сайёҳ ва меҳмонларни ҳурмат қилишар, совгалар беришар экан.

1892 йил охирида Бухоро амира Абдулаҳадхон Россияда меҳмон бўлди. Амир ҳазратларини у ерда иззат-икром билан кутдилар. Темир йўл бекатларида тўралар уни қўл қовуштириб қарши олдлар. 25 декабрь кунини амир бизнинг Ростов-Дон орқали Петербургда ўтиб бораётган экан, уни мусулмон вакиллари табриқлашди, улар орасида мендан бўлак Ҳожин Охун Иззатулло афанди, биродарим Мусо Бегиев, Раҳматулла афанди Паташев ва бошқалар бор эди. Иззатулло афанди бир сиёсий нутқ ирод этди. Амир ҳазратларини тахтиравонда тинга туриб тинглади ва «Оқ подшо ҳазратларига содиқ бўлингиз, бу мусулмонлик аломатидир», деб фотиҳа тортиди. Шунда кўп натори мен ҳам амирга ўз китобларимни тақдим этиб, Бухорон шарифда бир газета чиқаришга рухсат сўраб ариза тутиздим. Амирга йўлдош бўлган закотчи Астонақул афанди аризамни олди.

Бухоро амирлигида матбуот йўқлигини билардим. Яна билардимки, илм-маърифат ишлари газеталарга ҳам боғлиқ. Шунинг учун бу ерга келгач, аввал Астонақул афанди ҳузу-

<sup>1</sup> Боши 1-сонда.

рига кирдим, Закотчи мендан ҳол-аҳвол сўради, эски таниш сифатида эркин сўзлашди. Мен дарров яна газета масаласини кўйдим. Аммо бу ерда амалдорлар менинг фикримда эмас экан. «Сиз, домудла, ҳозир билмайсиз, кейин тушуниб оларсиз, деди закотчи, сизга бу ерда газета чиқариш учун ҳеч қачон ижозат берилмайди, бекорга овра бўлаяпсиз». Кейин билсам, бу ерда сиёсий масалалар кўзга ман этилган экан, газета эса, сиёсий масала ҳисобланаркан. Афв ўтиниби, чиқиб кетдим.

Бир йўлдош топиб Регистонни томоша қилдим. Бу майдонда амир саройи бор — Арк деб аталар экан. «Аркистон» халқ тилида Регистон бўлиб кетган деган тахминлар бор.

Амирнинг бу саройдан бўлак, соф ҳаволи боғзор жойларда бир неча саройлари ҳам мавжуд. Амир ўзи кўпроқ Шаҳрисабздаги саройида истиқомат қилар эмиш. Шаҳрисабз Амир Темурунинг туғилган жойи, Бухородан аравада тўрт кунлик йўл экан.

Йўлдошим Абдулло билан Заргаронни томоша қилгандан кейин, Бухорои шарифнинг раисини кўриш тилаги туғилди. «Эшон раис ҳазратлари улуг, билимдон одам», деди Абдулло.

Ҳақиқатан, бизни нуруний бир қафни кутиб олди. Атрофида катта саллали одамлар бор эди. Кимлигини билдирдим. «Йуда соз, Бухоро улуглар масканидир, уларни зиёрат қилсангиз барака топасиз», деди раис. Кейин рус тилини билишдан қувониб, ёнидаги кишига бир нима буюрди. У бориб бир қўти келтирди, қўтида бир орден ва конверт бор эди. «Домудла, шу нишонни бизга оқ подшо ҳазратлари тақдим этган эдилар, мактубларида нима ёзилганини ўқиб, бизга таржима қилиб берсангиз», деди. Қўтида иккинчи даражали Святослав орденидан ташқари бир бут ҳам бор эди. Мактубни ўқидим. Унда император Александр III томонидан фалон жанобга хизмат ва садоқат учун тақдим этилди, деган жумлалар ёзилган эди. Таржима қилиб, номанинг бош қисмидаги «Россиянинг императори, Финляндиянинг буюк князи, Польшанинг улуг ҳукмдори» сингари шаҳшаҳдор унвонларни тушунтирдим. Раис афанди айниқса шу унвонларга ҳайрат билан қўлоқ солди: «Бисёр бузург будаст, тамои Искандар будаст, ҳама оламаро ба дасташ қабз кард, ба вой читур итоат накуни? Жуда калон будаст. Истамбулро чигуна намеград ин кас!».

Унинг шу гапидан кейин Бухоро амалдорларининг кўп нодонлигига яна амин бўлдим. Шаҳар раисидек одам оғзидан чиққан шу сўзлар уларнинг илми, сиёсий савиясини кўрсатиб турарди. Бу ҳол таъбимни хира қилди.

1 август эрталаб «Сайқали рўйи замин» — Самарқандга саломат етдим. Бу шаҳар Оқсоқ Темурудек жаҳонгирнинг пойтахти бўлган. Исломиятнинг бошланишидан буён оламда шуҳрати бор, унда кўп улуг зотлар тарбия топган...

Темурунинг қабри бунда «Гўри амир» деб аталади. Бу кўҳна Самарқанднинг ғарби-жанубида, эски ва янги шаҳар ора-

лигидаги боғзор аро гўзал бир гумбаздир. Кўрки ва санъати жиҳатидан Туркистон машҳур зиёратгоҳ. Ажойиб безаклар, мрамар маъбаралар. Бунда Шоҳруҳ, Улугбек каби Темуру авлодлари ҳам дафн этилган. Санъаткорона ишшоотни узоқ томоша қилдим. Барини тасвир этгани Темуру қилчидек ўткир қалам керак...

1871 йилда қурила бошлаган янги шаҳарда 15 мингча аҳоли яшайди. У ерда ерли халққа иморат солиш чегараланган, асосан руслар тураркан. Кўҳна Самарқанд сербог, ўрта бир ерда Регистон майдони, бу ер доим гавжум, савдо-сотиқ ҳам шу ерда. Атрофида Тилла-Қори, Шердор ва Улугбек мадрасалари. Улугбек илм ва фанда, айниқса илми-нужумда забардаст олим бўлган. Риёзиётда ҳам ўзигача маълум бўлмаган мураккаб муаммоларни ҳал этган кашфиётлари бор. Ой, Кўёш ва юлдузлар ҳаракати қонуниятларини тушунтирувчи «Зиж» жадвалини ижод этдики, у шу кунда ҳам олимлар эътиборидадир. «Зиж» 1665 йили Оксфорда нашр этилиб, бутун Европaga маълум бўлди. Улугбек Самарқандда катта обсерватория очган. Унинг саройида машҳур илм-фан арбоблари тўпланган бўлиб, ўзи бутун умрини фанга бағишлади. Отаси Шоҳруҳ ҳаёт вақтида, 850-ҳижрийда тахтта ўтириб, ўгли Абдуллатиф билан доим низода бўлди. Ахирини шу ўғлининг амри билан ўлдирилгандир. 39 йил ҳукм суриб, 59 ёшда ҳалок бўлди.

Мадрасаларда шогирдлар билан суҳбатлашдим, руслар келгандан кейин бу мадрасаларнинг тақдири нима бўлар экан деб қизиқдим, аммо шогирдларнинг бу масалада хавотирини сезмадим.

Бозорни айландим. Чойхоналарда ўсмирлар югуриб чой ташийдилар, бу ерда қизиқ суҳбат, ўйин-кулги кўп бўлар экан. Бу менга жуда ёқди.

Бир вақт саросима бошланди. «Урнингдан тур, тўра келаяптилар!» деган товуш эшитилди. Мен бунга ҳайрон бўлдим. Бизнинг Россияда ҳар қандай казо-казолар ҳам ровга қилмай ўтиб кетаверди. Менга тушунтирдилар: «Домла, ўзбекларда улугларни оёқ узра туриб саломлаш одати бор, бунни кўриб рус тўралари ҳам ўзларини шундай саломлашни талаб қиладилар».

Бу ҳол адотлатдан эмас. Ўзи истаб саломлашса бўлак гап, мажбурий одат ўрнатиб бўлади-ми? Тартиб ва адолат ҳақида лоф урувчи рус тўралари қандай қилиб бунни жорий этдилар экан?

Самарқандда Ҳожи Абдуғали Хусаннов билан танишдим. Унинг айтишича, бу ерда мактаб-мадраса кўп бўлса ҳам, ўқитув усул-қондалари нободидир. Ўзбек халқида зеҳн ва қобилият кучли, деди Ҳожи Абдуғали, аммо мактаб-мадраса раҳбарлари рафлатда, фикр қилмайдилар.

Самарқанд атрофи сув, об-ҳаво жиҳатидан гоят гўзал, боғзор кўп. Мен бу ерда кўп нарсани кўриб-билдим. Аммо барини батафсил ёзиш учун вақт бўлмади.


Сўнгра яна Бухорога қайтдим...

1893 йил.



Қишки Чимён.

Г. ГРАФКИН фотоси.



Қалин қор.

А. ВАНШТЕЙН фотоси.

# ИСЁНКОР ЙИЛЛАР ҚИССАСИ



Сўнги йилларда ўзбек адабиётида автобиографик повесть жанри яхши ривожланмоқда.

Бу жанрнинг етук намуналари — Ойбекнинг «Болалик», Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» повестидан кейин, Назир Сафаровнинг «Қўрган-кечирганларим» китоби пайдо бўлди.

Ҳамза номидаги республика мукофоти билан тақдирланган бу асарлар авторларнинг болалик чоғларидаги воқеаларнинг тафсилоти бўлибгина қолмасдан, ўзбек халқининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасида ва Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллардаги шонли курашини ҳам ҳаққоний ас эътиради.

Назир Сафаров Жиззах шаҳрида туғилиб ўсган. Асарда тасвир этилган воқеалар ёзувчининг ўн икки ёшигача ана шу ерда бошидан кечирган сарғу-заштларидир. Асарда айниқса 1916 йил воқеалари катта ўринни эгаллайди. Ёзувчи фойдаланиб кўзғолон қатнашчиларидан олган маълумотларига асосланиб,

асарнинг тўлақонли чиқишига эришган.

Автор аввал болалик йилларини, кейинги болларда эса ўша давр ёшларининг ҳаётини, уларнинг кечқурунлари тўпланишиб гап-гаштак ўтказишларини, отасининг бир бурда нон топиш мақсадида қишлоқма-қишлоқ саргардон бўлиб юришларини, қайси бир камбағални қаҳратонда бўрилар тилка-пора қилиб ташлаганини маҳорат билан ҳикоя қилади.

Мана шу ҳикоялар замирида автор ўша давр интимой ҳодисалари билан ўқувчини аста-секин таништириб боради. Жиззах халқининг сув учун кураши, синфий тенгсизлик, дин арбобларининг макр-хийлалари очиб ташланади.

Ёзувчи 1916 йил Жиззах кўзғолонини вужудга келтирган асосий сабабларни яхши билади, уни ўз кўзи билан кўрган, кўзғолон натижасида халқ бошига келган азор-ўқубатларни татиб кўрган кишидир.

Ўрта Осиё ва Қозғистоннинг турли районларида бўлганидек,

1916 йил баҳори қуруқ келиши туфайли меҳнаткаш халқ жуда ҳам азор тортиди. Бунинг устига маҳаллий бойлар, чор Россиясининг амалдорлари, дин ва шарият пешволари уларнинг қолган бир бурда нонини ҳам тортиб олган бир пайтда вабо касали ва шу билан кетма-кет мардикор олиш каби дахшатлар пайдо бўлди. Жони халқумига келган халқ ҳам жим турмади: маҳаллий ҳокимларни ва чор ҳукуматининг амалдорларини ўлдириб, шу туфайли бу офатлардан қутулмоқчи бўлади. Лекин мингбоши ва приставнинг ўлдирлиши камбағал халқ, бева-бечораларга аянчли фожиа олиб келади: Жиззахга юборилган жазо отряди шаҳарни ер билан яқсон қилади, хотинларни, қарияларни, ёш болаларни сувсиз Қили ва Учтепа чўлларига ҳайдаб боради. Шулар қаторида ўз онаси ва укаси билан бирга ёш Назирқул ҳам бор эди.

Қили ва Учтепа чўлларидан кечирган бир неча кунлик ҳаётнинг тасвирини ўқир экан, ўқувчининг кўзларида қаҳр-

газаб ёшлари пайдо бўлади.

Содда тил, раво услуб билан ёзилган бу асардаги барча қатнашчилар ҳаётда ўтган (айримлари ҳозир ҳам барҳаёт) кишилардир.

Назир Сафаров очеркчилик ва драматургия соҳасида орттирган бой тажрибасини повестда янада мукаммал кўрсата олган. Диалогларнинг жуда табиийлиги, тилнинг жозибадорлиги асар авторининг моҳир драматург эканлигидан далолат бериб туради. Ёзувчи повестда халқ кўшиқлари, ҳикматли сўзлар, мақол ва маталларни ўз ўрнида топиб ишлатганки, бу, асарнинг бадиий қимматини янада оширади. Автор асарда айрим тарихий ҳужжатлардан ҳам фойдаланиб унинг ишончли чиқишига эришган. «Қўрган-кечирганларим» автобиографик асар сифатида адабиётимизга қўшилган қимматли ҳиссадир, у бугунги бахтёр ҳаётимиз қандай қурашлар билан қўлга киритилганлиги ҳақида ҳаққоний ҳикоя қилади.

Аслиддин ҚАМАРОВ.



Жанубий чегарада.



С. БЕЗНОСОВ фотоси.

## БОРМИ?

Қозоғистонли археологлар эрамиздан олдинги энг катта кутубхоналардан бирини топиш учун янги Ўттор экспедициясига тайёргарлик кўришяпти.

Ҳозирги Жанубий Қозоғистон территориясида эрамиздан олдинги IV асрда Ўттор шаҳри пайдо бўлган. Бир неча юз йиллардан сўнг, Хоразм давлати қарамоғига ўтгач, у анча гуллаб-яшнаган. Шаҳарнинг катталиги, бойлиги, қудрати ҳақида шарқ тарихчилари солиномаларида қолдирилган фикрлар деярли бир хил. Ўтторда бир неча ўн минглаб аҳоли бўлганлиги, атоқли олим ва мутафаккирлар, шоирлар яшаганлиги қайд қилинади.

Қадимий ёзувлар бу жойда ўз замонасининг энг катта билим хазинаси — улкан кутубхона бўлганлигидан дарак беради.

Уша замон олимлари Ўттор шаҳрини жаҳонда Александриядан кейин иккинчи шаҳар деб таърифлаганлар. Мазкур кутубхона китобларидан машҳур олим Абуносир Форобий фойдалангани, таниқли математик ва астроном Аббос ибн Саид-ал-Жаъфарий ишлагани тўғрисида маълумотлар бор. Ўтторга шаҳарнинг Богдо, Бухоро, Масир, Шом сингари қадимий шаҳарларидан ва Ҳиндистондан нодир қўлэмалар келтирилган. Бу ерга келган ҳар бир савдо карвонининг юклари орасида албатта китоблар бўлар эди. Чунки карвонбошилар китобни қадрловчи бу шаҳарда қўлэмаларни сўзсиз ва қиммат баҳода сотиб олишларини билардилар.

1219 йилнинг кузида шаҳар Ўрта Осиёга ҳужум қилган Чингизхон бошлиқ босқинчилар қамалида қолади. Ушанда улкан китоб хазинасининг бирорта қўлэмасини душман қўлига туширмаслик ниятида кутубхона ер остига бекитиб қўйилган. Қаердалиги сир сақланган. Шундай усталик билан бекитилган-ки, душман ер билан яқсон этилган шаҳарни қанчалик ағдар-тўнтар қилмасин, кутубхонанинг ҳатто изини ҳам топилмаган. Босқинчилар томонидан кутубхона топилгани ҳақида бирорта ҳам тарихий ҳужжат йўқ.

... 1903 йилда қадимий кутубхонани қидиришга олимлар бир қизиқиб кўрган эдилар. Улкан мақбара ва миноралари қулаган катта шаҳар ўрнида атиги бир неча тепаликлар бўлиб, уларни ҳам кўчма қумлар текислаб кетган эди. Шаҳар этагидан оқиб ўтган Сирдарё эса қачонлардир шарқ томонга жилдиб, шаҳар ўрни саҳрога туташиб қолган.

Таниқли рус археологи А. Черкасов ана шу туташган жойни Ўттор шаҳрининг маркази деб тахмин қилди ва қидирув ишларини бошлаб юборди. Лекин экспедиция бир неча ибтидоий асбоб-анжомлардан бўлак ҳеч нарса топмади. Уша йилларда ерчи чуқурроқ қазиб, қидирувни давом эттириш имкони бўлмаган.

Чунки чор ҳукумати бу экспедиция учун жуда оз миқдорда маблағ ажратган эди. А. Черкасов бу улкан кутубхонанинг топилишидан умидини узиб, бошқа ишга қўлурди. Шунингдек, бу пайтда баъзи олимлар «китоб хазинаси ҳақидаги гап тарихчиларнинг ҳаёлий тасаввуридир» дейишга улгурган эдилар.

Орадан бир неча ўн йиллар ўтгач, матбуотда бир қизиқарли топилма ҳақида ахборот чиқди: Нурмаҳамед деган чўпон йигит Сирдарё воҳасидеги ўз отарида қўйларини ўтлатиб юрган чоғида чиябўрига дуч келиб қолади. Чўпон йигит ити билан йиртиқчи изма-из қувиб бориб бир қоядаги катта горга дуч келади. Чўпоннинг ити ана шу гордан чарм жилдли бир китобни тишлаб чиқади. Бу арабча ҳарfli жуда эскирган қўлэмза эди.

Ким билади дейсиз, балки бу минг йиллар давомида ёруғликка ташна бўлган улкан кутубхонанинг ер юзасига чиққан, биринчи китобидир.

Қозоғистон фанлар академиясига қарашли тарих, археология ва этнография илмий-текшириш институтлари ходимлари томонидан уюштирилган махсус экспедиция 1967 йил ёзида Ўтторга жўнади. Археологик қазувлар давомида сопол идиш-товуқлар, бронза қўзғу, тош пойафзал, қумуш ва олтин зебу зийнатлар чиқди. Кўп миқдорда топилган қилчи ва ўқ-ёйлар шаҳар жуда каттиқ камалга бўлганидан гувоҳлик беради. Юқоридаги топилмалардан кейин афсонавий кутубхона ҳақидаги тахминлар ҳаёлдан ҳақиқатга яқин, деган хулосага келинди.

Эрон шоҳи Қай Хусрав эрамиздан олдинги VI асрда Ўрта Осиёга кўшин тортади. Геродот шу воқеага бағишлаган ўз ишида, босқинчилар шаҳар қалъаси ишғол қилганда ерли аҳоли қандайдир сирли ер ости йўли билан шаҳарни ташлаб кетганлигини айтади. Бу сирли ер ости йўли Шарқнинг улуг шоири Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома»сида ҳам айтилган. Эрон лашкарлари Афросиёбни забт этган чоғда достоннинг бош қахрамони Афросиёб ҳам қандайдир сирли ер ости йўлидан қочиб, шаҳардан чиқиб кетади.

Ўтторда ана шундай ер ости йўли бўлганми? Ҳозирча бу муаммо. Агар бўлса ҳозиргача сир сақланаётган Ўттор кутубхонаси ана шу ер ости йўли орқали бирон-бир жойга берчтилган бўлиши мумкин...

Ҳозир экспедиция ўз олдига қўётган биринчи вазифа Ўттор қалъасидаги йўлни — шаҳар аҳолиси бошига қора кўнлар тутганда иш берган ер ости йўлини топишдан иборат. Бу йўл топила деярли бутун шарқ дурдонаси йиғилган китоб хазинасига йўл очилади. Ана шунда ўз даврида олам қўзғуси бўлган улкан кутубхона — билим «очил дастурхони»нинг топилиши муқаррар бўлади.

Дам

олиш

соатларида



## Боланинг тили ширин

БЮЮРТМА

Ота-бола телевизорда футбол ўйинини томоша қиляпти.

— Яқинда, ўғлим, ойинг сенга битта укача сотиб олади, майлими?

— Майли. Лекин футбол ўйнайдиганидан олсинлар, хўпми, дада?

ДАСТЕРЛАР

— Ойи, биз идиш-товуқларни ювиб қўйдик — Баракалла! — деди она. — Сен ҳам қарашдингми? — сўради у энг кичик қизчасини эрикалаб.

— Ҳа. Мен синиқларини этагимга териб турдим.

ДАҲШАТЛИ ҚУЕН

— Дада, Сиз куёндан қўрқасизми?

— Йўге...

— Нега бўлмаса овга борганда милтиқ осиб, яна йўлбарсни ҳам олиб нетасиз?

УСТА

— Дада-чи, дада! Мен ўзимга танбур ясаб оқдим. — Баракалла, ўғлим! Жуда соза! Торларини қаёқдан олдинг?

— Пианинодан уздим, дада.

## ГЕРОДОТ ГУВОҲЛИК БЕРАДИ

Қадим юнон тарихчиси Геродот бундан икки ярим минг йил аввал бундай деб ёзган эди:

«Осиёда тўрт томондан тизма тоғлар билан ўралган бир текислик бор... Бу текислиكنи ўраб олган баланд тоғлардан Акес дарёси оқиб тушади... Бир замон шоҳ тоғ дараларини бекитиб, ҳар бирининг оғзига тўғон қуришни буюради. Оқибатда, авваллари дарё сувидан фойдаланиб келган элу элатлар қўлтум суғатга муҳтож бўлиб қолади. Оқлик ва ташналик тоб қилиб бўлмайдиган дарангага етганда эригау аёл оломон бўлиб Эронга йўл олади, шоҳ арчи олдига тўпланиб, дод-фарёд қилади. Шоҳ уларнинг қўлтум суғатга жон беришга тайёр эканиларини қўриб қамоат ҳосил қилган, дарадаги тўғонларни катта бож эвазига бир неча кунга очиб қўйишни буюради. Ерлар сўғорилгач, тўғонлар ана бекитилди. Шохнинг кўп турли солиқлардан ташқари, ҳар замонда тўғон очиб сув сотишдан ҳам катта давлат ортирганини эшитганман».

Буюк юнон олими гувоҳлик берган бу фониялар худди Термиз яқинида — юз берганлиги аниқланди. Термиз билан Шеробод дарёси ўртасида Шеробод қишлоғи бор. Бу ердан бир неча километр наридаги Нон-Дагон дарасида қадимий тўғоннинг харобалари сақланиб қолган. Бир замон моҳир мироб ва деҳқонлар бу водийда катта сув омбори қуришган; аммо бақтралликларни бўйсундирган Доро Густасп бу ернинг халқини асоратда сақлаш учун ҳалиги тўғонларни қурдирган экан.

# ТУВИМ ҲИҚМАТЛАРИ

Польшанинг машҳур шоири Юлиан Тувим (1894—1953) «Суқрат рақси», «Еттинчи нуз», «Сўз ва қон», «Польша гуллари» каби поэтин асарлар автори бўлиб, у «Князь Игорь қиссаси»ни ва А. С. Пушкин асарларини полля тилига таржимаси қилган. Ю. Тувимнинг «Қофия бозори» деган юмористик ҳикоятлар китоби ҳам бор. Куйида шу китобдан парчалар келтирамыз.

## ҚАТТИҚ ҲАВО

«Аэроджет» фирмасининг мутахассислари келажак космик немаларда учганда кислород жамғармасини қаттиқ ҳолда олиб кетиш маънуд дейишмоқда. 2000 совуқлида қотирилган 0,14 грамм ҳақимдаги кислород уч кишилик экипажни бир соат давомида ҳаво билан таъминлашга етади.

## ДДТ — КИШИ УЧУН ЗАҲАР

Колорадо университетининг профессори Метналф ДДТ препарати ишлаб чиқарадиган заводда 10—15 йил ишлаган 150 кишини узоқ вақт давомида тиббий кўридан ўтказди. Профессор уларнинг руҳий тушуниқликка учраганликларини ҳамда эслаш қобилиятлари пасайиб кетганини аниқлади. Бу касаллик ҳолати ўша кишилар бошқа ишга ўтганларида аста йўқолаборганини ҳам текшириб билди.

Хайвонлар устида ўтказилган тажрибалар шунини кўрсатдики, ДДТ ёғарви қатламда тўпланар эканда, улардан қонга, қон билан эса миёга ўтар экан. Натижада ҳар хил юрхоллар юз беради, ҳатто ҳалонат содир бўлади.

## ПЬЕЗДОҒ ЕНГИ

Кардиолог врач Судханаран Меноннинг текширишлари шунини кўрсатдики, пьездоғ жуда фойдали, ҳатто шифобахш хусусиятга эга экан. У турли витаминларга бой бўлишидан ташқари киши аъзо-баданининг ҳар хил инфекцияларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини ўстирар, қон томирларида қоннинг ивиб қолиши, тромблар ҳосил бўлишини ҳам намайитар экан. Бу, шубҳасиз, қон томирларини даволашда жуда муҳимдир. Яна шуниси ҳам борки, пьездоғ мазали, саримсоқ пьездоғ теварагини гизадагиларда ёқимсиз ҳис уйғотмайди.

Шундай яшагинки, ўлганингда танишларнинг сенсиз зеркиб қолсин.

Какку сайраганда ўзининг отини айтиб сайрайди.

Эркалар одатда хотин-қизга кўрсатган ўз таассуротлари остида узоқ қолиб кетадилар.

Прогресс: бир вақтлар телеграф симларига қўнадиган қушлар энди антенналарга қўнишадди.

Вақтнинг қандай тез ўтишини билгинг келса, кредита жиҳоз ол.

Тўя билан одамнинг фарқи: тўя бир ҳафта ичмай ишлаши мумкин, баъзи одамлар эса, бир ҳафта ишламай ича олади.

Ажойиб эғизаклар! Буларнинг ўхшашлигини қаранг! Айниқса мана буниси!

Болалигимда жуда яхши эдим десам, ишонмайди. Шундай яхши эдимки, туғруқхонада мени алмаштириб кетинган.

Камбағалларни сира эсингдан чиқарма.— дер эди бир фабрикант,— эсингда тутавер, бу ҳеч қандай сарф талаб қилмайди.

Ешликда қушлар қисқа, йиллар узун бўлади. Қариганда эса — аксинча.

Виждон — биров қараяпти, деб шивирлайдиган паст овоздир.

Қариндошларни толенгиздан кўрасиз. Лекин қандай бахтки, дўстларни ўзимиз танаб орттирамыз.

Одамлар тўрт хил бўлади: 1) билмаганлигини билмайдиганлар; булар аҳмоқ бўлади — уларни четлаб ўт. 2) билмайдиган, лекин билмаганлигини биладиганлар; булар содда одамлар, уларни ўргат. 3) биладиган, лекин билганлигини билмайдиганлар; булар ғафлатда, уларни уйғотиб қўй. 4) биладиган ва билганлигини биладиганлар; булар доно одамлар, уларга эргаш.

Рухоний — бизнинг у дунёлигимизни ўйлаш билан ўзининг бу дунёлигини ғамлаб оладиган одам.

Мушт — қўлдаги чўғидир.

Билим — ақлли одамга унинг оз билганлигини кўрсатади, аҳмоққа эса — «кўп биламан» деган тасаллидир.

Узоқ қариндош билан яқин бўлиш учун тезда бойиб олиш керак.

Эҳтиёткорлик — омадининг онаси дейишади. Бу ёлгон: эҳтиёт бўлса она бўларимди.

Одам ҳеч қачон мактабга қатнамаган, ҳеч нарса ўқимаган бўлса, уни қўлбола нодон дейлади.

## ЛАЗЕР ТИШНИ «КАВШАРЛАЙДИ»

Пўлатдай чидамли, ўта мустаҳкам бўлган тишининг сиртини эмаль қатлами аслда анча мўрт, ундан тишининг ичига баъзи кимёвий моддалар бемалол ўтиб кетаверади. Эмалнинг ўзи бўлса минироблар таъсирида осонгина емирилади.

Доктор Ф. Джонсон бошчилигида бир тўда олимлар ўтказган тажрибалар натижасида тиш оғрини (кариес)нинг асл сабаби аниқланди. Шу билан бирга, унинг олдини олиш чоралари ҳам топилди. Қўз илгар-илғармас лазер нури билан секундининг 20 миллиардан бир бўлаги давомида тиш эмалидаги жуда майда ёриқ-тешикчани «кавшарлаш» мумкин бўлди. Натижада тиш ичига емирувчи кимёвий моддалар ва чиритувчи минироблар кириш йўли бекитилди. Агар бундай «сирлаш» иши тишининг эмалини ишқор билан қоплаб ўтказилса ҳеч оғринмайди, аксинча яхши самара беради.

Олимларнинг айтишларича, бу янги даволаш усули 1,5—2 йилдан кейин, яъни қулай ва арзон аппаратура яратилгач, кенг қўлланилади.

## ТОВЛАНУВЧИ МАТО

Ниҳоят, кўпдан мода ишқибозлари орзу қилган мато ишлаб чиқарилди. У полимерлар хилига мансуб бўлиб, ажойиб хусусиятга эга: ташқи шароитга қараб матонинг ранги ўзгаради, ҳавонинг намлиги, кўёшининг илиқ нури тез таъсир этади. Ўша матодан тикилган қордай оқ чўмилиш кийими сувга туширилганда кўм-кўк, нуриганда эса қўнгир, пушти рангда товланади.

## АЛОҚА ЙУЛДОШИ ОРҚАЛИ ГАЗЕТА

Яқинда Лондондан Пуэрто-Рикога газетанинг бутун бир саҳифаси алоқа йўлдоши ёрдамида берилди. «Дейли экспресс» газетасининг биринчи бети фотонегатив ҳолида «Эрли Берд» йўлдоши ёрдамида (ҳисман сув ости кабели орқали) Сан-Хуандаги «Эль Мундо» газетаси редакциясига жуда қисқа вақт — 15 минут ичида етиб борди. «Эль Мундо» газетасида эса ротация машинасида босиш учун саҳифанинг матрицаси тайёрланди.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, жаҳоннинг энг узоқ бурчакларига ҳам янги газета сонларини етказишда бу усулнинг келажак порлоқ.

Дам  
олиш  
соатларида



# Донишмандларнинг насихатлари

(«Насийхи ҳукамо»дан)

Эронда ҳукм сурган Сосониён сулоласидан бўлган Нушривон (вафоти 579 мелодий) йигирма уч донишмандни ҳузурга даъват қилиб, ҳар бирига бир неча насихатомуз сўз айтишни буюрди. Қуйида ўша донишмандларнинг насихатларидан келтирамиз:

Айтишга лойиқ бўлмаган сўзни айтманг, қидиришга арзимайдиган нарсани қидирманг.

Синалган, тажрибали кишиларни сийлайман деб уринманг.

Бировнинг бошига тушган қайғу-аламдан шодланманг.

Кучингиз етган ишга киришинг.

Ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан қўрқмаганлардан қўрқинг.

Мол-дунёнгизни ўзингизга фидо қилинг, ўзингиз мол-дунёга фидо бўлманг.

Аблаҳ, маст ва девонага насихат қилманг.

Нонингизни муҳтожлардан аяманг.

Эр-хотиннинг ўртасига тушманг.

Ота-онангизнинг сизда бўлган ҳақини адо қилинг.

Тинчликнинг тўғрилиқда эканлигини унутманг.

Бировга гапингиз ёқмаса, унга гапингизни қайтариб гапирманг.

Фойдали сўзни кимдан эшитсангиз ҳам қабул қилинг.

Мададни фақат олижаноб ва мард кишилардан сўранг.

Агар душман ўзини дўст кўрсатса, у билан ўйлаб муомала қилинг.

Роҳатда яшаб турган вақтингизда бир кун тангликка тушиб қолишингиз мумкин, шунинг тадбирини қилинг.

Форсчадан Шорасул ЗУННУН таржимаси.

## Журналхонларимиз

ижоди

### ТҮРТЛИКЛАР

Тўрт фасл юз такрор келиб кетса ҳам, Ҳаётдан умидин узолмас одам. Ганимат ҳар дамни мазмундор ўтказ — Доно улфатларга бўлиб эш, ҳамдам.

Турғилмоқ, ўлмоқ бу — табиий бир ҳол, Бироқ, эзгу ишга етмайди завол. Дунёга беҳуда келиб кетмасдан Халқ учун хайрли бир иш қилиб қол.

Қалбида ётса ҳам чексиз ташвиши Ноумид яшамас ақли киши. Дуч келган говлардан қўрқиб, ҳайқиб, Тақдирга тан бериш — номарднинг иши.

Қўрқоқнинг айби фош бўлар кўзидан, Елғовчи илинар мужмал сўзидан Гуноҳкор қанчалик дадил бўлмасин, Ҳадиксираб юрар ўз-ўзидан.

Муштумдек бўлса ҳам одам юраги Ер юзига сизмас орзу-тилагги. Ақл-заковатни қудрати билан Тоғни талқон қилар толмас билаги.

Раҳматли, ён қўшним уста Элмурад Етмиш уч ёшида этибди вафот. Тўқсон беш баҳорни кўрган онаси — «Ёш кетган болам!» — деб чекарди фарёд.

Биламан, эй ғофил, бандан гумроҳ! Тоатни ҳеч қанда қилмайсан, бироқ — Унутма: бир йиллик ибодатингдан Бир соат ҳалол тер тўккан яхшироқ.

Қалбида ётса ҳам қайғу, ғам тоши Хар кулфатга кўнар одамнинг боши. Юз дарду балога қарши ўлароқ — Қалқон бўлиб турар тоғдек бардоши.

Ғайрат МАҲМУДОВ.

## Чучмал дурдона

Абдурасул ота радиони буради.

Диктор ахборот ўқир эди: — Заршунослар ғайрат отига қамчи босиб, эл дастурхонига дурдона тўқмоқдалар...


Абдурасул ота хавотир билан осмонга боқди:

— Булар пахтани қачон теришади-а? Ҳавонинг авзойи бузуқ-ку!..



### Бечора каптарлар

Нью-Йоркда ҳайвонларни муҳофаза қилиш жамияти Вьетнамдаги урушга қарши намойишга қатнашган икки студентни судга берди. Бу студентлар намойишга каптар ушлаб чиқишган экан. «Бу масъулиятсиз ёшлар бегуноҳ каптарларни хавф остида қолдиришди» дейилди судга берилган арзомада. Нимасини айтасиз, полиция намойишчиларга қараб ўч отганда каптар бечоралар ҳам тасодифан нубуд бўлиши мумкин эди-да...



Бу маънос фил буталоғи — суяк.



Урданми бу, сувдан сеснаниб турган, ёки... картошка.

Михаил Арнаут дов

# СУПУРГИ

Студентлик — ҳаётининг энг ширин, серинов даври экан. Бунда бир ўзинг бир рўзгорсан. Кинодан жуфт чиққан пайларинг кўнглинг осмонда, кўйлақларинг ўзинг ювганинга эса — хунобсан. Овқат тайёрлаш санъатидаку ман-ман деган пазандага ҳам қозоннинг қулгини ушлатмайман, деб ўйлайсан.

Ўй-рўзгор буюмларини тутишга уста бўлиб қоларкансан. Ҳатто супурғи... Шу сўз учрамаганда эҳтибол ҳиқоянинг номи ҳам «супурғи» эмас, «студент» бўлармиди?

...Қайси бозор кунлиги эсимда йўқ, ҳар ҳолда камина навбатчи эди хонада... Уша кунни менга супурғи харид қилиш ҳам топширилган эди... Бозорини амаллаб топиб олдим. Унчалик тортинмай бирини харид қилдим. Бир кўлимда портфель, бир кўлимда супурғи, ётоқхона қайдасан, деб келалпман. Йўл-йўлакай «қаердан олдингиз?» «Ярашибди, ювайлик!» наби саволларга чала қизариб жавоб бераман. Манзилимга етай деганда қорин хуштак чалди. Чорраҳадаги ошхонага бурилдим. Супурғи билан портфельни столга қўйиб овқат олиб келдим. Биринчи қошиқ озгимга борган ҳам эдики, ёнимда нурсдошим Турди пайдо бўлди. У ҳам овқат келтирди. Ёнимдаги стулга ўтирди. Бир вақт қарасам у кўйнидан цоғозга ўроғлиш шиша чиқарляпти. Индамай қараб турдим. Турди ҳам индамай икки стаканга қулқуллатиб ароқ куйди бошлади. Анчадан бери озгимга олмаганим учунми, шиша билан

стаканнинг овози қулгимга аллақандай сеҳрли эшитилиб кетди. Биқинимиздаги таниш ёзувга ишора қилдим. Турди «тезроқ оливор, биров кўрса иккаламининг пўстагимизни қоқадди, бўлақол тез» деб қўймади. Лабимни ялаб, кўзимни чирт юдим...

Шу пайт ёнимизга фаррош хотин келди. Менинг супурғимни олди-да атрофни сукура бошлади.

— Холақон, супурғи меники, обиегиб қолманг тагин,— дедим чўчиб.  
— Ҳазилингни қўй, болам, онанг тенгиман-а,— деди фаррош хотин.

— Рост айтаман, ҳозир бозордан сотиб олдим, беринг бу ёққа!

Фаррош индамай сал нарироқни сукура кетди. Турди санраб турди, жон ҳолатда супурғига ёпишди. Хотин у ёққа тортади, Турди бу ёққа. Ниҳоят, хотиннинг қўлидан супурғи чиқиб кетди-ю, Турди тисарилиб бориб бир столи туртиб юборди. Столдан икки носа билан тўрт стакан ерга тушиб, баъзи ресторанлардаги эстрада куйига ўхшаш овоз чиқарди. «Чур-р-р» деган товуш эшитилди. Формадаги икки иккаламининг қўлтиғимиздан олди. Бордин. У ерда супурғи бизга қарашли эканлигини тан олишиб, қайтариб беришди. Ленин энди уйга кетсан керак, деб тургандик, Турдига ҳам битта сукура келтириб беришди...

Қилич НУРМУҲАММАДОВ.  
ТошМИ студенти.

Ўзингизга аён...



М. ВОРОБЕЙЧИКОВ расми.




В. ДУМКИН расми.

## ГУЛНИНГ ТИКАНИ

## КРОССВОРД

ЭНИГА:

БУЙИГА:



5. Атоқли ўзбек ҳуқуқшунос олимаси, академик; 8. Дунё томонларидан бири; 9. Эрта тонг; 11. Безак; 14. Атоқли совет болалар шоири, Ленин мукофоти лауреати; 17. Мавжудотлар олами; 18. Ойбек повести; 19. Вирлашган Араб Республикасининг қадимий номи; 22. «Динамо» (Киев) футбол командасининг таниқли ўйинчиси; 23. Ўсимлиқнинг бир қисми; 24. Халқ озғани иқонининг бир тури; 27. Табиий қош бўёғи; 29. П. Қодировнинг «Қора кўлар» романидаги бош қаҳрамон; 30. Машҳур совет кўз доктори; 31. Африка саванналарида яшовчи баянд буйли ҳайвон; 33. Ҳиндистоннинг йirik порт шаҳри; 34. Чолгу асбоби; 35. Ғўзанинг ҳосил органи; 37. Ип гаалама; 38. СССР Давлат гимнининг авторларидан бири.

1. «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг муаллифи; 2. Сайёра; 3. Увайсийнинг машҳур рубоиси; 4. Ой; 6. Тоғ дарёси ажойиботи; 7. Мамлакатимизнинг йirik кўмир ҳазаси; 10. Ўзбек халқининг ўзаро ердан аянганаси; 12. Совет саркараларидан бири; 13. Гудханийнинг машҳур асари; 15. Атоқли совет шахмат гроссмейстери; 16. Фотосиятез ҳақидаги таълимотга асос солган таниқли рус олими; 20. Ф. М. Достоевский романи; 21. Франциянинг пул бирлиги; 25. Ҳашарот; 26. Украина халқ чолгу асбоби; 28. Қушларнинг хонаки уяси; 32. Жанубий Африкадаги давлат; 33. Даврий равишда ўз йўналишини ўзгартириб турувчи ҳаво оқими; 35. Кўмирдан олинандиган қаттиқ модда; 36. Кино лентасининг бир бўлағи.

МУҚОВАЛАРДА:

БИРИНЧИ БЕТДА — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратов,  
ТўRTИНЧИ БЕТДА — Бойсун манзаралари.

ИККИНЧИ БЕТДА — Термиз порти,  
Г. ГРАФКИН фотолари.

Бош муҳаррир: Асқад МУХТОР.

Таҳрир ҳайъати: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Уктам ОРИПОВ, Рустам РАҲМОН (масъул қотиб), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУҲАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Комил ЯШИН, Муҳаммадқон УРОЗБОВЕ, Тошмуҳаммад ҚОРИ-НИЕЗИЙ.

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Бош рассом Э. РУЗИБОВЕВ.

Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

АДРЕСИМИЗ: Тошкент, 47, Карл Маркс кўчаси, 30-уй.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В-33520. Бош муҳаррир ўринбосари — В-33590. Масъул қотиб — В-33659. Ижтимоий сиёсий бўлим — В-33602. Адабий-бадиий бўлим — В-33519. Фан ва маданият бўлими — В-33519. Қабулхона — В-33520.

Теришга берилди 25/ХII-69 й. Босишга ижозат берилди 4/III-70 й. Қоғози 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Ҳажми 4 босма тобоқ. Буюртма 1295. Нусхаси 177083. Баҳоси 30. Р 07483. Нашр. Г-3607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашрийтининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.



Сариосиёдаги «Коммунизм» колхозининг «Роҳат» рақс ансамбли «Наманган олмаси» ларининг ижро этгани.

Г. Графкин фотоси.

Бэхсэг Р. үзүүр  
Анхны 75233

